

Неъмат АМИНОВ

ЧИНОРЛАР ҚУШИҒИ

*Ҳикоя
- ва
ҳажвиялар*

Тошкент
Ўзбекистон ЛҚСМ
Марказий Комитети
«Ёш гвардия»
нашриёти
1984

Н. Аминов ўзининг сатирик жанрдаги «Елвизак» ва «Суварак» қиссалари билан кўп сонли китобхонлар қалбини забт этди. Ушбу тўпламга асосан унинг кейинги йилларда ёзган янги ҳикоя ва ҳажвиялари жамланган.

Тақризчи Фарҳод Мусаёнов

А $\frac{70303-7}{356 (04)-84}$ 23—84 4702570200

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1984

СЎЗ БОШИ УРНИДА

Хурматли йигит ва қизлар! Гўзаллик ва мода ишқибозлари! Бугунги суҳбатимизда сочининг аҳамияти ва уни оққа бўяш тўғрисида маслаҳат бермоқчимиз.

Авалло соч ҳақида. Соч нима? Унинг хоссалари, эластиклиги, ранги, қалин ва сийраклиги нималарга боғлиқ? Ана шу саволларга жавоб бериб ўтмоқчиман. Соч — бу инсон танасининг юқори қисмида, яъни икки елка оралигида жойлашган энг олий аъзо — бош чаноқ суягининг юза қисмида ўсиб чиқадиган, киши физиономиясига кўрк ва чирой бахш этувчи жунсимон туклар массасидир...

Ўтмишда аёлларнинг ҳусни сочларининг узун ёки қисқалигига қараб баҳоланган. Оташнафас шоирлар гўзалларнинг сочини сумбулга, икки ўрими икки дарёга, ҳатто жон ўртовчи гажакларини илоннинг думига ҳам ўхшатишган. Бироқ ўтмишда айрим шарқ мамлакатларидаги йигитлар соч қўйиш, уни ўстириб елкага ёки ундан ҳам пастроққа тушириш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Эндиликда йигитларимиз ҳам соч қўйиш ва ўстириш борасида аёллар билан тенг ҳуқуқга эгадирлар. Ҳатто баъзи йигитларимиз худди аёллардек соч қўйиш, уни жингалак қилиб елкага ташлаш, сочларини турли хил сунъий рангларга бўяшда замонавий техника ва кимё фани ютуқларидан самарали фойдаланмоқдалар. Маълумки, кўплар сочини қомага, бировлар қизилга, яна бошқалар эса кул рангига бўяшади. Бу одат тусига кириб қолган. Соч бўяшда «Ҳино», «Басма» сингари қадимий дориворлар билан бирга, «Гамма», «Востановитель», «Перекис водород» (бу билан қошни бўяса ҳам бўлади), «Баландаран» ва яна бошқа хил кимёвий моддалар ҳам қўл келмоқда.

Мана, мен сал кам йигирма йилдан бери сочимни оққа бўяб келаман. Шубҳасиз бу табиий бўёқ кўпгина мода ишқибозларининг ҳавасини келтирмоқда. Қўшнимнинг «Фонтамас» лақабли серсочгина, тантиқ бир ўғли бор. Шу йигитча «сочни оққа бўяйдиган бўёғингиздан жиндай берсангиз», деб сўраб чиқибди. Нима қиласан, десам,

сочимни оққа бўйяман, дейди. Во, ажабо, нега, деб сўрасам, «ҳозирги қизлар сочига оқ оралаган йигитларни ёқтиради», дейди. Бекор гап, дедим. «Йўқ, сочига оқ оралаган йигитлар ақлли бўлишаркан, бўёғингиздан биров беринг, жон амаки!» деб туриб олди. Сочни оқартирадиган бўёқни беришим мумкин, лекин ақлли бўлишингга гарантия бера олмайман, дедим-да, бўёқ ҳақидаги гапни анча узоқдан бошладим.

Бундан йигирма йилча аввал журналда биринчи ҳажвиям босилиб чиқди. Кўпларга маъқул келди шекилли, кулишиб юрди. Лекин ўша куни кечга томон билаклари жунли, кўзлари қонгалаш, оқ, ингичка мўйловлари диккайган бир қария йўлимни тўсиб чиқди.

— Сиздан бунчалик кутмаган эдим, ота-бобонгиз билан оғайни эдук.

— Тинчликми?

— Илоҳо тавба, ҳамиша яхшиликка ёмонлик экан-да. Ахир тўйингиздаги новвосни ҳам ўзим бўғизлаганман-а, шуми оқибат?

— Нима бўлибди, қассоб бобо?

— Э, бобо деманг-э, отангиз бобо-э, ахир бизни бутун оламга масхара қилибсиз-ку... Агар шуни бошқа киши қилгандами, бир пичоқ уриб ўн беш йил олиб кетардим...

— Ахир бу ҳикоя бўлса, унда сизнинг отингиз айтилмаса, у киши сизга сираям ўхшамаса... мен у ерда юлғич бир қассобни ҳажв қилиб...

— Биламан, ҳамма қассоблар ҳам юлғич, лекин сиз мани ёзгансиз. Ҳатто кучугимни ҳам ёзгансиз...

— Ахир ҳамма қассобларда ҳам ит бор-ку?

— Ҳа, бор, ити бор... Шокир қассобнинг итини оти — Кўктой, Салимчанинг итини оти — Бўйноқ, яна анови Мишанинг итини оти — Бобик. Лекин сиз «Олапар» деб манинг итимни номини киритиб, мани масхара қилгансиз... ҳа-ҳа, масхара қилгансиз...

Тўла қассоб шундай деганча шарт изига бурилди. Юрагим алланечук бўлиб кетди. Назаримда ўша куни сочимнинг бир-икки толасига оқ бўёқ суртгандек бўлдим.

Одамларни кулдирмасдан тура олмас эдим. «Қоровул» деган бир ҳикоя ёзиб, радиода ўқидим. Эшитган одам борки, ҳаммаси кулибди. Буни қарангки, ўша куннинг эртасига мен сираям танимайдиган, нимжон бир чол олдимни мирғазабдек тўсиб чиқди.

— Ҳай-ҳай-ҳай! Сиздан лозиммиди шу? Бизни шармисор қилиш...

— Нима?

— Бизда... келиб-келиб, зўрингиз бизга етибди-да!

— Бу ҳикояда отингиз айнан келтирилмаган бўлса, адресингиз, ишлаш жойингиз аниқ кўрсатилмаган бўлса... мен унда инқилоб дарида ҳеч иш кўрсатмасдан, ҳозирда «инқилобчи» бўлиб чиққан айрим лақма чолларни ёзганман.

— Э, кўйинг-э, ана ўша сиз инқилобчи деб юрганларнинг кўпчилиги ҳам иш кўрсатмаган... Ҳа, биламиз, бизам биламиз... Лекин сиз кўзойнагининг бир пойига ип бойланган, дегансиз, ана ўша хил кўзойнак фақат бизда бор... Ҳа, майли, худодан кўрдим, э, тоғс, лудога солдим...

Кўнгил шиша эмасми, қаттиқ ўсал бўлдим. Бу гал ҳам чакка сочимга сал-пал оқ бўёқ сурилгандек бўлди.

Орадан кўп ўтмай шаҳардаги маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори жаҳл билан идорага кириб келди.

— Ув, бола,— деди у дағдаға билан,— хушёр бўлиб юр! Мен билан кўпам ҳазиллашма! Менинг илдизим сувга етган... Белинг чўрт узилиб кетади!

— Нима қилибман, тинчликми, ака?

— Нима қилибман, эмиш? Нега мени ёзиб, мазах қиласан?

— Мен сизни умримда кўрмаганман. Мазах—ҳам қилганим йўқ. Мен у ерда бир идора бошлигининг ўз котибасини тез-тез алмаштириб туришини ёзганман...

— Биламан. Менга кўп ақл ўргатма, котибасини ҳамма бошлиқлар ҳам алмаштириб туриши мумкин. Бирор жойда котиба алмаштирилмасин деган қонун йўқ. Лекин, сен менинг хотиним билан котибам ўртасидаги жанжални ёзгансан...

— У сиз эмас, бошқа киши...

— Мен, ўша мен... фақат сен Тўрахўжаевни Норхўжаев деб ўзгартиргансан... Котибам Ҳилолани Азиза дебсан... Ҳа, қадамнингги билиб бос, бола!..

Шунда сочимнинг тепа қисмига ҳам андак оқ бўёқ пуркалгандек бўлди.

Хўп, буни ҳам қўйиб турайлик. Улар адабиётдан хабарсиз кишилар. Шоир дўстларимдан бири билан бўлган можарони айтинг.

— Уқидик,— деди у кўзларини ола-кула қилиб,— энди ҳажв тиги бизга қаратилибди-да?

— Қўйсангчи, ҳикояда мақтанчоқ бир ёш шоирни ёзганман.

— Ҳамма ёш шоирлар ҳам мақтанчоқ, лекин сен сочи куюқ, холи бор деб мени назарда тутгансан.

— Ана, қара, ўзимнинг ҳам сочим куюқ, хол десанг ана ўзимда ҳам бор. Анови Турсуннинг ҳам, Олим Паровознинг ҳам сочи сеникидан кам эмас...

— Шеър ўқиганда қўлини силтаб туради деганинг-чи? Қаламининг орқасига кичик резинка бойлаб қўяди деганинг-чи?

— Оббо, наҳотки адабиётни шунчалик тор тушунсанг?

— Бўпти, сиз кенг тушунинг, ўртоқ Гўголь,— деди у жаҳл билан,— мен ҳам сен тўғрингда битта масал ёзиб «Муштум»да бостирмасам, отимни бошқа қўяман.

Хуллас, ҳар бир ҳажвий ҳикоядан кейин икки-уч толадан, ҳар бир тўплам чиққандан кейин бир тутамдан сочимни оққа «бўяб» кел-

япман. Ҳурматли йигит-қизлар, нима демоқчи эканлигимга энди тунгандирсиз? Сочи оққа бўйман десангиз, сизга берадиган маслаҳатим жуда қисқа: ҳажвия ёзинг! Қўплаб ҳажвия ёзиб, одамларни кулдинг!

Айтмоқчи, қўшнимнинг ўғли «Фонтамас» ҳақида. У менинг маслаҳатимга амал қилиб, узоқ йиллар ҳажв ёзишга уриниб юрди. Бу орада сочини чинакамига оққа «бўяб» олди, уч-тўрт марта ўйланди ҳам. Бироқ, ундан минакам ҳажвачи чиқмади. Энди у қўшиқ, ёзаяпти.

ҲИКОЯЛАР



«Педагогика»

Телефон жиринглади.

Техника советида биринчи участка бошлигининг ҳисоботини эшитиб ўтирган Мардон Тоҳирович чаққон бурилиб, ён томондаги бири оқ, иккинчиси қизил телефон аппаратидан оқининг трубкасини кўтарди. Овоз йўқ. Трубкани тарақлатиб қўйиб, такрор жиринглаётган қизил телефон трубкасини ҳовлиққанича қўлоғига тутди.

— Лаббай!.. Қимман?! Онангизни эрлариман!— техника советида ўтирганларнинг ҳаммаси бир-бирига ҳайрат билан қаради, прораб хотин ва котиби қиз хижолат чекиб, кўзларини ерга олишди. Мардон Тоҳирович кўзини қисиб: «Ўғлимиз, жуда шўх-да!»— деди-ю, яна трубкага гапира бошлади: «Ҳа, Султончик, номерни ким те-риб берди, бувингми? Ўзинг? Э, молодес! Баракалла, ота ўғли! Хайр, Султончик ўғлим...»

Мардон Тоҳирович трубкани жойига қўйиб, йирик кафтнинг терларини рўмолчага артаркан: «Тавба,— деди ёқа ушлаб,— уч яшар бола номер терса-я! Биз уч яшарлигимизда, масалаи, мани ўзим, қовун билан тарвузнинг фарқини билмас эдим... иккаласини ҳам «қабун» дердим... Қани, давом этинг, Турсунов!»

Биринчи участка бошлиғи қўлидаги қоғозларга қараб, секин-секин гапира бошлади.

— Уша «Шўробод» соехозида қурилаётган объект бир бизнинг участкани эмас, бутун ПМҚамизнинг диққат

марказида бўлмоғи керак. Чунки шу объектдан ўтган кварталнинг ўзида-уч ярим мишг сўм маблағ бизнинг ҳисобимизга ўтказилди. Илтимос қилардимки...

Телефон жириглади.

Биринчи участка бошлиғи сўздан тўхтади. Мардон Тоҳирович аввал оқ телефоннинг трубкасини кўтарди. Овоз йўқ — узуи гудок эшитилди. У трубкани «тақ» эткизиб қўйиб, ҳовлиққанича қизил аппарат трубкасини олиб қулоғига тутди.

— Ҳа, Султончик, санми, ўғлим? Нима қилаяпман? Мажлис ўтказаяпман, ўғлим. Мажлис нима, дейсанми? Мажлис... ҳе-ҳе-ҳе... мажлис бу одамлар билан тўпланиб маслаҳатлашамиз, топшириқлар берамиз... Хайр, ўғлим, қўйинг трубкани...

Бошлиқ трубкани жойига қўяркан:

— Ўғлимиз жуда шўх-да!— деди илжайиб.— Мани жуда яхши кўради. Ҳамма нарсага қизиқади денг... Мажлис нима, дейди. Тушунтирдик. Тушунтирмаса бўлмайди. Педагогикада ёш болаларнинг ҳамма саволларига тўлиқ жавоб бериш керак дейилган. Бу ҳақда Ушинский билан Макаренколарининг китобларида ҳам ёзилган. Боланинг бирорта саволи ҳам жавобсиз қолмаслиги керак... Хўш, сиз давом этинг, Турсунов. Қандай илтимосингиз бор?

Биринчи участка бошлиғи рўмолчаси билан манглайининг терларини сидирди.

— Илтимосимиз шуки,— деди бошлиққа маъюс тикилиб,— чўчқахонанинг устини ёпиш учун панель бор. Фақат битта кран ажратилса...

— Сизга краши қаердан олиб берса бўлади?— кесатиб сўради Мардон Тоҳирович.

— Иккинчи участкадан! Ахир иккита кран ҳам уларга бериб қўйилгани ҳолда...

Бошлиқ столга кафти билан «тап» эткизиб ураркан:

— Тўғри!— деди қатъий.— Кеча чўчқахона масаласида бюрода ҳам гап бўлди. Бир ярим йилдан бери чўзаяпсизлар, дея роса пўстагимизни қоқишди. Тўғри-да, ўр-

тоқлар, чўчқачилик ҳозир халқ хўжалигида энг қулай, сердаромад соҳа. Чўчқачилик ҳам етти хазинанинг бири. Чўчқанинг гўшти мол гўштига нисбатан тез ҳазм бўлади, бундан ташқари чўчқанинг чарвиси асал билан қўшиб истеъмол қилинса, сил касалига даво. Бизнинг қайнонамиз шундан шифо топган эдилар... Бу энди ўзаро гап, ҳамма билади. Агар биз...

Телефон жириглади.

Мардон Тоҳирович чаққон бурилиб, иккала телефон апаратига «қайси бири жириглаётган экан», дегандек бирпас қараб турди, кейин ишонч билан қизил телефон трубкасини кўтарди.

— Да! Оббо! У, бола, энди ўзингиздан кетманг-да, ўғлим. Менга халақит бераяпсиз! Қўйинг трубкани жойига! Яна ўзинг номер тердинг? Ҳа, яхши!.. Қўй энди трубкани. Султончик, қўй деяпман!

Мардон Тоҳирович қизарганича трубкани жойига қўйди, ноқулай вазиятда пичирлашиб турган одамларга қараб:

— Гап бундай!— деди.— ПМК учун «Шўробод»даги чўчқахона қурилиши номер биринчи объект бўлмоғи керак. Турсунов тўғри айтди. Қаҳҳоровнинг участкасидан битта кран шу бугуннинг ўзидаёқ «Шўробод»га юборилсин!

Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай, ёқасининг кирлиги билинмасин деган мақсадда қора кўйлак кийган Қаҳҳоров даст ўрнидан турди. Гавдаси кичик, юзи чувак кишиларга хос одатга мувофиқ баланд овозда, тезкорлик билан гапира бошлади.

— Бу қандоқ бўлди, Мардон Тоҳирович? Тўғри, бизда иккита кран бор. Лекин, биттаси уч ойдан бери ишламайди-ку? Бузуқ!

— Нега тузатмадинглар!

— Бунинг тузатиш бизнинг функциямизга кирмайди. Бошлиқнинг жаҳли чиқди.

— Сизнинг функциянгизга кирмаса, нега кран бузуқ, ишламайди, деб вақтида хабар қилмадингиз?

Қаҳҳоров ҳам бўш келмади.

— Вақтида айтдим, хабар қилдим. Бош инженерга ҳам айтдим, ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор эди...

— Тўхтаг! Активлик билан иш битмайди! Сизни илгор участка бошлиғи деб эркалатиб юбордик чоғи. Менга қолса бор-ку?— деди Мардон Тоҳирович бир оз босиқроқ, лекин шу пайт яна телефон жиринглайди. Бошлиқ жаҳл билан трубкалардан қизилини кўтариб ўшқирди: «Аҳмоқ, қўясанми ишлагани, йўқми? А! Э, сизми Ойша Зокировна, кечирасиз?.. Шу битта шумтака ўғилчамиз бор денг, қўнғироқ қилавериб безор қилди... ҳа, бир оз эркароқ... Кимдир номер теришни ўргатибди денг... ҳа, кечирасиз-да энди... Хўп, узр, узр... Яна юқорига айтиб юрманг, илтимос... хўп-хўп!

Мардон Тоҳирович уят ва хижолатдан қип-қизарганча трубкани жойига қўйди. Аввал кафтлари, кейин юз ва бўйинлариининг терини хўл бўлиб, асл рангини йўқотган рўмолчаси билан артаркан:

— Соат ўнда трестга келинг, дейди,— деди соатига қараб,— ярим соат қолибди. Хўш, давом этинг Қаҳҳоров! Мижиллаб ўтирманг, шап-шап дегунча шафтоли денг, қўйинг!

Қаҳҳоров ўрнидан «дик» этиб турди. Қандай тез турган бўлса, шундай тезлик билан гапиришга тушди.

— Агар якка-ю ягоша краини Турсуновга берсак, «Бўстон» колхозида қурилаётган сигирхона биноси яна бир ойга чўзилади. Агар Турсунов яна икки кун сабр қилсалар...

Мардон Тоҳирович столни «тап» этказиб урди-ю, бармоқлари билан чилдирма чертгандек овоз чиқарди.

— Қисқа қилинг, чўзманг!

— Чўзганим йўқ-ку!

— Чўзаясиз!— деди Мардон Тоҳирович бепарво, нималарнидир ўйлаб.— Сигирхона ҳам қурилмайди эмас,

қурилади. Лекин, биринчи планда чўчқахона биносини ту-галлашмиз керак. Агар ҳозир...

Телефон жиринглади.

Бошлиқ бир чўчиб тушди-да, ён томон бурилиб қизил телефон апаратидан трубкани кўтарди:

— Да! Ув, манга қара, Султон, қўясанми ишлагани, йўқ! Аҳмоқ, қўй трубкани жойига, эшшак!

Бошлиққа яқин ўтирган маҳаллий комитет раиси Хо-лиқ ака оғзини кафти билан бекитиб, секин кулди. Чун-ки, у трубкада Султончик томонидан айтилган «Ўзинг эшак!» деган гапни эшитган эди. Мардон Тоҳирович қуйи лабини қаттиқ тишлади, сўнг ҳеч нарса эшитмагандек трубкани тақ этказиб қўйди.

— Бола-да,— деди елкасини учириб,— бир оз кулдинг-ми, тамом. Ҳаддидан ошади. Хўш, нима ҳақда гапираёт-ган эдик... Ҳа, агар ҳозир чўчқахона қурилишини қайта қўлга олмасак, гап катта қозонда қайнайди. Шунинг учун, ўртоқ Турсунов...

— Лаббай!

— Агар кранни берсак, чўчқахона устини қанчада ёпа оласизлар?

— Панелимиз бор, Мардон Тоҳирович,— деди Турсунов ўнг қўли бармоқларини букиб,— ишчи кучи ёмон эмас... ҳавоям яхши... ҳар қалай, монтажи билан икки-уч кунда.

— Яхши!— деди Мардон Тоҳирович.— Сиз нима дей-сиз, Қаҳҳоров?

Қаҳҳоров кайфи учиб ўрnidан турди.

— Мен тушуполмаяпман... икки куплик иш деб, краң-ни бир юз ўн километрга олиб бориш, яна қайта олиб келиш шарт эканми?

— Шарт!— деди Мардон Тоҳирович.

— То кранни шунча жойга судраб юргунча, ўша ер-даги СМУ билан келишилса...

— А!— деди бошлиқ Қаҳҳоровга бақрайиб қараб.— СМУ билан нега келишар эканмиз?

Қаҳҳоров ниманидир тушуштирмоқчи бўлиб оғиз жуфт-

лаётган эди, Мардон Тоҳирович соатга қараб ўрнадан турди.

— Ун беш минут қолибди!— деди ҳовлиқиб.— Уртоқлар, Турсунов, Қаҳҳоров, ҳозирги масалани ана, бош инженеримиз ўртоқ Николай Ким билан разбор қиласизлар. Мен трестга кечикмай. Каттақоннинг ўзлари чақирибдилар. Марҳамат, мана бу ёққа ўтинг, ўртоқ Ким!

Телефон жиринглади.

Мардон Тоҳирович шақирлатиб иккала телефон трубкасини барабар кўтарди, кейин оқ трубкани жойига қўйиб, қизилини қулоғига тутди.

— Да! Кимман? Онангизни эрлариман-да, ўғлим. Яна ўжиж номей тейдийиж? Молодес! Сизга ботинка элтай! Хўп-хўп. Яна нима элтай? Хўп-хўп! Султончик, онангизга айтинг, ман мажлисга кетдим. Тушда бора олмасам керак... Ҳа, хўп, хайр!

Мардон Тоҳирович трубкани қўйиб, стол устидаги тайёр папкани қўлтиғига қисганича кабинетдан тез чиқиб кетди.

Унинг ўрнига ўртоқ Ким ўтирди.

Табрикнома

«Эҳтиёт бўл, мен келаяпман!» маъносида йўталиб, қабулхонага кирган Шоназар Қосимович бекорчиликдан кичкина эговча билан тирноқларини текислаб ўтирган секретарини чўчитиб юборди.

— Ассалом, Шоназар Қосимович!

— Ҳинг, келдингизми?— деди Шоназар Қосимович тағарман қалин ботинкасини эшик олдидаги дағал гиламчада пишиллаб тозаларкан.— С наступающим!..

Бошланқ салобат билан ўтиб кабинетига кирди, қўлидаги папкасини стол устига қўйди. Елкаси кенг, кулранг пальтосининг бир енгини ечиб, иккинчи енгини ҳам ечиш учун шахт билан бурилди-ю, «Воҳ, белим!» дея кўзларини

ни юмганича иккала қўли билан белини тутиб, кўкрагини чиқарди ва пальтонинг бир бари полда, иккинчи бари кўтарилганича тек туриб қолди. «Уф, радикулит ўлсин-а,— деди у, ниҳоят, бир минутлардан кейин кўзини очиб.— Хайрият, тез қўйиб юборди». У эҳтиётлик билан пальтосининг иккинчи сизини ҳам счиб, диванга ташлади, кейин тўғараги камбар шляпасини олмасдан креслосига яқин бориб, оҳиста ўтирди, кўрсаткич бармоғини лабида ҳўллаб, рўпарасидаги календарининг охириги варағини ағдарди: 31 декабрь!

«Ҳм... яна бир неча соатдан кейин янги йил киради,— дея ўйлади у.— Бу йил, шубҳасиз, шахсан мен учун ҳам анча қувончлар келтирди: хотин туғмай-туғмай ўғил туғди — бир; уч йилдан бери жиғимга тегиб юрган ўринбосарим Шокир ялоқдан осонгина қутулдим — икки; лотереяга 55 сўмлик гиламча чиқди — уч. Яна... яна... Нозикхон билан муҳаббат — тўрт...»

— Мана, Шоназар Қосимович!

Секретарь қиз бир даста газета билан ўндан ошиқ табрикномаларни стол устига қўйиб, полни тарсиллатиб чиқиб кетди. Шоназар Қосимович унинг изидан қараб қоларкан: «Бугун бошқачароқ-ку!»— дея ўйлади ва ҳозиргина у қолдириб кетган табрикномаларни олиб, завқ билан кўра бошлади. Ана биттаси: ўрмонзор, паст-баланд тўрт туп арча. Арча шоҳларига оппоқ қор инган...

Шоназар Қосимович табрикномадаги манзарани томоша қилгач, орқасидаги хатга кўз югуртирди-ю, ўз-ўзидан илжайди, кейин телефонда номер терди.

— Алло, Эрдон Азизович,— деди у паст, хушомад оҳангида,— келаётган янги йиллар билан чин юракдан табриклаймиз! Мана, табрикнома юборган экансиз, олдик... ўқиб жуда хурсанд бўлдим!— унинг ўнг қўли беихтиёр кўксига қўйилди.— Раҳмат, Эрдон Азизович! Бизам... бизам юборган эдик!.. А, олдик дейсизми? Ҳа, энди кечирасиз... жияиларимиз Илҳомжон билан Икромжонга

ҳам алоҳида-алоҳида юбордик-да! Ҳа-ҳа-ҳа, ахир улар ҳам катта бўлишади-да... Хайр, хайр, Эрдон Азизович!

Шоназар Қосимович бошини телефон аппаратиغا ёпишар даражагача қийшайтириб, трубкани оҳишта жойига қўйди. Мамнун жилмайиб, навбатдаги откриткани олиб, кўз югуртди. Бошига уйғурча оқ сафсар телпак, қўлига қизил қўлқоп кийган, оппоқ кийимдаги чиройли қорқиз арча шохлари орасидан мўралаб турибди... «Буниси кимдан экан?» Шоназар Қосимович табрикноманинг орқасига назар ташлади-ю, қарсак чалганича ўрнидан турди ва шу муддатнинг ўзиде «Воҳ белим!» дея икки қўллаб белини тутиб, кўзларини юмди. Шу алпозда бир оз тургач, яна оҳишта ўтирди, телефонда номер теришга тутинди.

— Алло,— деди у сохта лирик овозда,— алло, ким бу? Нозикхон? Худди ўзингиз керак. Менми? Наҳотки танимаган бўлсангиз?! Шоназарингизман? Келаётган янги йилингиз муборак бўлсин... Мана, юборган табрик қозингизни олиб, завқланиб ўтирибмиз.

Лекин, биласизми, ўзиям откриткани жуда ғаройибдан топибсиз-да. Қарасам, откриткада ўзларини суратлари... ҳа-ҳа-ҳа... Нозикхон, бу биз юборган откриткани ҳам олгандирлар! Ҳа, энди аввало сизга раҳмат! Нима?! Откриткада ўзингиздай бир бобойкани сурати бор дейсизми? Ахир, у Қорбобо-ку! Нега куласиз? Энди биз сизга бобойка бўлдикми?.. Раҳмат, раҳмат... Нима, киши келиб қолди?.. Ана холос...

Шоназар Қосимовичнинг юзлари тиришиб, трубкани мажолсиз жойига қўйди... «Тавба!— дея ўйлади у қўлларини дўмпайган қорни устига қовуштириб.— Юборган откритканигда ўзингизга ўхшаган бир бобойкани сурати бор экан, дейди-я! Бобойка эмишман! Бобойка бўлсам...»

— Шоназар Қосимович!

Бошлиқ ялт этиб эшикка кўз ташлади, у ерда секретарь қиз чўчиброқ қараб турарди.

— Ҳнг... нима дейсиз?— сўради бошлиқ дағдағали овозда.

— Комсомол ташкилоти секретари Акромжон...

— Бандман!

Секретарь секин изига қайтди. Шоназар Қосимович чуқур бир уф тортиб, навбатдаги табрикноманинг сура-тини томоша қиларкан, қўллари негадир ўз-ўзидан титраб кетди. Унда қўлида узун асо, соқоли белига тушган поча пўстинли қорбобонинг чанғида учиб келаётгани, олдинда қуёнчаларнинг арча шохини кўтариб тургани, орқа план-да эса серюлдуз осмон манзараси тасвирланган эди. Шо-назар Қосимович «Қорбобо», дея ғудранаркан, юраги ғаш-ланиб, кўз олди тингандек бўлди. «Наҳотки қариган бўл-сам... яна ҳазил қилдим, дейди, ҳе, ҳазилинг қурсин!..»

Шоназар Қосимович табрикноманинг орқасидаги ёзув-ни ўқиркан, яна юзи ёришди, шу ёруғ юз билан телефон-да номер терди.

— Салом дўстим,— деди у баланд, қувноқ овозда,— аҳвол қалай? Ҳа-ҳа, ў, манга қаранг... манга қаранг!— эшикда секретарь қиз ҳозир бўлди, бошлиқ унга «сени чақирганим йўқ, бор чиқ!» дегандек ишора қилгач, сек-ретарь чиқиб кетди,— мана шеърый табригингизни олдик. Раҳмат! Энди! Энди ўзлариям шоира забардастсиз-да... ҳа бу... биз юборган табрикномани ҳам олгандирлар!.. Ал-батта, бир-биримизни шундай пайтларда йўқлаб турма-сак... Хўп... хўп... хайр, уйдагиларгаям салом деб, табрик-лаб қўйинг...

Шоназар Қосимович мамнуи бир кайфиятда трубкаши жойига қўйди, қизиб кетди шекилли, бошидан шляпаси-ни олиб, яқинидаги креслога иргитди, қуюқ сочлари оп-поқ оқарган бошини қашлаб туриб:

— Назира!— дея қичқирди.

Эшикда секретарь қиз ҳозир бўлди.

— Толмас Турдиевичга откритка юбордикми?

Қиз елка қисди:

— Билмасам.

— Нега билмайсиз?

— Рўйхатда йўқ эди, шекилли.

Шоназар Қосимович тортмани очиб, битта табрик қозғоли олиб узатди.

— Манг... э, тўхтанг,— деди у узатган откриткани қайтиб оларкан,— бу қорбоболикни қўя туринг, яхши эмас, мана бу курантлигини ёзиб юборинг.

Назира откриткани олиб, бир оз ҳайрон бўлиб тургач:

— Қаерга юборай?— деб сўради.

— Толмас Турдиевичга дедим-ку!— деди Шоназар Қосимович.

— Ахир у киши Москвага уч ойлик ўқишга кетганлар-ку?

— Зарари йўқ,— деди Шоназар Қосимович ўзиникини ўтказишга ҳаракат қилиб,— Москвага кетган бўлса, уч ойдан кейин қайтиб келиб ўқиса ҳам ҳисоб. Манг, мана бу шоир Зокир Бекли юборган откриткадаги шеърни кўчириб ёзинг... Ўзи ўқимаса, бола-чақаси ўқиб, бир маза қилишсин...

Секретарь қиз чиқиб кетди. Шоназар Қосимович яна олдида уюлиб ётган табрикномаларни кўздан кечири бошлади. Учта гижинглаган оқ от қўшилган чана қорли ўрмон йўлидан учиб келмоқда, ён тарафда шохлари қип-яланғоч узун-узун дарахтлар... «Отлари зўр экан!»— хаёлидан кечирди Шоназар Қосимович.— Ўзи асли ана шунақа от-аравали откритка олиш керак эди. Ҳаммасига кассир айбдор. Чақириб уришсаммикан? Яхши бўлмас, янги йил арафаси...» У табрикноманинг орқасидаги ёзувни пичирлаб ўқигач, «тузук», деди ва эринибгина номер терди.

— Ҳинг!— деди у босиқ овозда.— Исмат! Ўзингми? Раҳмат, ука, откритканинг олдик! Энди, ука, биз откриткаям юборолмадик, шунинг учун телефон орқали... Ҳа... ҳинг... хўп, хайр!

Шундан кейин Шоназар Қосимович кеча ва бугун олган табрикномаларни санай бошлади. «Да!— деди у санаб бўлгач.— Мана бу билан йигирма учта... Ўтган йил ҳаммаси бўлиб ўн бешта откритка олган эдим... бу йил

ҳозирнинг ўзидаёқ саккизта ортиқ... Ҳали эртагача яна келади... Буям обрўй — авторитет...»

— Шоназар Қосимович!— эшикда пайдо бўлган Назира бошлиқнинг ишорасидан кейин журъатсизгина сўзлай бошлади.— Онангиз райондан қўнғироқ қилдилар... Янги йилда келадими, деб...

Шоназар Қосимович «Да!» деди столга енгил чертиб, кейин муҳим бир нарсани эслагандек:

— Э, дарвоқе, она,— деди шифтга тикилиб,— онамиз... Назирахон, мана бу отриткани олиб, она ҳақида битта яхши шеър топиб ёзинг! Менга қаранг, шеър она ҳақида бўлсин.

— Ахир бу отритка қорбоболик-ку?— деди Назира қўлидаги табрикномани кўрсатиб.

— А!— деди Шоназар Қосимович кайфи учиб.— Қорбоболик бўлса нима қилибди?.. Кампир кишига қорбоболиги нима-ю, курантлиги нима, энди бир кўнгил-да...

Назира чиқди. Шоназар Қосимович яна телефонда номер терди.

— Алло, Нозикхон! Ман... ман... Шоназар акангиз! Айтмангда энди шу гапни... янги йил арафасида одамни кўнглини чўктириб... Лаббай?.. Бўлди, қуллуқ-қуллуқ... хўп... бир оздан кейин ўзим...

Полни тарсиллатиб Назира кириб келди. Бошлиқ трубкани жойига қўйиб, унга қаради.

— Мана, ўқинг-чи!— Назира қизил рангда чиройли қилиб ёзилган табрикномани столга қўйди. Шоназар Қосимович кўзойнагини тақиб, онасига юбормоқчи бўлган отриткадан қуйидаги сатрларни ўқиди:

«Бу оламда улуғ зот ким десанг, доним онам, дерман!...»

— Офарин, Назирахон, офарин!— деди у секретарига олқиш ёғдириб.— Офарин! Жуда мос шеър топибсиз... Ҳозир... ҳозир... битта имзо чекамиз, вассалом... Энди тезда почтага ташлаб келинг... чопинг!..

— Қомсомол ташкилотининг секретарига нима дей?

Шоназар Қосимович телефон трубкаси томон чўзилган қўлини қайтиб оларкан:

— Нима иши бор экан?— деб сўради.

— Янги йил балида қорбобо...

— Қорбобо?!— деди Шоназар Қосимович нохуш бир хабар эшитгандек.

— Ҳа, қорбобо ким бўлади, қорқиз ким бўлади, шунга маслаҳатга келибди...

Шоназар Қосимовичнинг кўзига аввал эрталаб ойнада соқол олаётгандаги ўз башараси кўриниб кетди, кейин шу афт-ангори аста-секин қорбобога айлангандек бўлди. У чаққон ўрнида қўзғоларкан, яна «Вой белим!» дея икки қўллаб белини ушлади, кўзларини юмиб, кўкрагини чиқарди. Назира «Шундай йўғон бел ҳам оғрир экан-да», дея ҳайрон қараб турарди. Сал фурсатдан кейин бошлиқ кўзини очди-ю:

— Айтинг, қорбобони кераги йўқ!— деди хаста овозда минғирлаб.— Битта чиройли қорқиз бўлса, кифоя... Ҳа, боринг энди, нега қараб турибсиз?

Секретарь қиз чиқиб кетгач, Шоназар Қосимович юзларини тириштириб, қизарганча креслосига ўтирди, бир оздан кейин янги номер терди.

— Алло, Халлоқов,— деди у паст, палағда овозда,— табриклаймиз, ака... табрикнома юборган экансиз, олдик... Ўзлари-чи, биз юборган табрикномани олдиларми? Йўқ, дейсизми? Бўлмаса, ҳозир йўлда... эртага албатта оласиз...

Шу кунги то кечга қадар Шоназар Қосимович кимдан табрикнома олган бўлса, ўшанга қўнғироқ қилиб, ундан табрикнома олганлигини билдирар ва ўзининг ҳам ўша кишига табрикнома юборганлигини камтарлик билан пинсаанда қилиб қўярди...

Асабий кишилар

Эски, кулранг пальтосининг ёқасини кўтариб, энгаги-га яқин ердан ушлаб олган Исмат қори поликлиника эшигини оёғи билан очиб, ичкари кирди. Зинапоядан тез кўтарилгани учун бўлса керак, у ҳансирар, пальто ёқаси орасидан кўриниб турган тўмтоқ бурнининг учида тер йилтирарди. Исмат қори ўнгга бурилаётганда уни қаттиқ йўтал тутиб, томоғида бир нарса ғилқиллаб қолди. У атрофга аланглади ва шошилиб ён томондаги чайинди идиш томон энгашди: «Ах... Туф!» Тупурди. Қандай яхши! Кўкси ва томоғида ажиб бир енгиллик ҳис этиб, яна бир марта «Ах!» деди. Афсус, бу гал тупуги чайинди идиш қирғоғига тушиб, ундан полга томчилай бошлади. Худди шу аснода «Ҳе, қирилиб кет!» деган пўнғиллаган қарғиш-ни эшитиб, қайта тикланди ва чап қўлда — ўзидан икки қадамча нарида оппоқ халатли, тўладан келган аёлни кўрди. Аёлнинг қўлида хлорли челақ ва латта бўлиб, унга ижирғаниб қараб турарди.

— Ҳой кампир, нега қарғайсан мени!

— Хотинингиз кампир!— деди аёл қўлидаги латтани силкитиб.— Нега мени кампир дейсиз! Ташқаридан келиб ичкарида тупуришга уялишмайди ҳам. Тупурсангиз, тўғри тупуриш-да!

Исмат қори чайинди идиш томон бир қараб олиб, секин дўнғиллади:

— Тўғри тупурмай, сени бетингга тупурдимми? Ойлигини олгач, ювасан-да, хонимча!

— Вой, пирсаги беимон-эй, нима деб алжираянсан?— хизматчи аёл ҳам сенспранга ўтди.— Оғзингга қараб гапир!

Санитар аёлнинг «пирсаги беимон» дейиши Исмат қорининг жон-жонидан ўтиб кетди. Ўз бисотидан аччиқ,

ҳақоратли бир сўз излаб, серрайиб қолди. Кейин жаҳл билан унга томон йўрғалаб бораркан:

— Нега мени «пирсаги беимон» дейсан?— деди хирллаб.— Беморларни ҳақорат қилишга нима ҳаққинг бор?

— Нима деб ҳақорат қилибман!

Уша ачкиқ ҳақоратли сўз Исмат қорнининг тилига энди келди:

— Семириб кетганини қаранг... инсекторга топширилса, бир кўлхознинг икки йиллик гўштини узади-ю...

Санитар аёлнинг ҳам жини қўзиди. Қўлидаги латтани челақдаги хлорли сувга урди.

— Семирса сенинг нонингни еб семирибманми, зикна? Ҳозир шу латта билан ифлос башарангни ювиб ташламасам...

Аёлнинг важоҳати ёмон эди. Исмат қори орқага чекинди. Оғзи ва бетларини пальтоси ёқаси билан бекитиб, дўнғиллаганича йўлида давом этди. Юриб бораркан, унга алам қилиб кетди. Келиб-келиб, оддий бир хизматчи аёлдан сўкиш эшитиб кетаверадими? Агар бу мегажин ўз хотинидек ингичка ва нимжон бўлганидами, кўксидан бир итарган бўларди. Афсуски санитар хотин «деви ҳафсар»дек жуда гавдали эди. Тавба! Шуям гап бўлди-ю. Йўқ, беморни ноҳақ ҳақорат қилгани учун у жавоб бериши керак. Исмат қори рўпарадаги эшикни жаҳл билан тортди. Кўзойнакли врач жувон ориқ бир беморнинг орқа этагини кўтарганича, курагидан пастроққа ичак қўйиб, қулоқ соларди.

— Мумкинми, дўхтир!

— Бирпас кутиб туринг.

Исмат қори коридорда ўн минутча кутди. Бу орада йўталгиси келса ҳам ўзини тийди. Нафаси ичга ўралиб, баданидан тер чиқди. Узича «ишдан ҳайдатаман», дея гудраниб қўйди. Врач ҳузуридан чиқиб келаётган бемор «киринг», деб ўтиб кетди. Исмат қори инқиллаб ўрнидан

турди. Дастрўмоли билан оғиз-бурнини бекитганича ич-кари кирди.

— Келинг, амаки.

— Келдим, қизим,— деди у врач рўнарасида тик туриб, кўзларини пирпиратаркан,— мен бир пенсионерман. Шамоллаб қолдим, зорманда йўтал тинка-мадоримни қуритди... шолғом хўрда қилиб ичдим, фойда қилмади, исриқ тутатдим, арпа бодён ичдим ҳам, бу сабил йўталиш қолмайди, денг. Бунинг устига...

— Қани, ечининг-чи, ҳозир текшириб кўрамиз.

Исмат қори иккала кафтини юқори кўтариб:

— Йўқ, йўқ!— деди қатъий.— Менинг бошқа шикоятим бор. Аввал шуни ҳал қилиб берасиз! Ҳозирча соғлиғимни текширмай қўя қолинг! Тузалмасдан ўлиб кетсам ҳам майли,— врач аёл ҳеч нарсага тушуна олмасдан ҳайрон эди.— Сиз менга айтинг-чи, бу анови санитар хотин бор-ку, се...миз...

— Ойчучук опами!

— Ҳе, чучук бўлмай, охир бўлсин,— деди Исмат қори,— ўшанинг бошлиғи сизми, қизим?

Врач аёл босиқлик билан:

— Нима эди?— деб сўради.

Исмат қори хаста, полинқираган овозда шикоятга ўтди.

— Ҳа, мени, меҳнат ветеранини, обрўли бир пенсионерни «пирсаги беимон», деди.

Врач бош тебратди. Кейин Исмат қоридан бўлган воқеани бир бошдан айтиб беришни илтимос қилди. Исмат қори ҳансираганича яқиндаги стулга чўкди. Яна нафаси қисиб йўталди ва ютишиб олиб, ҳамма гапни айтиб берди.

— Яхши бўлмабди, амаки.

— Албатта яхши бўлмади,— деди Исмат қори йўтал туфайли чиққан кўз ёшларини артиб,— агар ўша аёлнинг бошлиғи сиз бўлсангиз, ишдан ҳайдайсиз уни!

Врач аёл Ойчучук опага ҳам қийин эканлиги, бунинг

устига «унга худо бас келмаса, бандаси бас кела олмас-лигини» босиқлик билан тушунтириб, Исмат қоридан бир гал кечиришини илтимос қилди. Лекин Исмат қори ҳадеганда юшамас, андишанинг отини қўрқоқ қўйиб ўтирарди.

— Э, ўв!— деди у.— Сиз мени нима деб ўйлаяпсиз?

— Амакижон, келинг, яхшиси касалингизни текшириб кўриб, даволайлик.

— Гапни кўпайтирмасдан айтинг-чи, сиз галавний варачми ўзи?

Врач аёл «йўқ», дея бош силкиди. Исмат қори ўрнидан сапчиб турди:

— Оббо, галавний варач бўлмасангиз, нега мени бу ерда ушлаб турибсиз! Бўлак-сўлак авлиёлар сатқайи Баҳоватдин кетсин! Менга ўша галавний варачингиз керак!

Исмат қори шундай деганича пилдираб ташқари чиқди. Врач аёл елка учуриб қолди.

Тўладан келган, жингалак сочли бош врач Исмат қорини жуда хушчақчақ қарши олди. Унинг арзини диққат билан эшитди ва энг охирида: «Оббо отахон-эй,— деди жилмайиб,— хафа бўлманг, асабингизни асранг. Асаб бу ноёб нарса. Аввало у сизга «қирилиб кет» деган бўлса, сиз қирилиб кетмайсиз. Иккинчидан, сизни «пирсаги беимон» деган бўлса, сиз имонсиз бўлиб қолмайсиз! Учунчидан, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Айтаман, сизни яхшилаб даволашади...»

Исмат қори бош врач ҳузуридан дастлаб миннатдор бўлиб чиқди. Бир оз кутди, лекин негадир бош врач ўз кабинетидан чиқавермади. Жаҳл билан қўл силкиди-ю, ҳовлиси томон йўл олди. «Тавба! Бу галавний варачи ҳам қизиқ экан-ку,— деб ўйлади у алам билан,— ақалли кўнглим учун, ҳа майли, у санитаркани ишдан ҳайдайман, демадн-я! Шуям гап бўлди-ю...»

Исмат қори уйига етиб келганда феъли баттар айниган эди. Унга докторга бориб, шунча овора-ю сарсон

бўлиб, ўзини қаратмасдан келгани алам қиларди. Мактабдан қайтган неварасидан қоғоз-қалам сўраб олди. Ўз ҳужрасига кирди. «Уқувчилар дафтари»нинг ичидан икки варақ кўчириб олиб, русча-лотинча ҳарфларни аралаштириб, қуйидагиларни ёзди:

«...газета редакциясига, олтмин етти ёшли пенсионер Исма**т** бобо тарафидан а р и з а. Мен узоқ йиллар раҳбарий органларда, яъни район комхоз бошлиғи, молияда агит, солиқчи, «Қолхоз бозори»—«Қолхозний рынок»да паттачи лавозимларида ҳалол ва фидокорона ишлаганман. Ҳозир 58 сўму 20 тийин пенсия оламан. Иссиқ жон бедард бўлмас экан. Бир томони қарилик. Қаттиқ шамоллаб, шу йил 24 ноябрь, чоршанба куни эрталаб соат 9 дан 15 минут ўтганда Қўктош полекленкасига бордим. Ҳаво аёз эди. Эшикдан кирдим. Йўталиб тутиб, тупургим келди. Томоқда бир нарса гилқиллаб турса, нима қилиш керак? Ёки тупурмасдан... бу энди яхши эмас! Бошқаларнику билмадим, менинг табиатим кўтармайди. Тупуришга мажбур бўлдим. Бурчакдаги дастўга тупуриб турсам, шу ерда Ойчучук отли санитарка хотин мени «қирилиб кет», деб қарғади, яна «пирсаги бенмон», деб ҳақорат қилди... полекленканинг ҳаммаёғи ифлос. Бир пенсионер сифатида санитарка Ойчучукни танқид қилиб, тегишли чора кўришларингизни сўрайман, деб:

Исма**т** бобо Тожиев».

Мазкур шикоят хат область газетасининг «Нордон сатрлар» рубрикаси остида қисқагина босилиб чиқди. Унда асосан Қўктош поликлиникасининг ифлослиги, медицина ходимларининг ишга ўз вақтида келмасликлари танқид қилинган эди. Орадан икки ойча ўтгач Исма**т** қорининг тиши оғриб, яна поликлиникага боришга мажбур бўлди. Эшикдан кираверишда ўша кўзойнакли врач жувонга рўпара келди. Салом-аликдан кейин Исма**т** қори:

— Ҳалиям ўша галавний варачми!— деб сўради лунжидан кафт узмай.

— Э, йўқ, амакижон, — деди врач жувон афсус билан бош чайқаб, — врачимизни ишдан олишди.

Исмат қорининг тиши сим-сим оғриб турган бўлса-да, ичдан мамнун жилмайиб қўйди. Лекин унинг бу кайфияти узоққа чўзилмади. Бир парсаининг қаттиқ жараиғлагани ва «вой, падарингга...» деган ҳақоратли сўзни эшитиб, дарҳол орқага ўгирилди. Қараса, ўша эски рақиб, санитарка — Ойчучук! У терс ўгирилиб, полда ағдарилиб ётган челақни кўтарарди. Исмат қорига алам қилиб кетди: «Бу аттайи қилаяпти. Яна юзини тарвайтириб жилмайишини қаранг, уни!..»

— Ўв, жаложин, нега падарингга лаънат, дейсан? Падарим сенга нима қилди?

Ойчучук врач жувон ҳўзурида анча ноқулай аҳволда қолиб, ўзини оқлай бошлади:

— Оббо, мунча намкаш девор бўлмасангиз. Падарингга лаънат деганим йўқ, кўлимдан челақ ўлгур тушиб кетувди, шунга «вой, падарингга пўстак», дедим.

Ойчучук челагу супургисини кўтарганича лапанглаб нари кетди. Исмат қори унга эшиттириб шанғиллай бошладди:

— Биладан сени! Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилида падарингга пўстак деб мени сўқдинг. Челақда падар нима қилади?! Ҳа-ҳа, мен сени газетага, республика матбуотига ёзиб, ишдан ҳайдатмасам, Исмат қори отини бошқа қўяман.

Врач жувон ялт этиб унга қаради, кейин илтимосга тушди:

— Амакижон, жон амакижон, ёзмай қўя қолинг! Бу гал ёзсангиз, бир санитарка деб район соғлиқни сақлаш бўлими мудирини ишдан олишадди.

— Нега райиздрав бўлимини ишдан олишаркан! Мен анави жаложинни ишдан ҳайдатаман.

Врач жувон унга яқин келиб, мулойим овозда тушунтирди:

— Оббо амакижоп-ей, врачлар, ҳамширалар тўлиб ётибди. Лекин санитаркалар жуда камёб. Узимиз ҳам куйиб кетганмиз шу аёлдан. Бир шу санитаркаи деб икки йил ичида поликлиникамизда бешта кабинет врач, етти та ҳамшира, учта бош врач алмашди...

Исмат қори «Ҳимм!» дея чимирилди. Унинг оғриган тиши яна лўқиллай бошлаган эди.

Тарбиявий соат

Ҳунар-техника билим юрти директорининг кабинети. Узунчоқ столнинг икки тарафидаги эскирган стулларда, деворга тираб қўйилган, орқа суюнчигига кафтдек ойна ўрнатилган эски диванда ўқитувчи ва тарбиячилар зич ўтиришибди. Музокара қизгин. Педагогика кенгашида «Тарбиявий соатларда ўқувчиларни психологик кузатиш» деган масала муҳокама қилинмоқда. Тўрдаги креслода пешанаси тиришган, лунжларни осилган директор ўтирар, унинг диққати потиқларнинг сўзидан ҳам кўра, ён томондаги деразага чирс-чирс урилаётган чумакарининг ҳаракати билан банд эди. У нимадандир асабийлашиб, тез-тез қошини чимираб, йиғинга тезроқ якун ясашга ошиқар эди. Иккинчи группа раҳбари сўзлаб бўлгач, директор хўрсинганча ўрнидан турди.

— Хўш-ш, бошқа сўзловчилар бўлмаса...— дея оғиз жуфтлаган эди, диванда ўтирганлардан бири сўз сўраб қолди. Директорнинг пешанаси баттар тиришди.— Ҳа, Ма-шариф Шокирович,— деди у кайфиятсиз анграйиб,— гапирмоқчимисиз?

— Гапирсам деган эдим,— деди сийрак сочларини олдинга қараб тараган, пастки жағи япасқин, эллик беш ёшлардаги киши.— Майлими, ўз тажрибаларим билан ўртоқлашсам?

Директор истар-истамас бош силкиб, жойига ўтирди. Ҳуқитувчилардан кимдир «қисқароқ бўлсин», деб қўйди. Машариф Шокирович чап қўлини кенг, шалвираган пиджаги чўнтагига тиқиб, ўнг қўлини олифталарча силкиб, елка қоқиб юрганича минбарга яқинлашди.

— Ҳурматли касбдошлар,— деди у минғирлаган оҳангда,— бугун педагогика кенгашимизда кўрилаётган масала жуда муҳим ва актуал деб биламан. Бу ҳақда директоримиз ва мендан олдин сўзга чиққан ўртоқларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, сизларнинг диққатингизни бир масалага қаратишни истардим. Каминангиз маданий, ўқимишли оилада туғилганим учун ҳам табиатни, уй ҳайвонларини, қушларни жон-дилимдан яхши кўраман. Масалан, уй ҳайвонларидан мушук ёки итни олайлик. Шахсан мен итни яхши кўраман.

Директор «арига ўхшаб ёниғилламай ўл», деб қўйди ичиди. Машариф Шокирович чайналиб сўзида давом этди.

— Ҳўш, нега? Бу бежиз эмас, албатта. Ҳамма маданий кишилар ҳам итни яхши кўрадилар. Ҳатто улуғ рус ёзувчилари Лев Толстой, Михаил Пришвинлар ҳам ит сақлаганлар. Антон Павлович Чеховнинг мушук кўтариб тушган расмини кутубхонада ҳаммаларингиз кўрган бўлсаларингиз керак. Ёки яна бир мисол, ёзувчи Илья Эренбург ит ҳақида икки босма табоқдан иборат китоб ёзган...

Кабинетда босинқи кулги, безовталиқ бошланди. Директор қўлидаги йўғон, қизил қалами билан столга тиқтиқ уриб, огоҳлантирди:

— Машариф Шокирович, масаладан четга чиқилмасин.

— Ҳўп, хўп,— деди нотиқ иккала қўлини баравар силкиб.— Хуллас, ҳамма маданий, тарбия кўрган кишилар ит сақлаганлар. Итлар ҳам ҳар хил бўлади: бульдог, кўппак, овчарка, този, тевак, лайча, бўрибосар... хуллас, санайверсам жуда кўп. Сизларнинг қимматли вақтларингизни олиб ўтирмайман. Ҳа, яна халқимизда «ит вафо...»

деган матал ҳам бор. Буни мен ҳаётини тажрибамда си-
наб кўрганман. Тўғри, маталнинг иккинчи қисми, эҳти-
мол, бизнинг замонамизга тўғри келмас. Лекин шахсан
мен бу маталга ишонаман ва «ит — вафо», деган фикрга
якдиллик билан қўшиламан. Илтимос қиламан, баъзилар
кулишмасин. Ҳа, менинг ҳам Тобик деган лайчам бор.
Темир йўлчи Семён амакидан сотиб олганман. Узи оп-
поқ, бароқ, тумшуғи, боши, ҳатто кўзларининг атрофини
ҳам жуи босган. Ҳозир бешга тўлди. Жуда зийрак, ақл-
ли. Ҳамма нарсага фаҳми етади. Ҳозир ўн бешта сўзга
тушунади. Агар ишдан иккита сумка билан қайтсам, То-
бик рўзғор сумкасини тишлаб ошхонага, конспектларим
солинган портфелни кабинетимга олиб бориб қўяди. Ил-
тимос, кулмай ўтирсинлар. Мен бўш вақтларимда То-
бикни сайр қилдираман, у билан психологик кузатишлар
олиб бораман. Тўғрисиини айтсам, азиз ҳамкасблар, ит
ҳам бамисоли боладай гап. У яхши сўзнинг, яхши тарбия-
нинг гадоси...

— Машариф Шокирович!— деди директор энсаси қо-
тиб.— Илтимос, сиз тарбиявий соатларда ўқувчилар би-
лан қандай кузатувлар олиб боряпсиз, шулар ҳақида
гапиринг, ит ҳақида бошқа пайт...

— Хўп, хўп, ҳозир,— деди нотик иккала қўлини кўк-
сига қўйиб,— ҳаммасини гапираман. Демак, тарбиявий
соатларда талабаларни психологик кузатиш.... ҳимм...—
Машариф Шокирович бир муддат сўздан тўхтаб, шифтга
тикилди, кейин томоқ қириб давом этди.— Ҳа, мен ҳар
кунни Тобикка яқинимиздаги жўжа қовуриладиган ошхо-
надан суяк-саёқ олиб келаман. Ия, буниги нимасига ку-
ласизлар?!— нотикнинг жаҳли чиқиб, қулоқларигача қи-
зариб кетди.— Илтимос қиламан, тартиб сақлансин. Ахир
сизларнинг тарбиячи деган улуғ номингиз бор, азиз
ҳамкасблар. Нима дётган эдим? Ҳа, ўша табақхонадан
Тобик учун суяк-саёқ олиб келаман. Ўзингизга маълум,
жўжанинг суяги жуда майда, эластик, итининг ошқозони-
да тез ҳазм бўлади. Бундан ташқари Тобик жайдари ит

эмас, япон зотидан, унинг тишлариям, ошқозониям жуда нозик. Ҳар куни хўрандалар ғажиб ташлаган суякларни йиғиштириб келаман, целлофан пакетга солиб. Хўрандалар ҳам ҳар хил бўлади. Бировлар жўжани шампань билан, бировлар арақ, яна бировлар «Чашма» виноси билан таповул қиладилар: Бунини қарангки, арақ ҳиди анқиган суякни Тобик ҳам емайди. Жуда таъби нозик. Шунинг учун мен арақ ичилмаган столлардан суякларни йиғиштириб — нима қиламан — оламан! Яна шуниси ғалатики, баъзи хўрандалар жўжа суякларини жуда тоза кемирадилар, айримлар, кексароқ, тиши протез қариялар чала-ярим мужийдилар. Мен ана шуларга ҳам — нима қиламан — алоҳида эътибор қиламан, ахир...

— Машариф Шокирович! — деди директорнинг тоқати тоқ бўлиб, столга кафти билан шапиллатиб ураркан. — Бўлди-да энди майнавозчилик! Тобакихонадан суяк йиғиштиришдан бошқа ишингиз ҳам борми ўзи?

— Бор, бор, — деди Машариф Шокирович ранги қув ўчиб. — Кеча ўша табақхонадан Тобик учун...

— Яна Тобик, яна Тобик! — дея директор ўрнидан туриб кетди, жаҳл билан деразани очиб, ғўнғиллаб турган чумакарини чиқариб юборди-да, шарт ўгирилиб ўшқирди: — Тобикдан бошқа гапингиз ҳам борми ўзи?

Машариф Шокирович ҳам бўзариб кетди, икки марта энгак қоқиб олиб:

— Гапиргани қўясизми, йўқми? — дея чинқирди. — Ахир... ахир, бир марта сўзимни бўлдингиз, индамадим, икки марта бўлдингиз, индамадим. Яхши эмас-да!

Директор бир оз наст тушди:

— Хўп, гапиринг, фақат...

— Гапирсам, кеча ўша ерга Тобик учун суяк йиғиштиришга кирган эдим. Илтимос қиламан, кулмашлар. Қарасам, билгим юртимизнинг иккинчи группасида ўқийдиган повча йиғит бор-ку, рансининг ўғли, оти нима эди-я? Тоб... Тоб... ҳа, Толиб! Уша олдига бир шиша арақни қўйиб, овқатланиб ўтирибди. Узоқдан кузатиб турдим. Бу-

фетнинг пардаси орқасидан. Ярим соатча кузатдим. Яна, талабаларни кузатмайсан, дейсиз-а, ўртоқ директор?

— Шуми кузатганингиз?— деб сўради директор кўксини столдан оғир кўтариб.

Машариф Шокирович минғирлаган овозга мағрур, таитанали оҳанг берди.

— Ҳа, ҳа, кузатдим,— деди у бошини ғалати қийшайтириб,— то овқатини еб, арағини ичиб бўлгунча ўша Толиб деган талабани буфетнинг пардаси орқасидан кузатиб турдим. Тўғриси, иштаҳасини бўғгим келмади.

— Кейин-чи?

— Кейин ўша талабани бир чеккага чақириб насиҳат қилдим. Тарбиявий соат ўтказдим. Арақ ичишнинг зарари, битта арақнинг пулига иккита жўжа қовурдоқ беришини тушунтирдим. У бўлса «бу иш бошқа такрорланмайди, домлажон», деб сўз берди. Қисқаси, ўн беш минутча унга насиҳат қилдим. Ҳаммаси бўлиб шу талабани кузатиб, насиҳат қилишга салкам бир соат, яъни қирқ беш минут вақтим кетди. Қизариб, кечирим сўраб, тезда кўздан ғойиб бўлди. Мен арақ шиша кўринмаган столлардан суякларни йиғиштириб ола бошладим. Демак, азиз ҳамкасблар, бу билан мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, талабаларни нафақат билим юртининг ўзиде, балки бошқа, жамоат жойларида ҳам кузатиб, уларни — нима қилишимиз керак — тартибга чақириб туришимиз керак. Эътиборингиз учун ташаккур!

Директор шошилиб ўрнидан турди. Машариф Шокирович чап қўлини шалвираган пиджаги чўнтагига тиқиб, ўнг қўлини силкиб, елка қоқа-қоқа, жойига бориб ўтирди. Ўтира солиб, «қалай, қойил қилдимми», дегандек ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

У сўзга чиққанидан хурсанд эди.

Васият

Эрта тошда Сано бобо уйқудан оғир уйғонди-ю, тўшаги устида узоқ ўтириб қолди. Кўксига тушган узун, тўрва соқолини бармоқлари билан тараб туриб, деразадан ташқарига қаради: осмонда яккаланиб қолган тонг юлдузи хираланиб борар, рўпарадаги шу йил гулга кирган жазпазак олма шамол беланчагида оҳиста тебраниб турарди. Ҳовли саҳнида — айвон билан уй харисига тортилган симда кеча ёйилган кирлар қорайиб кўринади. Сано бобо биқинини пайпаслаб, ичи жунли духоба кулоҳини олиб кийди, ориқ қўлларига таяниб ўрнидан турмоқчи бўлди, яна ҳафсаласи бўлмай, бошини қайта ёстиққа қўйди. Шу ётганича кўзларини ярим соатча юмиб ётди. Ҳовлида ит гингшиди, хўроз-товуқлар қақоғлашди. Сано бобо кўзини бир очди-ю, қайта юмди.

— Бобомулложон!— деган овозни эшитди у ва деразадан тушиб турган ёруғликнинг бир муддатга тўсилганини туйди.— Бобомулложон! Турмайсизми, таҳорат вақти бўлди.

Сано бобо кўзини очиб, шифтга қаради. Шифт анча ойдинлашган эди. У ўрнидан мажолсиз кўзгаларкан: «Э, ғафлат қурсин, келин, ғафлат!»— деди. Келин нари кетди шекилли, деразадан ёруғлик ёпирилиб кяргандек бўлди. Сано бобо тиззалари қалтираб ўрнидан турди. Чопонини елкасига омонат ташлаб, эшик орқасидаги ҳассасини олиб, ташқари чиқди. Қиблага қараган пастак айвон ортидан суюқ, оқиш булутларнинг четларига олтин тус бериб қуёш чиқарди. Сано бобо келини тутган офтобадаги илиқ сувда таҳорат олиб, уйга кирди. Ҳассасини эшик орқасига — одатдаги жойинга қўйиб, ҳалли йиғиштирилмаган тўшаги томон икки қадам босувдиямки, ҳасса «тақ» этиб қулаб тушди. Ногаҳоний бу товуш Сано бобонинг кўзларини бир юмиб-очишга мажбур қилди. У икки чак-

касини кулоҳи устидан тутиб, бир оз эгилиб, букчайиб турди, оҳиста бориб жойига чўкди.

— Келин, ҳо, келин!

Қизил товар кўйлакли, шу хил рангда дуррача тағиб олган ёшгина жувоп ҳўл қўлларини сочиққа артиб ичкари кирди-да, калишини пойгакда қолдириб, югуриб келди.

— Лаббай, бобомулложон, чойингизни шу ерга келтирайми?

Сано бобо бош чайқади.

— Йўқ, келинжон, ҳозир чойни қўйинг, кейинроқ ичармиз!— деди у овозига сохта дадиллик бериб.— Дарров бориб Ашур амакийзни айтиб келинг!

Келин ташқари чиқди. Сано бобо ёстигини тузатган бўлди. Яна бир оз шифтга қараб ётди. Ҳовлидан эркак кишининг йўтали ва «шу уйдаларми», деган овози эшитилди. «Келди,— дея ўйлади Сано бобо,— шундан бошқа кимим бор? Бир томони салкам тенгдош, бир томони амакивачча!»

— Қани, Сано ака, тинчликми?— сариқ вельветдан галифе шим ва китель кийган, узун бўйли, ориқ, салқи юзли киши тиз чўкиб унга яқинлашди.— Қимирламанг, қимирламанг! Ассалому алайкум!

Сано бобо ўтирган жойида у билан қўл олиб кўришаркан: «Атир ҳиди... соқолини ҳозиргина қиртишлабди», деб ўйлади ва:

— Ўзинг яхшимисан, Ашур?.. Э, тўхта, манави кўрпачани остигга ташлаб ол!— деди. Келин хижолат чеккандек қизариб, дарров кўрпачани олиб ёзди-да, пойгакда серрайганча тик туриб қолди.

— Келинжон, боринг, қизим, чойингизга қаранг!— деди Сано бобо. Келин чиқиб кетгач, ютиниб, кўзларида шўх бир маъно билан Ашур амакига юзланди:

— Биласанми, нимага чақирдим сени?

Ашур амаки хиром этиги сағрисига шап-шап уриб:

— Билама!— деди.

— Нимага, айт, қани?

Ашур амаки Сано бобога яқин келди-ю, унинг тўрва соқолидан оҳиста, беозор тутиб:

— Манави соқолнинг ярмисини менга беришга!— деди кулиб. Сано бобо ҳам зўраки кулди. Кейин енгил бир сўлиш олди.

— Ашур, манга қара!..

— О, тўхтанг, ахир, ўзингиз, арақни сан ич, соқолни ман қўяман, деган эдингиз-ку! Уша келишувга биноан мен сиз учун ҳам қанча йилдан бери арақ ичиб юрибман, энди соқолдан менинг ҳаққимни бering-да!

Сано бобо унга қўшилиб, пешанасини тириштириб кулди, кейин яқиндаги каравотдан иккита болиш олиб, ичкиллаб унга узатаркан:

— Ашур, қулоқ сол, ука!— деди аллақандай хирлидоқ, бўғиқ овозда.— Энди... биласанми... ман сандап мингдан-минг розиман, санам рози бўл!

— Нима?— Ашур амаки ўрнидан қўзғалиб, унга қадалиб боқди. Сано бобо кўзларини ғарибона юмиб бош силкиди.

— Йўқ, беҳазил, ука, бу ўлим ҳамма учун ҳам ҳақ, барибир одам ўлмасдан қолмайди. Нима энди ман учун ўлим! Ҳеч нарсадан қўрқмайман. Етмиш икки йил яшадим. Иккита ўғлимни уйлантирдим, невара-чевара кўрдим. Кенжатай Еқутни узатдим... Энди хотиржамман. Фақат оёқни чўзишу, биргина «пуф» дейиш қолди. Ҳа, нега ерга қараб қолдинг? Манга қара, санам ёш эмассан, йилинг балиқ бўлса, она қорни билан олтмиш тўққизга чиқибсан. Шунинг учун бир-иккита васиятим...— Сано бобонинг томоғига бир нима тикилиб, қисқа йўталди, кўз ёшларини бурун аралаш белбоғига артиб, сўзида давом этди:— аввало, гўрминни Тоживойга қаздирманглар, ё ғайратлик Қаримбой, ёки шўрободлик Хусанбой қазинин!

— Нима учун, ака?

Сано бобо кўзларини юмиб, узоқ жим қолди.

...Ўшанда ҳам бетаҳорат юрмасди. Чунки қўй жуда нозик жонивор. «Қўй орқасидан ювиқсиз юриш хосиятсиз, барака топмайсан», дерди раҳматли бобоси. У «Калимайи шаҳодат» билан «Алҳамду»ни чала-чулпа биларди холос, умри ўтиб пешонаси ерга тегиб намоз ўқимаган бўлса-да, бетаҳорат юролмасди. Азон билан энди таҳорат олиб бўлувдиямки, дарвозадан овоз келди.

— Сано-бўй!

— Ҳа, лаббўй!— у артиниб дарвозага югурди. Қараса, Тоживой.

— Ёглироқ иш чиқиб қолди,— деди у аллақандай ишшайиб.— Кечқурун Нўъмон пўрманнинг хотини оламдан ўтди, бирга лаҳад қазирканмиз.

Иккаласи Қуръонтепага бориб, кетмон солишди. Тоживой гўрков бўлгани учун ҳам ҳар ер-ҳар ерга бел суқиб кўрди. Кейини бир жойини танлаб, ковлай бошлади. Юза қатламдаги майини шўрхок бир томонга олинди. Анча ковлашганидан кейин Тоживой кетмонни қаттиқроқ урувди, бир томон ўпирилиб кетди.

— Санобўй, манави ерни кавланг!— деди у лаҳаддан суякларни олиб ташларкан.

— Нима учун?

— Мана буларни кўмамиз... Уннаб ўтирамизми, тайёр гўр, уёқ-буёғини ремонт қиламиз, вассалом!

Унинг жаҳли чиқиб кетди. Кетмонни «тап» эткизиб ерга урди-да, Тоживойнинг бошига келди.

— Ахир, бу эски гўр-ку!

Тоживой пастдан қадалиб боқаркан, хиринглаб кулди.

— Парво қилманг, янгисини ўзингиз ўлганда қазаман, Санобўй!— деди.

— Инма?!— жаҳл билан яктагининг елкасидан тутиб, Тоживойни юқорига қараб даст кўтарди.

— Уялмайсанми, имонсиз?

Тоживой депсиниб ташқари чиқаркан:

— Ҳазил... ҳазилниям билмайди бу чўлда юрган чўпон,

манг, ўзингиз қазинг янгисини!— дея дастаси қисқа белни улоқтириб, нари кетди...

...Сано бобо кўзларини очиб, Ашур амакига қаради, у қўлларини тиззасига тираб ўтирарди.

— Эшитдингми, гўримни Тоживойга қаздирманглар!

— Э, ҳали шошилманг, ака, намунча гўр ғамини еб қолдингиз?

Сано бобо чуқур уф тортди.

— Авлодларим нчида гапга тушунадиган, арақхўр бўлсанг ҳам ўзингсан, ука. Сан кулма, мани ҳолим ўзимга маълум...

Келин чой, дастурхон кўтариб кирди. Ашур амаки чойни қайтариб, бир оз дам бергач, икки пиёлага қуйиб, биттасини Сано бобога узатди.

— Майли, келинжон, боринг энди, эрингиз далада бўлса, чойини ўша ерга элтинг!— деди Сано бобо чойдан ҳўплаб.— Бизлар амакингиз билан чақчақлашиб ўтирамыз.

Келни кетди.

— Иккинчи васиятим,— деди Сано бобо пиёлани қалтироқ қўлдан ерга қўя туриб,— манави ошхонада ёғоч тахта бор. Битта янги нарвон ясатасан. Мани шу нарвон билан чиқаринглар...

— Ака, қўйинг энди!— деди Ашур амаки кўнгли бузилиб.— Ҳали яна камида саккиз-ўн йил яшайсиз.

Сано бобо кулди.

— Ҳе, сан минг бўлсаям ёшсан-да... Лекин эсингдан чиқмасин: биринчи васиятим — Тоживойга гўримни қаздирмайсан, иккинчиси — янги нарвон ясатасан. Мани чиқарганларингдан кейин нарвонни элтиб, ўша эски мачитга қўйинглар...

Ашур амаки чойдан қуйиб ичиб, Сано бобонинг юзларига қаради: оппоқ тўрва соқол, қип-қизил, нурли ёпоқларини, икки оралнигидан оқара бошлаган қуюқ қон ва бир оз намли кўзлар. Наҳотки шу киши оламдан кўз юмса.

— Сано ака, сиз ваҳима бўлибсиз, ахир, ўз оёғингиз

билан кириб-чиқиб турган бўлсангиз, чеҳрангиз ҳам гулдай, нур ёғади...

Сапо бобо ғалати бир қараш қилди, лаблари ўз-ўзидан жилмайди.

— Биладан, укажон, лекин айтганларимни қулоғингда тут! Ўз ҳолим ўзимга аён. Ҳа, дуоини фотиҳа қилиб туришга Идрис Хўжани айт.

Ашур амаки кулиб юборди.

— Ахир, у саводсиз-ку!

— Сан кулма, саводига ишинг бўлмасин, қолган битта-ярымта мулло ичида покиза, ҳалол одам ўша, билдингми? Аслида мулло-пуллонинг ҳам ҳожати йўқ эди. Биласанми, ақлимни танибманки, ҳамиша бир фикр миямда айланиб юради. Мулло дегани ҳам гуноҳкор ўликлар учун керак бўлар-да. Улар бамисоли оқловчи — адвокат бўлиб, ўша мурданинг худо олдидаги гуноҳларини кечирिशни сўрашса керак... Худога ҳазор бор шукур, умримни ҳалол яшадим. Аввалда бир оз ҳорлик-зорлик кўрган бўлсам ҳам имонимга шикаст етказмадим... Шу учун... айтсанг, Идрис Хўжани айт, ҳар қалай элчилик...

— Хўп.

Сапо бобо ёнига оғир ағдариларкан, қуюқ қошларини чимириб қўйди. Кейин ҳансираб, яна оҳиста, синиқ овозда гапира бошлади:

— Охиргиси ўзингга тааллуқли. Мендан тез-тез хабар олиб тур. Жасадимни лаҳадга ўзинг қўй!.. Нимага йиғлайсан? Бу ўлим ҳамманинг бошида бор... Иложи бўлса уч кунгача ичма... Кейин у ёғини ўзинг биласан... Соатинг неча бўлди?

— Ўн минут кам тўққиз!

— Энди бор, ишдан кеч қолма... мандан тез-тез хабар олиб тур!..

Ашур амаки кечқурун келганида Сапо бобонинг ёнидан катта ўгли ғамгини чиқди.

— Ҳа, тинчликми?

— Узлари яхши-ю... аллақандай васиятми...— деди кўнгли бузилиб,— дўхтир чақирай десам ҳам кўнмайдилар...

— Хўн, зарари йўқ!— Ашур амаки ичкари кирганида Сано бобо дераза раҳига суяниб, булутли осмонни томоша қилиб ўтирарди.— Утирибсизми, Сано ака?

— Нима қилдинг сан, мандан хабар олиб тур дедим-ку санга...

— Пасивной, трактор учун у керак, бу керак деб келишади, бир минут бўлмасам, завсклад қаерда, деб жар солишади...

Сано бобо қайтиб, баланд қилиб қўйилган болишга суяниб ўтирди.

— Ҳа, тўғри, сизларгаям қийин...

Шу пайт булутли осмоннинг қайси бир этагида момақалдироқ гумбурлади. Дераза ойпасини олмосдек ярақлатиб чақмоқ чақди. Сано бобо фиккайиброқ ўтирди.

— Ашур,— деди у завқли бир оҳангда,— ўзимизни катта боғ ерининг юқорисидаги тўқайзор эсингдами? Ичига кирса, одам йитиб кетарди-я. Шу кезларда қанақа қўзиқорин кўп бўларди... Гулдурмомо милтиғидан тустовуқлар патирлашар, қуёнлар патта тагига биқинишарди... Ҳе, дариг, учаламиз — сан, ман, раҳматли янганг — Дурдона қўйдан соғилган даламага қўзиқорин қайнатувдик, эсингдами?

— Ҳа, эсимда!— деди Ашур амаки завқ билан кулиб.— Ушанда сиз раҳматли янгам билан келин-куёв ўини ўйнаган эдинглар...

Сано бобо қиҳ-қиҳ кулди, қошлари яна чимирилди. Бир оздан кейин чуқур уф тортди-да, тагин хаста, мунис овозда сўзлай бошлади:

— Ҳе, дариг, ўша воқеага ҳам олтинчи йилдан ошибди. Қайси кун телевизорда «Қишосаёҳат»ни кўриб туриб, ўша тўқайзор эсимга тушиб кетди. Ҳозир унинг ўрни ўзлаштирилиб, пахта экилган... Э, ана, яна гумбурлади...

Чўлгаям қут-барака ёғди-да... Ҳай, барака топ, энди бор, укажон, болаларинг кутиб ўтиришгандир.

Ашур амаки эрталабгача хайрлашиб чиқиб кетди. У кетгач, Сано бобо ўғилларини чақириб, ташқари ҳовлида тўшланиб қолган гўнгни чиқаришни ва сув насосига янги резина қўйишни тайинлади.

Эрталаб Ашур амаки қўлида пахта гулли коса билан Сано бобоникига ўтганида, у айвон остида янги туғилган қўзичоқни қучоқлаб онасига ялатиб ўтирарди. Ҳовли юзидаги бир парча ерда кўзга ташланган турли хилдаги экин ва гул майсалари ёмғирдан кейинги намчил, тароватли ҳавода ажиб бир ифор таратарди.

— Қани, бобой, муборак бўлсин янги меҳмон!— деди Ашур амаки. Сано бобо «қуллуқ-қуллуқ», деди, кейин қўзичоқни қўйиб юбориб, ўрнидан турди. Қўзичоқ атакчачак қила-қила, бориб онасининг слинига ёпишди. Совлиқ орқа оёғини кўтариб, боласига ийиб берди. Сано бобо «бўй-бўй, она-я, она!», деди бош силкиб, кейин Ашур амакига «юр уйга», дея ишора қилиб, ҳассасини титратиб уй томон юрди.

Иккаласи уйга киришди. Сано бобо ҳассасини эшик орқасига қўйиб, йиғиштирилмаган тўшагига бориб ўтирар-ўтирмас ҳассаси яна «тақ» этиб қулаб тушди. Сано бобо ижирғаниб пойгакка қаради-ю, ёнбошлаб олди.

— Чиноқ қўй қўзилабди, жонивор. Акбарга айтдим, наслга қолдир деб... Ука, кеча айтган гапларимни ушутма, мендан бохабар бўлиб тур... Ҳа, косада нима келтирдинг?

— Барра гўшти!

— Барра гўшти... ҳм, яхши...

Сано бобо кўзларини юмиб, узоқ ўйга чўмди.

Уша қирқ еттичи йилда ҳам колхоз қўйлари Урганч чўлида боқиларди. Ҳар бир сўйилган барра гўшти териси билан колхоз омборига тоншириларди. Апрель ойининг ўрталари эди. Бир оқшом ферма мудри:

— Санобой, тайёрланинг, қишлоқ қайтасиз!— деб

қолди.— Мана, йигирма бешта барра гўшти... Туяни йўртириб турсангиз, эрта кечқурунга идорага кириб борасиз.

Утовдан чиқиб келаётган Санобой: «Раҳмат, Нуъмон ака, уч ой бўлди болаларни кўрмаганимизга! Шу баҳонада...»— дея мишнатдорчилик билдирди.

Тез орада туя қумланди. Икки қапорга солинган барра гўшти ортмоқ қилиниб туяга юкланди. Урганч чўли барханлари ойдинда гоҳ туяни ютар, гоҳ яна юксакликка кўтарарди. Кунни бўйи иссиқда қўй орқасидан юриб толиққан Санобой туянинг бир маромдаги йўртиши натижасида пинакка кетди. У бир вақт уйғонса, туя бир қудуқ олдида турибди. Нарироқда иккита қуроқли эски ўтов... Ана холос, сувсираган туя йўлини ўзгартиб Илонқудуққа келибди... Шундай қилиб, Санобой бир ярим кундан кейин кечга яқин колхозга етиб келди. Идорадан колхоз раиси Шариф Холиқ ва ҳисобчи Мусин қувониб чиқишди.

— Қани, оч қоши!— деди раис унга, кейин Мусинга буюрди:— Сеп бориб омбор мудирини топиб кел! Очдинги, яхшироғидан уч-тўртта ол, қани, бу ёққа!

— Ҳозир.

У иккита барра гўштини олиб рансга узатаркан, бадбўй бир ҳиддан кўнгли айниб кетди.

— Э, нима бу... ислаибди-ку, имм...— раис кўзига яқин келтириб қаради-ю, қичқириб юборди.— Вой, уйганинг куйгур, муттаҳамлар-эй... шу қурт сани гўштинга тушса бўлмағиди!— дея унинг елкасидан қамчиннинг сопи билан қаттиқ итарди.

— Нима гап, нима гап,— дея Мусин билан кассир етиб келди.

— Манави касофат барра гўштини қуртлатибди. Қани, дарров акт тузинглар, ишини терговга ўтказамиз. Жинояти учун камида уч йил иш олади, бу хумсо! Жамоат мулкини талон-тарож қилиш бу...

— Раис бобожон, илтимос... Тўртта қўйим бор, шунинг жойига ўтказишлар, болаларим етим қолмасин.

Ун етти йил чўпонликда орттирилган қўй колхоз ҳисобига ўтказилди. Тўғрироғи, кейин билса, сасиған барра гўштига алоҳида акт ва қўйлар учун алоҳида «кирим» варақаси тайёрланган экан...

— Озгина еб олиш!— унинг хаёлини бўлди Ашур амаки. Сано бобо кўзларини очиб, секин пичирлади.

— Барра гўшти иссиқлик, манга тўғри келмайди. Манави дастурхонга ўраб қўй, болалар келиб ейишар... Соатинг неча?

— Тўққиз бўп қолди.

Сано бобо инқиллаб ўрнидан турди.

— Қани, омин... Бўр энди, ишингга кечикма. Лекин тез-тез хабар олиб тур! Васиятларим эсингда бўлсин!

— Ҳавотирланманг, ака, бугун чеҳрангиз кечагидан равшан!— деди Ашур амаки ўрнидан қўзғалар экан. Сано бобо уни кўзлари билан остонагача кузатиб қўйди. Шундан кейин у катта ўғли Акбарни чақириб, ҳамма бола-чақани тўплашни буюрди. Бир зумда удар тўпланишиб келишди.

— Болаларим!— деди Сано бобо шпфтдан кўзини оларкан.— Дунёда ҳеч ким ўлмай қолмайди. Ҳамма ўлади. Лекин гап қандай ўлишда. Иззат-обрў билан розиризо бўлиб, мурод-мақсадига етиб, ҳалол-покиза ўлиш бор ва яна итдек ўлиб кетиш ҳам бор... Мабодо, ман... Ёўқ, ҳали хотиржам бўлинглар! Тетикман! Айтиб бўлмайди-да, агар... бир гап бўлиб қолсам, ҳаммаларинг рози бўлинглар. Кўп йиғи-сиғи қилиб ўтирманглар! Бу мани тўйим!.. Акаларингизнинг гапидан чиқманглар... Қани, болаларим, энди мани бир оз ҳоли қўйинглар, ҳа, баракалла!.. Манави косани ҳам олиб кет!

Ҳамма пиқ-пиқ йиғлаб ташқари чиқаркан, Сано бобо хаста овозда:

— Акбаржон, сен қол!— деди.— Манави совуқ чой-

дан, яхшиси, насўсни сувидан бир қултумгина бер!.. Олиб келдингми... Қани яқинроқ олиб кел, қани! Ўзинг!..

Ўғли отасининг кулоҳли боши орқасидан тутиб, пиёлани унинг оғзига элтди. Сано бобо икки қултум сувни ютоқиб ичаркан, «барака топ», деди. Учинчи қултум сувни оғзига олди-ю, юта олмади, сув оғзининг икки чеккасидан оқиб, оппоқ соқолига сингиб кетди...

Сано бобонинг ҳамма васияти бажарилди. Фақат биттаси бажарилмай қолди: Ашур амаки «сельхозтехника»га кетиб қолгани учун марҳумни лаҳадга катта ўғли Акбар қўйди. Лаҳадга тупроқ тортилаётганда Қуръонтепа ортидан қаттиқ фарёд эшитилди.

— Васиятингни бажара олмадим, жигарим!.. Улимни олдиндан билган жигарим! Во, фариштагинам, акам!.. Авлиё экансан, акам...

Бу — Ашур амаки эди. У тўғри лаҳад бошига келди-ю, юз тубан ташланди. Нам, дондор тупроққа қипқизил бетларини суртиб ҳўнгарди.

Акбар секин бориб уни ердан кўтарди. Ашур амаки жиянини маҳкам қучоқлаб, елкасига бош қўйди.

Ундан буруқсаб арақ ҳиди келарди...

Нусрат чаман

Бош бухгалтернинг уйида Тошкентдан меҳмон бор эди. Меҳмонлар икки киши бўлиб, улардан бири — семиз, юзига кунжут доғи тушган, бир кўзи гилайи пойтахтнинг қайси бир савдо базасида, иккинчиси — ёшроқ, юзлари тарапг, қовоқлари ясси йигит маданият министрлигида ишларкан. Бухгалтер улар билан ўтган йил Социда дам олганда ошна бўлиб қолган экан. Бугун шу оғайнилари сўраб келишибди. Улар шарафига бериладиган зиёфатнинг кичик бир ўтиришчаси давом этарди. Олди ойнаванд, чамбарагулчин уй ранг-баранг гуллар яшнаган гулзорга туташ. Намозгар салқини уфуриб туриб-

ди. Сўнаётган қуёш шафағи ланг очиқ дераза ойналарига, ундан ерга тўшалган туркман гиламларга ва яна бир тутам олмосдек нур эса деворга қоқилган гули чўғдек гиламга тушиб жилоланар, хонтахта атрофида ўтириб андак «қулоқ қизитган» меҳмонларни ва уй эгасининг кўзларини қамаштирарди.

— Зап ҳаво бўлди-да,— деди мезбон қадаҳчани меҳмон олдига қўяётиб,— шундай иссиқ бўлиб турса, пахта ҳар куни бир қарич кўтарилади.

Меҳмонлардан семизи томоқ қирди.

— Тўғри айтдингиз, Шодмон ака,— деди у катталиги олчадек келадиган қип-қизил редискани карсиллатиб чайнаб,— эртагаям қизиса керак, қаранг, кунботиш тараф патли гиламдек ёниб кетди.

Меҳмонлардан ёшроғи кунботиш тарафга, кейин дарҳол деворга қоқилган чўғдек гиламга қаради. Бош бухгалтер уни кузатиб турган эди, меҳмон ҳам сир бой бермай кўзини ерга оларкан:

— Шодмон ака,— деди мулојимгина қилиб,— анави девордаги бу ерларнинг моли бўлмаса керак, а?

Мезбон кулди, тишини ковлаб, гўшт қолдигини тил учи билан бир четга «тиф» деб учириб юборгач, лунжларини тозалай-тозалай, гапира бошлади:

— Ҳа, аввалги йили Кисловодскийда дам олганимизда йўл-йўлакай Москвага тушган эдик, ўша ерда бир ошнам бор. Қайтишимдан бир кун олдин «импортний» гилам бор, олмайсизми», деб сўраб қолди. Шу учун яна икки кун қолиб кетдим. Кейин десайиз, Москванинг бир чеккасидан, бир танишиникидан олиб берди... Хўп, қани кўтарайлик!

Ҳамма қадаҳларни қўлга олди. Меҳмонлардан семизи қадаҳни қия ушлаб туриб сўради:

— Шундай қилиб, қанчага тушди?

— Йўл харажатлари билан иккитаси мингга... Ҳа, бунинг шеригини раисимиз Зиёдулло акам олиб кетди-

лар. Сук солиб ўтирдилар, бермасак номардлик бўлар, дедик...

— Яхши, йигит сўзи ерда қолмагани дуруст!

— Қани бўлмасам, шунн отиб олайлик!— мезбон катта оғзига эллик граммлик қадаҳчадаги ароқни осонгина ағдарди-ю, нафас олмасдан пиёладаги совуқ чойдан ҳўплади. Меҳмонлар энди қадаҳ кўтаришаётганда даҳлизда оёқ товуши эшитилди. Ҳамма ўгирилиб эшикка қаради. Уй эгаси лунжини сочиққа артиб ўрнидан турди, унгача эшик очилиб, ўрта бўйли, бошида эски кулранг шляпа, қора трико яктаги устидан қизил белбоғ боғлаган қирқ ёшлардаги киши кўринди.

— Ассалому алайкум!

— Э-ҳа, келинг, Нусрат чаман!— деди бухгалтер мажбурий қиёфада.— Қани, кириг!

Нусрат полга тўшалган гиламга ва оёғидаги чангли кирза этикларига бир қараб олди, тараддуланиб кўзларини жавдиратди. Мезбон: «Этикни ечасизми, ё?»— деган эди, Нусрат: «Вақтим йўқроқ, акаа,— деди ва чўккалаб юриб хонтахтага яқишлашиб, меҳмонлар билан қўл олиб кўришди. Фотиҳага қўл очиб, кафтларини соқол-мўйлови ўсиқ, жигардек юзларига сурди. Сўрашиб бўлингач, бухгалтер:

— Қани, Нусрат чаман, дастурхонга қаранг!— деди кафтини чўзиб.

— Э, ҳали чой ҳам ичамизми? Оҳо, иш катта-ку!— деди Нусрат шишанинг жараангини эшитиб.— Бир қўлни чайқаб олайлик бўлмасам!

Нусрат ўрнидан туриб эшикка қараб юрди. Уй эгаси унинг этигидаги гиламда қолган оқ изларга қарамасликка ҳаракат қилиб у билан бирга даҳлизга чиқаркан, чироқни ёқди. Даҳлиздан Нусратнинг «ювмасак ҳам бўларди-ю, қўлим эшакнинг тизгинига теккан», дегани ва шилдираб сув тўкилгани эшитилди. Меҳмонлар ўзаро кулиб қўйишди. Нусрат эшикдан кириб, яна чўккалаб юриб хонтахта-

га яқинлашди. У меҳмонларга сийрак қошларини кўтариб кулиб қаради, кейин аланглаб уйни кузатди.

— Нусрат чаман, кечикканингиз учун штраф!— деди уй эгаси бир пиёла тўла ароқ узатиб.— Қани, олинг, қани!

Нусрат қўлини кўксига қўйди:

— Ўртоқ Мардонов, кўплик қилади, ака. Эртага Тошкентга — жиянчангизни олиб келишга жўнашим керак.

Мезбон пиёлани ерга қўйиб:

— Э, дарвоқе, қалай, ўғилча бутунлай тузалиб кетди-ми?— деди самимийликка ҳаракат қилиб.

— Ҳа, кеча барака топкур дўхтурларидан телеграмма олдим... Келишимдан мақсад ҳам сиздан битта справка олиш... Шу боргандан кейин бир-икки кун қолиб кетсак, гастинса учун...

Меҳмонлардан семизи бир дона кўк пиёзни ажратиб олиб, оҳиста ғижирлатиб чайпаркан:

— Нима бўлган эди?— деб сўради. Нусрат чуқур уф тортиб сўзида давом этди:

— Қиш ўртасида кичик ўғилчамиз қаттиқ шамоллаб қолди, ака, дўхтурга элтдиқ — ўпкасида суви бор дейишди, бир ойча шу ерда даволашди. Кундан-кунга орқа тушаверди, охири барака топкурлар онаси, бола, ман — учаламизни бепул «Волга» билан Тошкентга юборишди. Борсак, профессорнинг ўзи кутиб турган экан...

Уй эгаси Нусратга пиёлани тутқазиб қистади:

— Нусрат чаман, қани, ўғилчани соғайиб кетгани учун!

— Хўп, ҳозир!..

Нусрат товонига миҳ киргандек афтини бужмайтириб ароқни узоқ шиғирди. Ичиб бўлгач, лабиниғ икки чеккасидан оққан томчиларни сербаргина дағал мўйлови аралаш кафти билан артди. Уй эгаси тутган чандир гўштини чала чайнаб ютаркан, ўзига ҳайрат билан тикилиб турган меҳмонларга кулиб қаради.

— Шу баҳонада десайиз, Тошканни ҳам кўриб олдик. Э, Тошкан қизиқ экан...

— Бу дунёда кўрган қолади,— деди меҳмонлардан семизи. Бошқалар унинг гапини маъқуллашди. Уй эгаси яна қадаҳларни тўлдирди, Нусратнинг пиёласига бу сафар ҳам яримдан баланд қилиб қўйилди.

— Қани, Нусрат чаман, меҳмонлар билан уриштириб...

Нусрат пиёласи олиб, чордана қуриб ўтирди. Мезбон бенхтиёр унинг этинга қаради-ю, яна кўзини чаққон узди. Бошқалар Нусратни зимдан кузатишарди.

— Хўш, азиз меҳмонлар, кўтарайлик, ёмон кунимиз шундай ўтсин!

Ҳаммадан олдин пиёла бўшатган Нусрат ликопчадаги ёнғоқ мағзини олиб, закуска қилди. Афтини буриштириб энгил кекирди.

— Э, биродарлар, Тошкан қизиқ шаҳар экан...

— Нусрат, ака, овқатдан олинг!

— Қуллуқ, оляпман, ўртоқ Мардонов. Тошкан энди мақтаганларича бор экан, кўриб ҳайрон қолдим.

Меҳмонлар ер остидан бир-бирларига қараб, кулиб олишди. Бунн уй эгаси сезиб, гапини бошқа томонга буриб юборди.

— Нусрат чаман, бир вақтлар кўк эшагингиз бўлармиди?

— Э-ҳа, у жониворни айтасизми, худди одамдай эди худо раҳмати, мани кўрди деганча ҳанграб юборарди. Кўз тегди — Сирож бобонинг кўзи тегди. Эшагим ўлди, орадан бир ой ўтмасдан уям ўлди.

Меҳмонлар кулишга ҳам, кулмасликка ҳам ҳайрон. Уй эгаси бўлса уларга чап кўзини сал қисиб қўйиб, жиддий гапирарди:

— Ўша эшагингизни йўрғаси яхши эди-да.

— Э, нимасини айтасиз, ака, самолётдай учарди жонивор, ҳозир шу ерга миниб келганим ўша эшакнинг ўғли, э, йўқ, қизининг ўғли...

— Нусрат чаман, мана!

— Йўқ, энди, йўқ-йўқ, бўлди... нормамни олдим!..

— Ҳе, ҳеч нима эмас, манг!

— Йўқ, манга таъсир этди, ака, каллам ғовладн, ўзим оч эдим-да, пешин ҳам чой ичганим йўқ, тўғри кўлдан — қўйларнинг ёпидан келишим.

Энди меҳмонлар ҳам қистай бошлашди.

— Кечикиб келдингиз, олинг энди!

— Сизам уй эгаси ахир!

Нусрат «қўймадингизлар-да» дегандек бош чайқаб пиёлани олиб, ерга қўйди. Сўнг бошқаларга ҳам қўйилишини кузатиб турди.

— Меҳмонларга тўлдириб қўйинг!

— Мана қаранг, мана!— деди бухгалтер шижанинг оғзини қадаҳларга ёлғондакам теккизиб, меҳмонлар «бас, бас, бўлди!» деб туришди. Нусрат ҳеч нарса сезмади.

— Турмуш фаровон, соғ-саломат бўлайлик!

Нусрат бу гал осон ичди. Пиёлани ерга қўйиб, бир муддатга лабларини қимтиб закуска қилмай турди, кейин шоша-пиша нон чайнай бошлади. Уй эгаси ҳозиргина ароқ ичилган пиёлага совуқ чой қўйиб, унга узатди. У чой ичиб, енгил тамшанди. Меҳмонлар «Пахтакор» билан «Қайрат»нинг яқинда бўлган ўйинини муҳокама қила бошлашди. Уларнинг баҳсига ора-чора мезбон ҳам аралашди. Бир пайт Нусрат чўккалаб олиб, босиқ овоз билан ҳаммани ўзига қаратди.

— Тошкан қизиқ шаҳар экан, у боши билан бу боши роса йигирма чақирим келса керак.

— Кўпроқ!— деди меҳмонлардан ёшроғи.

— Жуда яхши шаҳар экан,— дея сўзида давом этаркан, Нусрат хонтахта устидаги қадаҳ, ликопча, пиёла ва нонларни бир жойга тўплай бошлади,— мана қаранг,— деди у мураббо солинган шиша идишнинг олиб бир чеккага қўяркан,— бунин Навоий театри дейлик, мана бу ўртада сув сепиб турадиган бир нарса, ҳа балли, пантон бор. Хўш, мана бу ёнғоқли тақсимча — Тошкан гастинсаси ёни-

дан ерни тайи билан йўл бор, мана бундай,— дея у нон парчаларини катак қилиб терди,— шу ернинг тайи билан юриб, қуйига қараб кетасиз.

— Нусрат чаман!

— Тўхтаг энди, гапирай. Кейин десайизки, шу йўл билан юриб тепага чиқасиз, худди ана шу чойнакнинг жойида уч қаватли шишакори магазин бор, оти... оти...

— ЦУМ!

— Ҳа балли, СУС, СУМ... энди шу магазинда одамнинг жонидан бошқа нарса бор-да...

Мезбон ҳам, меҳмонлар ҳам овоз чиқариб кула бошладилар. Нусрат кўзини сузиб уларга қаради, кейин бошини бирпас солниттириб олди.

— Нусрат чаман, меҳмонлар кутиб қолишди!

— А... яна нч...— у кекириб олди,— ичамизми?

— Ҳа, энди таклиф меҳмонлардан тушди.

— Хўп бўлмасам!

Нусрат бир кўтаришда ичиб, титроқ қўли билан пиёлани тўнтариб, кўрсатиб узатди. Мезбон «яшанг, Нусрат чаман, қойил», дея пиёлани унинг қўлидан олди-ю, ўз қадаҳини ерга қўйди.

— Ўша Тошканда, уч қаватли магазин олдида,— дея Нусрат чаман пиқ-пиқ кула бошлади,— ўша магазин олдида, хих...

— Нусрат чаман, айтинг, бирор қизиқ гап борга ўхшайди-ку?

— Йўқ... хих... анави артист бор-ку?

— Қим экан у?

— Қайси?— сўради меҳмонлардан ёшроғи.

— Гардани узун, ғозникидай, «яйловга кел», деб қўшиқ айтади.

— Телевизорда ҳар куни кўрсатади-ку, гардани бир қулоч йиғит бор-ку, анави Самн... Самижон... ҳа балли, Алимов, Алимов, ана ўшани кўрдим. Жуда башанг кийинган, худди ўша телевизордагидай, гардани бир қулоч, аввалига танимабман...

Меҳмонлар завқланиб кулишди. Орадан бир оз ўт-гач, улар чарчашдими, зерикшдими, батамом камгап бўлиб қолишди. Даврага оғир сукут оралади. Нусрат чаман меҳмонларга қараб олиб, ўрнидан қўзғалди.

— Ман қайтай ака, қўйларни... қўйларни вақтинча бировга топширай, эрталаб Тошкан кетишим керак.

— Хўп, майли, ҳозир бизлар ҳам чиқамиз.

Ташқарига чиқишди. Ой найзада — ҳаммаёқ оппоқ сутдай. Нусрат дарвозадан гандираклаб чиқди. Қўз олди тиниб, кўр кишидек қўлларини олдинга чўзиб бориб, паҳса деворга суяниб қолди. Меҳмонлар ҳам чиқишди. Улар Нусратга яқинлашганда, у тутилинқираб ғудранди: «Мман мас эмас... ман... ман». Уй эгаси устунгўшага боғланган нўхтали кўк эшакни ечиб келди. Эшакнинг пешанаси ҳар хил катта-кичик мунчоқ ва попуклар билан безатилган, тўқими янгигина. Нусрат эшагининг бўйнидан беҳол қучоқламоқчи бўлди, эшак орқага ўгирилди. Шу пайт у бош бухгалтернинг ёрдами билан икки-уч сакрашда эшакка тескари миниб олди, оёғини ниқтаган эди, эшак йўртиб кетди. Орқада меҳмонлар ва мезбон қоринларини ушлашиб қотиб-қотиб кулишарди. Ун метрча наридан Нусрат чаманнинг овози келди:

— Ур... ўртоқ Мардонов, эшак... эшагимнинг боши қани... боши қани? Боши қани, деяпман?..

Мезбон кула-кула унинг изидан югурди.

«Оби маҳрам»

Кампир чапак чалганча дод солиб уйдан чиқди.

— Мани кимга ташлаб кетдинг уй-с... ем!..

Шом сукутида бу похуш хабар бутун гузарга эшитилди. Фарёд Шодмон буваникидан чиқар эди. Бечора Шодмон қизиқ! Қандай дилкаш, қизиқчи чол эди-я, маҳалланинг Хўжа Насриддин эди. Мана уч ойлик ка-

сал уни ҳам ҳаётдан олиб кетди. Эсиз, эсиз!.. Ҳадемай икки-уч мўсафид қўшчилар, хотин-халаж тўпланди. Майитни тўшаги билан бошқа жойга кўчиришиб, устини сўзана билан ёпиб қўйишди. Қариялардан бири «ҳа, бсбақо дунё», дегандек бир оз муддат бош силкиб турди-да, елкасини қисганича гузар оқсоқолини айтиб келишга кетди.

Енгларини тирсаккача шимариб, костюми устидан белбоғ боғлаган, пакана, оппоқ, қулфак соқол-мўйловли, ўзининг айтишича, уруш вақти «плен»да бўлиб, саккиз мамлакатни кўрган гузар оқсоқоли Мусо дўлоб елдек учиб ҳовлига кирди. Мурда қўйилган уйда кампир ҳамон дод солганча ивирсиб юарди.

Оқсоқол уйга кирди-ю, пойгакка чўкди.

— Омин, худо раҳмат қилсин! Оллоҳу акбар... Бандалик-да, хола! Қани, мана бу ерга ўтиринг! Сизлар нега тикка турибсизлар? Ўтиринглар!..

Ҳамма ўтирди.

— Йиғламанг, хола, ҳаммамиз ҳам бир кун келибмиз, бир кун кетамиз! Заррайи хокдан бунёд этилган эканмиз, яна борар жойимиз шу қора тупроқ!— деди оқсоқол тиззалари устидаги бармоқларини хиёл ўйнатиб.— Энди гап бундай, тўй-маърака бехаражат бўлмас деганлар, қани, гапиринг, хола!

Кампир пиқиллаб узун енглари билан кўз ёшларини артди, чоли томон бир қараб олди.

— Нима ҳам дейин?

— Ахир, бу Шодмон қизиқ акам кичик одам эмаслар, у кишини бугун туман танийди, шундоқ эмасми?

— Шундай, шундай!— деди тўй-маъракаларда чой қайнатадиган Хўжа ака.

— Баракалло!— дея сўзида давом этди Мусо дўлоб.— Бас, шундоқ экан, бу кишини ўғил-қизлари йўқ, қариндошлари ҳам ўзларига яраша одамлар. Шунинг учун катта иззат-обрў билан хокка топшириш биз гузар активларининг қарзимиз, шундоқ эмасми?

Тўю-маъракаларда қозон учун ер ўчоқ қавлайдиган Абдуллажон деган йигит бош ирғаб маъқуллади:

— Шундай!

— Хўш, шундоқ бўлса, энди албатта Шодмон акам раҳматлик жуда фаросатли одам эдилар. Эҳтимолки, ўз гўр-чўпларининг ғамини вақтида еб қўйган бўлсалар ҳам керак, а, хола?

Қампир тиззаларини ушлаб, инқиллаб ўрнидан турди. Токчага яқин бориб, жўмраги қадоқланган катта чинни чойнакни олди. Енглари билан чойнакнинг чагини артди, сўнг ичидан бир тугушча оларкан;

— Раҳматлик акангиз,— деди йиғламсираб,— ўзларининг қирқ сўмлик пенсияларидан ўлимликларини ҳозирлаб қўйган эдилар.

Мусо дўлоб кўзларини юмиб бош қимирлатди.

— Во даригғ... Қўйинг, хола, йиғламанг. Келинг, жойингизга ўтиринг!

Шу пайт яна икки-уч киши кириб келди. Улар ҳам ўтириб фотиҳа ўқишди, кимдир мурданинг андак чўзилмай қолган бир оёғини иссиғида тўғрилашни маслаҳат солган эди, гузар оқсоқоли:

— А?.. Йўқ!.. Например, мен шу ишни қила олмайман,— деди энсиз елкаларини кўтариб.— Қўйинглар, мурдашўйнинг ўзи тўғрилайди.

Қампир мурданинг бошида узун енгларини осилтирганича лалайиб турарди. Шу пайт уйда электр чироқ ўчди. Мусо дўлоб «ана холос», дея дик этиб ўрнидан турган эди, чироқ қайта ёнди.

— Э хайрият-э,— деди гузар оқсоқоли бурушқоқ маҳсили оёқларини букиб ўтираркан.— Хўш, бародорони азиз Шодмон бобонинг касал бўлганларигаям уч ойча бўлиб қолгандир. Рамазон шарифдан буён касал бўлсалар керак, а, хола?

— Ҳа, рўза намозидан келдилару...

— Баракалло! Ўзларингизга маълум, беморки узоқ вақт ётиб қазо қилса, уни оби маҳрамга солиш керак...

Бу мурда учун бамисоли ғусл ўрнида юради... Ҳм... хола, мана бу Хўжажонга беш сўм беринг.

Қампир тугундан беш сўм олиб самоварчига берди. Хўжа ака ўрнидан турди.

— Хўжажон!— деди гузар оқсоқоли.

— Лаббай!

— Театр орқасидаги «Петилет» гузарини биласизми?

— Ҳа, Қарим аканинг тўйларига «ёр-ёр»чи Бахшандахонни айтиб келган эдим.

— Баракалло, ҳозир қўлипғиздаги беш сўмга битта такси оласизу, ўша гузарга бориб нуммур ўн олтинчи ҳовлидан Ҳайит мурдашўйни зудлик билан олиб келасиз, тез!

Хўжажон кетди. Қампир тугунчани қайта тугаётган эди, оқсоқол:

— Ҳали тўхтанг, хола,— деди.— Оби маҳрамга солгани учун мурдашўйга ўн беш сўм берасиз, эрта келиб яна ювади. Бу ювишга ҳам ҳақ тўлаш керак. Унга йигирма сўм берасиз, икки киши бўлиб келса, ўн беш сўмдай ўттиз сўм берасиз...

Қампирнинг кўзлари ёшданми, ҳайратданми йилтираб кетди.

— Қани, ўттиз беш сўмни беринг-чи!

Оқсоқол учта ўн сўмлик ва битта беш сўмликни олиб, ер ўчоқ кавлайдиган Абдуллажонга узатди.

— Мана бу сизда турсин!

— Хўп!

— Дунёга бир кун келибмиз, бир кун кетамиз,— деди дўлоб ўрнашиброқ ўтириб.— Шодижон, сиз ҳозир бориб вакилаларни айтиб келинг, икки қозон сув иситишинг. Ҳали замон мурдашўй ҳам келиб қолади.

Аптека базасида ишлайдиган Шодивой деган чўлоқ йиғит секин сугрилиб чиқиб кетди. Оқсоқол атрофга бир қараб олди-да:

— Хола, сув иситадиган вакилаларга ҳам беш сўмдан ўн сўм, ўз қўлингиз билан берасиз,— деди.

— Сувни ўзимиз газда иситсак ҳам бўлар!— деди кампир бўғиқ овозда.

— Эҳ!— афсуслангандек бош силкиди Мусо дўлоб.— Қайси мурда эгаси сув иситган, гуноҳ бўлади... шунча иситиб берганингиз ҳам етар.

— Ҳай, ука, тушунмасам...

— Тўғри, тўғри, сиздан ҳам гина йўқ. Насиб бўлса, эрта пешини намозида жаъозани Хўжаобод мачитида ўқитамиз... Э, ана холос,— Мусо дўлоб шартта ўриндан турди,— сал бўлмаса фаромуш қиларканман. Бир киши етмиш йил умр кўрса, калимаи шаҳодатни етмиш икки минг марта ўқиши керак.

— Хўш, хўш!— дейишди уйда қолган кишилар.

— Ишончим комилки, Шодмон қизиқ акам ҳам, мана бизлар ҳам шунча маротаба ўқиганимиз йўқ.

— Ҳақ гап, ҳа!— деди Абдуллажон.

— Шунинг учун ҳозир мачитга бориб тўртта мулло айтиб келиш лозим. Улар мурда «оби маҳрам»дан тоза чиққандан кейин етмиш икки минг марта калимаи шаҳодатни ўқиб, Шодмон акага бағишлашади. Лекин уларга ҳам беш сўмдан йигирма сўм берилади. Қани, сен мачитга бор, ўғлим, сўфига айт...

— Мусо ака!

— Хўш!

— Шу муллоларга камроқ берсакмикин?

— Мардикор бозорида бир мардикор ўн беш сўм.

— Ахир мардикор иморатда ишлайди, бу...

— Биламан, бу мурда демоқчисиз... Мурдадан одамлар норози бўлмаслиги керак...

Ҳамма жим қолди. Ташқарида вакила хотинлар келиб чслакларни даранглатиб сув иситишга тушди. Абдуллажон гузар оқсоқолининг буйруғи билан даҳлизда чуқур кавларди. Мусо дўлоб чаққон ўриндан туриб ташқари чиқди-да, вакилаларга топшириқ берди.

— Сув ширгарм бўлсин, кўп совуқ, кўпам иссиқ бўл-

масин. Ҳа, Зокпр,— деди у овозини пасайтириб.— Кеча Зиёдулло тўйида сенга қанча берган эди.

— Олти сўм пул, бир кўйлақлик вискоз.

— Оббо нонисоф-э, у қурумсоқ мени ҳам болади, саккиз сўм берса бўладими. Хайр, майли, яна маърака қилиб қолар... Ҳа, нима дедим, сув ширгарм бўлсин!

Оқсоқол яна уйга кирди. Қампир мурданинг бош томонида кўз ёши тўкиб, ҳиқиллаб ўтирар, бошқалар уйдаги у-бу ортиқча нарсаларни йиғиштиришарди.

— Хола!

— Лаббай, ука!

— Қанисиз? Бу ёққа келинг, гап бундоқ!

— Хўш!

— Шодмон акамнинг ўликлари андай-бундай ўликлардан эмас, катта ўлик!

Кампир баттар ўкириб йиғлади.

— Йиғламанг, хола, йиғламанг! Ҳаммамиз ҳам бир кун келибмиз, бир кун кетамиз,— деди оқсоқол қироатли овозда.— Ҳаммамиз ҳам мусулмонмиз, қани девонайи шоҳи Машраб, қани Аҳмади Порсо, во дариг, ҳаммалари ҳам дунёдан ўтдилар-ку. Ажалнинг олдида шоҳу гадо баробардур. Ҳа, хола, эрта жанозага кам деганда икки юз киши тўпланади. Шунинг учун ҳар бир жанозахонга йигирма тийиндан берсак, Шодмон акамнинг обрўлари... Хўш, бўлмаса, эрта азонда молияда ишлайдиган ўртоқ Саломовга эллик сўм беринг, у киши икки юзта йигирма тийинлик тапгага алмаштириб келсинлар...

Кампир титраб кетди. Устига сўзана ёпиб қўйилган чоли томон қараб, «Мани қайси кўйларга солиб кетдинг!» дея йиғига тушди.

— Йиғламанг, хола, йиғламанг, овозингизни асранг, эрта кўп олдида йиғлайсиз. Хўш, энди мен бир такси топибғиз этиб мазорга бориб келай. Қурбон гўрковга битта лаҳад заказ қилиш керак. Қани, лаҳад учун йигирма беш сўм беринг!

Кампир йиғлай-йиғлай, кичрайиб қолган тугунчадан иккита ўн сўмлик олиб берди.

— Яна беш сўм, хола!

— Бўлар...

— Ахир бир мардикор ўн беш сўм...

— Манг, ҳай айланай, манг!

— Ҳо баракалло... Энди холажон гўянда учун, ошпаз учун, йиртиш учун пул тайёрлаб қўйинг, у ёғини кейин гаплашамиз... Ҳа, дарвоқе, яна бир товоқ баҳори бугдой, тутилмаган бўйра, ярим коса нўхат топинг, мурдашўйга керак бўлади. Хўп, мен кетдим...

Гузар оқсоқоли шошилиб эшикдан чиқиб кетаётган эди, орқадан хаста овоз эшитди.

— Мусо!.. Холангдан йигирма беш сўм олиб, ўзинг учун ҳам лаҳад қаздириб-қў...й!

— А!..

Мусо дўлоб шарт орқага ўгирилди. Уйнинг тўрида мурдаинг боши очилиб, рангпар қўллари қизил сўзана устида мажолсиз ётарди. Соқоллари тўзғинган, докадек оқ юзлар, ялтироқ бақрайган кўзлар...

— Ё навза биллоҳи мина... мина... мина...— деди гузар оқсоқоли шайтонлагудек бўлиб уйдан чиқиб қочаркан.

— Вой, овозингиздан айланай, тирикмидингиз!— дея кампир пилдираб чоли томон югурди.

Мусо дўлоб ҳовлиқиб ташқари чиқди. Дарвозадан Ҳайит мурдашўй ва яна уч-тўртта муллалар кириб келишарди. Мусо дўлоб гўлдираб, қўли билан алланималарни ишора қилганча дарвозадан чиқиб қочди.

Орадан уч кун ўтди. Шомга яқин Ҳайит мурдашўй икки кишининг қистови билан яна шу гузарга келди. Бу гал у Мусо дўлобни «оби маҳрам»га солиб кетди. Чунки бундан уч кун олдин Шодмон қизиқнинг эҳтиётсизлиги оқибатида бечора гузар оқсоқолининг юраги ёрилган эди.

«Ака, деманг!»

Умумий овқатланиш трестиинг бошлиғи Солижон Алиев бир ойдан кейин эллик ёшга тўлади. «Шарқ» ресторанининг собиқ буфетчиси Хуморхон эса кўпни кўрган кўҳликкина жувон. Улар авваллари таниш эмас эдилар. Чунки, Солижон Алиев бу ташкилотга яқинда ишга келган, Хуморхон бўлса ресторан директори билан айтишиб қолиб, ишдан бўшатилган эди. Шундай бўлса ҳам улар учрашишди.

Бир куни Хуморхон бекорчиликдан кўчада сайр қилиб юрарди, каттакон қайрағоч соясида роҳатижон еб ўтирган дугонаси Нигорага кўзи тушди.

— Нигорчик, яхшимисан, жоним?

— Оҳ... кечирасан, кўрмабман, Хумичка!

Хуморхон қора сумкасини чап қўли билагига илиб, дугонаси билан кўришди. Нигора ҳали сўрашмасдан туриб яқиндаги дўкондан унга ҳам роҳатижон олиб келди.

— Мана, дугонажон, ол... ол, юракларин муздай қилайлик, кейин гаплашамиз.

Иккаласи ер остидан бир-бирига сирли қараб олиб, кула-кула роҳатижон ея бошлашди. Бу орада Нигора ўзи ишлаётган ошхонадаги аёл билан айтишиб қолганини тўкиб солди. Улар роҳатижондан бўшаган қоғоз идишларини бир бурчакка, кўчатлар орасига ирғитиб, одамлардан холи томон юриб кетишди.

— Энди нима қилмоқчисан, Хуми?

— Ҳайропман, Нигорчик, шу кунларда бекорчиликдан юрагим «тарс» ёрилай дейди.

Яна жим кетишди. Нигора дугонасининг тирсиллаган баданига эркакча назар ташлади.

— Алиевнинг олдига — обшепитга кирмадингми?

Хуморхон лабларини чиройли қимтиб, елка қисди:

— Танимасам, нима деб кираман?

— Ана холос, кўрсанг танийсан-да, гўзалим!

— Билмасам...

Хиёбон чеккасидаги якка ўриндиққа бориб омонатгина ўтирилгач, Нигора дугонасининг биқинидан чимчилаб кулаверди. Хуморхон тоқатсизланиб қизарар, «қўй, қўй», дея унинг қўлларини итариб ташларди.

— Биласанми?— деди Нигора ҳалиги қилиқларидан бирпас тийниб,— кеча Ашура опани кўрдим. У аввал бешинчи ошхонада Алиев билан бирга ишлаган экан,— Нигора яна Хуморхонни чимчилаб, кула-кула гапида давом этди.— Уша айтдики, Солижон акамлар жудаям «Ухажўр» деб...

Хуморхон гапга тушуниб, дугонасининг елкасига «Э, ўлэ!» дея «шап-шап» урди, у бўлса кулгидан тўхтаб жиддий гапирди.

— Менга қара, Алиев жуда позик дидли одам, шунга учраш.

Хуморхон «э, бор-э», деб жаҳл билан ўрнидан туриб кетди. Икки-уч қадам нари кетиб, орқага — Нигорага ўгирилди. Унинг кулча юзлари ёришиб кетган эди...

Икки кундан кейин у шундай ёруғ юз билан Алиев кабишетида турарди. Семизликдан бўйини қисқариб, ярақлаган туксиз боши кенг елкалари орасига ёпиштириб қўйилгандек қиёфага эга Солижон Алиев Хуморхонни диванга ўтиришга таклиф этди. Хуморхон ўтирмади. Солижон Алиев кулиб туриб яна таклиф этди. Хуморхон ўнг оёғини чап оёғининг тиззасига қўйиб ўтирди. Алиев ер остидан унга қаради: Хуморхоннинг ялтироқ матодан тикилган тор кўйлагини кўтарилиб, ўнг оёғини сонигача кўришиб турарди. Бошлиқ журъатсиз яна бир қараб олиб, «бели ингичка-ю, оёғи дўндиқ», деб ўйлади. Сўнг жиддий бир нарсани ўйлаётгандек бўлиб шифтга қараб, секин сўради:

— Нега бўшатинган эди?

— Э, Солижон ака, аёл киши чиройли бўлмасин экан... Айтганини қилмаган эдим, бир стакан ароқдан йигирма грамм кам деб...

— Ҳм, чатоқ, чатоқ...

Хуморхон қоп-қора, узун киприкли шахло кўзларини бўялган тирноқ учларига ғамгин тикди. Солижон ака яна бир бор «чатоқ-чатоқ», дея такрорлагач, Хуморхондан ҳужжатларини сўради. У қизил сумкачасидан паспорт ва «Меҳнат дафтарча»сини олиб, бошлиқ столга яқин борди. Ҳужжатларини Солижон акага бериб, ўзи тирсақларини стол чеккасига тираб, нафисгина энгагини кафтларига қўйганича эгилиб турди. Бошлиқ унинг «Меҳнат дафтарча»сини варақлаб кўрди, паспортига ёпиштирилган қизлигидаги суратини завқ билан томоша қилди.

— Қизлигингизда чиройли экансиз-а?

Хуморхон бош қимирлатиб, ҳиринглаб кулди. Солижон аканинг қисиқ кўзлари жувоннинг уч бурчак қилиб ўйилган кўйлаги ёқасидан кўриниб турган семиз кўкракларига тушди.

— Хуморхон, бу паспортингиз топ-тоза-ку?

— Ҳа, нимайди?

— Бу... турмушга чиқмаганларми, дейман?

— Қизиқмисиз, Солижон ака, эрни бошимга урамани тўрт куплик дунёда...

Бошлиқ бирданига «чатоқ-чатоқ», демоқчи эди, лекин бир марта «чатоқ» деди холос. Бир оздан кейин мулойим, ҳаяжонли овозда «ростини айтганда, жуда тўғри қиласиз, Хуморхон», деб қўшиб қўйди. Хуморхон қош учириб, лабларига нозли табассум югуртди. Солижон ака оппоқ дастрўмол чиқариб, чуқур ажинли манглайн ва қисқа бўйидаги терларини артди.

— Сизнинг ишингизни нима қилдик энди?..— деди у.

Хуморхон унга илтижоли табассум ҳадя этиб турарди. Солижон ака бўғиқ ҳаяжон билан:

— Уйда ким билан турасиз?— деди кўзларини жавдиратиб.

— Ким билан бўларди?— деди Хуморхон шахло кўзларини «фикрингизни тушуниб турибман» қабилида ёлғондакам таҳдид билан ўйнатиб.— Бир ўзим.

Солижон ака пихиллаб кулди, Хуморхон ҳиринглади. Сопол товоққа чиппи коса теккандек бўлди.

Қоронғи тушгач, йирик панелли биополардан бирининг учинчи қаватида бир хонали уйда Хуморхон Солижон ака-ни иссиққина қарши олди. Солижон ака зинапоядан кўтарилгунча анча ҳарсиллаб қолган эди. Шунинг учун ҳам «Қир...раверайми?» деди у чап кўкрагини сийпаб пичирларкан. Хуморхон унинг қўлидаги совға-саломини олиб ичкарига бошлади. Чоққина уй дид билан безатилган. Икки деворда ва полда бир хил қизил гилам. Унг томонда диван, тўрда баланд-баланд пар ёстиқлар, каравот. Ўртадаги стол усти ясатилган. Столга иккита юмшоқ стул тираб қўйилган. Солижон ака тўрдаги стулга талтайиб ўтираркан:

— Ёмон иссиқлаб кетдим!— деди, тақир боши ва қисқа бўйинини артиб. Хуморхон меҳрибонлик билан «ҳозир вентилятор қўяман», деди. Пойгак томондаги буфет устида вентилятор ғириллаб айланди. Солижон ака олди қўш чўптакли кўйлагининг тугмаларини ечиб, кўпчиган хамирдек майкали қоринини чиқариб ўтирди. Хуморхон уни еб-ичиб ўтиришга таклиф этди. Тузланган бодринг, муз солинган айрон, яхна гўшт, колбаса ва шўрак солинган ликобчалар меҳмон томон суриб қўйилди. Ниҳоят, қоғозга ўроғли шишадан қилқиллатиб иккита мўъжазгина қадаҳчага коньяк қўйилди. Хуморхоннинг «Мен ича олмайман, акажон, жон ака!» дея позлашининг қарамай, Солижон ака унга зўрлаб икки марта қадаҳ сўнишга муяссар бўлди. Ўзям уст-устига ичиб олди. Бир пайт Хуморхон туз учун буфетга қараб бораркан, Солижон ака орқага ўгирилмасдан унинг нозик панжаларидан ушлади. «Э, қўйинг... яхши эмас», деди Хуморхон қўлини истамасдангина тортиб олиб. Тузни келтириб салатга сепди. У энди ўтирувдямки, Солижон ака унинг юмшоқ билакларини сийпалаб, кейин қаттиқ қисди.

— Воей... қўлингиз мунча қаттиқ!

— Ой-ой, кечирасиз жоним, қўлгинам синсин!— Соли-

жон ака яна сийпалашга тушди. У қўлини секин-секин силлиқ елкалардан нозик белга томон тушира бошлади. Хуморхон қаршилик кўрсатарди. Бир пайт нима ҳам бўлди-ю, Хуморхон силтаниб туриб эшикдан чиқиб кетди. Солижон ҳам ўрнидан қўзгалди. У эшик олдига бориб сичқон пойлаган мушукдек кўзларини чақчайтириб турди, хонага Хуморхон қайтиб кирганида Солижон ака чаққонлик билан унга рўбарў бўлди. Жувоннинг нозик қўллари устидан бесўнақай қучоқлади. Жувон эркаланиб, унинг елкасига бош қўйди.

— Баданингиз муздаккина бўлибди!— деди пичирлаб. Ҳақиқатан ҳам вентилятор шамоли Солижон аканинг терли баданини анча совутган эди. Лекин Хуморхоннинг «баданингиз муздаккина бўлибди», деган сўзлари негадир уни ўйлатиб қўйди, юрагига бир ваҳм солди. Чунки, у бошқа аёлларни қучоқлаганда ҳар сафар «Мунча иссиқсиз?» деган нозни эшитарди.

— Сиз ўзимизда... ўзимизда отдел кадр бўласиз,— деб пишилларди у Хуморхонга.

Солижон ака яна «баданингиз муздаккина бўлибди», деган гапни эслади ва мажбурий кайфиятда Хуморхонни пича бағрига босиб турди. Кейин секин ўзидан итарди-ю, унга қарамасдан, курашда йиқилган полвондек қип-қизарганича стулга бориб ўтирди. Бошини солинтириб узоқ ўтиргач, чуқур бир «ух» тортиб, ерга қараганича ташқари чиқиб кетди.

Хуморхон ўзини диванга ташлаб, ҳўнграб юборди. У кўп нарсаларни эслади: бундан беш йилча олдин уришиб чиққан, ҳозирда фан кандидати эрини, ўтган йил давлат цирки билан келган муаллақчи йигитни, уни бир йилча алдаб юриб, охирда ишдан бўшатган ресторан директори ни ва яқиндагина учратган студент йигитни... Ҳаммасидан ҳам унга ана шу қалби беғубор йигит ёқиб қолган эди. Хуморхон яна йиғлади. Йиғлаб туриб, уч йилча олдин курортда бўлганини ва у ердаги кайфу сафоларини бир-бир хаёлидан кечирди. Яна бир оз ўтгач, кўзига дугона-

си Нигора кўриниб кетди. Унинг «Солижон ака ухажур эканлар...» деган сўзларини эслаб, ундан ҳам, ўзидан ҳам ва ҳозиргина чиқиб кетган Солижон акадан ҳам қаттиқ нафратланди...

Эртасига у бошлиқ ҳузурига ҳеч нарса билмагандек хандон отиб кирди.

— Ассалом, Солижон ака!

— Мен сизга ака эмас, мен Солижон Қаримовичман, — деди бошлиқ четга қараб тумтаяркан.

— Нега?

— Мен ака эмас, Солижон Қаримовичман!

— Қизиқ, нима фарқи бор, ахир?

Солижон Алиев индамади. Лекин бу «фарқ»ни Хуморхон яхши биларди: тўрт ярим мучални паққос уриб қўйган, умри маишатбозлик билан ўтган Солижон Алиевни ёшгина бир қизнинг «ака» деб жилмайиб туриши кечаги хижолатпазликдан кейин унга ҳақоратдек туюлган эди.

Ҳар қалай, Солижон Алиев Хуморхоннинг оғзини «мумлаш» учун уни парҳезлар ошхонасига кассир қилиб тайинлади.

Фотиҳа

Эшик қўнғироғи босилди.

Кичик хонадаги йиғма каравотда чўзилиб ётган ёш шоир Муҳаммаджон эринибгина кўзини очди-ю, қайта юмди. Яна қўнғироқ жириглади. Бу гал унинг кўзлари катта очилиб кетди, ўрnidан сакраб турди. У эски шим ва елкаси йиртиқ кўйлақда эди. Қўли билан тўзгиган қалин сочларига оро бериб, деразага ўгирилди. Ташқарида қуёш ботган, қоронғулик тушиб келарди. «Ким бўлдикин?» У хаёлини ҳали йиғиштириб олмаган ҳам эдики,

— Лаббай, ҳоззер...

Муҳаммадҷон оёғига шиппакни кийиб, шошилиб даҳ-лизга чиқди-ю, чироқни ёқди. Ҳали эшикни очмасданоқ «ҳа, хайрият, уйда эканлар, чироқ ёнди», деган сўзларни эшитди. Эшик очгач, рўпарасида икки кишини кўрди: улардан бири ўрта бўй, япалоқ юзли, чипор костюм кийган қўшниси — Арабжон, унинг орқасида яна бир бақалоқ одам турарди.

— Кечирасиз, шоир! — деди Арабжон бошидаги оҳорли чуст дўпписини олиб қайта кияркан. — Узр, безовта қилдик.

Муҳаммадҷон у билан кўришаркан, хаёлидан «кайфи борга ўхшайди, ароқ ҳиди келаяпти», деган фикр кечди. Лекин сир бой бермай Арабжоннинг қўлидан ушлаб, ичкарига бошлади.

— Қани, марҳамат, уйга кирайлик!

Арабжон ўзини орқага тортиб, бир оз ташвишли овозда:

— Йўқ, бошқа вақт, — деди ва яна дўпписини олиб қайта кийди, — тез кийиниб чиқинг, бир фотиҳага бориб келайлик!

Муҳаммадҷон иккилашиб қолди. Шу топда кеча чала қолган шеърини давом эттириш кераклигини ўйлади.

— Кимга, тинчликми? — сўради у уйқули кўзларини уқалаб.

— Тинчлик, — Арабжон «уф» тортди, — геологияда ишлайдиган Нурилла акамнинг ойилари дунёдан ўтибди.

— Қайси Нурилла ака?

— Манови тўртинчи домда турадилар-ку, чекка чочлари оқ, семиз киши.

Муҳаммадҷон бу жойга яқинда кўчиб ўтгани учун ҳам кўп кишиларни танимас эди. Фақат Арабжон билан бир-икки марта автобусда бирга кетишган, йўл-йўлакай бир кружкадан пиво ичишган эди. Шунинг учун ҳам гапни кўп чўзмасдан сўради:

— Ойилари қачон вафот этибди?

— Тушдан кейин... соат бешларда, — деди орқадаги

бақалоқ киши.— Балисадан келтирган бўлсалар керак.

— Бўлинг, шоир!— деди Арабжон бир оз чайқалиб.— Тезроқ кийиниб чиқинг, энди бундай маҳаллага ҳам қўшилб туриш керак-да, мусулмон фарзандимиз ахир.

Муҳаммаджонда негадир ҳафсала йўқ эди. У кунбўйи ишлаб чарчаган, бунинг устига бир оз мизғиб олиб, чала қолган шеърини давом эттиришга ўзини чоғлаётган эди.

— Бугун вафот этган бўлсалар, эртага чиқарсалар керак-да?— сўради у. Арабжон бетоқатланди, асабийлашиб дўпписини олиб қайта кийди. «Дўппи кийишга ўрганмаган... яхши деталь», хаёлидан кечирди Муҳаммаджон.

— Бу билан бизнинг ишимиз нима?— деди Арабжон койиниб.— Бугун чиқарадиларми, эртага чиқарадиларми, бизга бари бир. Лекин Нурилла аканинг ҳурмати. Энг яқин дўстлари бўлганимиздан кейин, марҳумнинг боши устида бирга туришимиз керак.

— Фотиҳа қаримас, деганлар. Эртага бора қолайлик,— илтимос қилди Муҳаммаджон.— Тўғри, лекин бир оз ичган эдим, яна чолларнинг кўнглига келиб...

Арабжон хихирлаб кулди.

— Оббо сиз-э, шоир!— деди Муҳаммаджоннинг елкасига қўл ташлаб.— Ҳали шунгами? Ҳеч зарари йўқ, мана биз ҳам, апа бу акангиз... Ҳа, дарвоқе бу кишини сизга таништираман. Бу киши Қимсан ака. Дўконда мудирлар. Ҳа балли, чорраҳадаги сабзавот дўқонида ишлайдилар. Шу киши билан иккита «мўйсафид»ни қоқладик. Қани, бўлинг тез, кийиниб чиқинг. Битта костюм, битта дўппи кийсангиз бўлади. Ҳар қалай, мусулмончилик.

Муҳаммаджон ноилож кийиниб чиқди. Улар автобуска чиқишгач, Арабжон «қани, шоир, билетга тўлаб юборинг», деди. Муҳаммаджон учта билет олиб, қайтиб бўйи ўриндиқлардан бирига ўтирди. Йўл бўйи Арабжон бу йил институтда қабул комиссиясида ишлагани, катта-катта жойларда ишлайдиган кишилар ҳам унинг ҳузурига бош

уриб келганлиги ҳақида гапириб борди. Машинадан тушгандан кейин анча ергача пиёда кетишди. Қимсан ака пишиллаб Арабжонга етиб юришга ҳаракат қиларди.

— Энди бизам шу ўғилни сизнинг институтингизга қўймоқчимиз-да, домла,— деди у палағда овозда.— Лекин ҳали ёнимиздаги завмаг — Исмат бор-ку, ўша: «Ўғилни институтга қўймоқчи бўлсангиз икки минг сўм тўпланг!»— дейди. Бор уёнга, дедим. Бизни қўшнимиз Арабжон институтда кандидат, бир иложини қиладилар, дедим. Тўғри дебманми?

Арабжон кула-кула, мақтапчоқлик билан жавоб берди.

— Тўғри, тўғри. Лекин бизни институтга билими борлар киради... ва яна бир ёғи ўзимизнинг қўлимизда.

Улар катта асфальт йўлдан юз метрча юриб, ўнгга қайрилишди. Бир-бирига қараган катта-кичик дарвозалар пештоқидаги чироқлар ёнган. Йўлнинг икки четидаги ариқчаларда сув шилдирайди. Уч дарвоза ўтилгач, бошқаларига қараганда каттароқ лампочка қўйилган тўртинчи дарвоза олдида ўнтача стул териб қўйилган эди. У ерда бир хилда тўн, дўппи кийиб, бел боғлаган икки йигит ўзаро паст овозда суҳбатлашиб ўтиришарди. Уларнинг маъюс илтифотлари билан келувчилар ичкарига киришди. Каттакон ҳовли. Уртада гулзор. Баланд, гишт терилган супада ҳам шол ёзиғлик. Уларни юқоридаги уйга бошлашди. Арабжон зинадан баланд супага чиқаверишда депсиниб кетди. Тиззаси зина қиррасига тегиб, қаттиқ оғриди шекилли, «Иҳ!» деди-ю, мулкиб кетганда қўлига учиб тушган дўпписини бошига қайта кийди. Уйга кирдилар. Икки қатор дастурхон ёзилган. Дастурхондаги баркашларда нон, қанд-қурс ва майиз. Тўрда мўйловли, юзи бурма, мошранг дўппи кийган бир киши мулкайиб ўтирарди. У қуръон тиловат қилди. Арабжон ерга тикилганича бош чайқаб ўтирар, Қимсан аканинг лаблари пичирлар, Муҳаммаджон эса маъюс, юрагига ажиб бир аламли оҳанг қуюлиб, бир йилча олдин қишлоқда вафот

этган онасини ўйлаб ўтирарди. Ниҳоят кафтлар бетга суртилди.

— Кампир неча ёшда эканлар?— сўради Арабжон чуқур сўлиш олиб. Ҳали дарвоза олдида бошлаб келган йигитлардан бири йиғламсираб жавоб берди.

— Ойим эмас, Хайрулла акамдан айрилдик!— деди кўз ёшларини артиб. Арабжон билан Кимсан ака барабарига «Йўғ-э!» деб юборишди. Кейин Арабжон:

— Қачон?!— деди даҳшат билан. Лекин бу даҳшатда қандайдир сохталик борлиги Муҳаммаджоннинг эътиборидан четда қолмади.— Ахир бизларга кампир қазо қилдилар, дейишди-ку?

Йигит ўнг қўли билан кўзларини беркитди. Унинг елкалари силкинар эди.

— Бугун эрталаб шундай бўлди,— деди у пиқиллаб йиғлаб.— Нурилла ака қўрқмасинлар деб, домга шундай хабар юборган эдик.

Марҳумнинг ўттиз саккиз ёшда тўсатдан вафот этгани, ундан иккита ёш бола қолганини эшитган Муҳаммаджоннинг юраги ғуссага тўлди.

Чиқаверишда даҳлизнинг пойгакка яқин ерида бўй ойна турарди. Арабжон бепарво ўгирилди-ю, ойнага қараб туриб дўпписини қайта кийди, ундан тошиб чиққан сочларини тузатиб, елкасини учириб қўйди.

Муҳаммаджоннинг қошлари чимирилди:

«Эси паст,— ўйлади у,— тўйга борасан-а?»

— Нурулла аканинг ўзлари кўринмайдилар?— сўради Кимсан ака эшикдан чиқаётиб. Йигитча бўғиқ овозда:

— Балисага, ойимни кўргани кетдилар!— деди.

Дарвоза олдида Арабжон йигитчаларга тайинлади.

— Нурулла акамга айтиб қўйинглар, домдан Арабжон акамлар келди деб. Эртага вақт бўлса, яна келармиз.

Катта асфальт йўлдан машиналар физиллаб ўтиб турарди. Улар чопганларича йўлни кесиб ўтиб, қуйидаги йўлқадан ниёда юриб кетишди. Баланд симёғочлардаги неон чироқлардан дарахтлар оша нур эланади. Оёқлари

остида хазонлар шитирлайди. Арабжон бошидан дўппи-сини олиб буклади-да, ён чўнтагига соларкан:

— Дўппи ўз вазифаларини ўтаб бўлдилар,— деди ҳазил аралаш.— Энди мусулмончилик, киймаса бўлмас экан.

Муҳаммаджон ранжиган овозда жиддий гапирди.

— Ҳали мусулмончиликни буклаб чўнтакка урдик, денг?

— Ҳа-ҳа, олдингиз шоир, олдингиз!— деди ялтоқла-ниб.— Қани, қўлни беринг!

Муҳаммаджон ўзини эшитмаганга олди. Ҳатто, «дўппи кийиш мусулмончилик эмас — ўзбекчилик, арабларда дўппи бўлмаган», деб мунозара ҳам бошламоқчи бўлди. Бироқ, тарафининг заифлигини эътиборга олиб, қўл силкиб қўя қолди.

— Э, қўйинглар бу гапларни,— деди Қимсан ака дардли овозда.— Аммо, лекин, Хайрулла шўрлик жуда ёш кетди-да. Яқиндагина «Жигули» олувди-я бечора йигит.

Арабжон «да» деди. Яна анча ергача жим кетишди.

— Катта бўлишса, ўғиллари минар!— деди Қимсан ака ўз-ўзига гапиргандай.— Ҳеч маҳал Нурилла акага беришмас.

Арабжон кулгигаям, йиғигаям, афсусгаям ўхшамайди-ган «пҳнг!» деган овоз чиқарди-да:

— Хотини бериб бўпти!— деди оёғига илашган консерва қутисини даранглатиб тешиб.— Яна билмадим-у, Хайрулла шу хотиннинг жавридан ўлган бўлса керак. Жа заҳар-да... лекин... ўзиям мана бундай гўзал жувон!— бош бармоғини кериб кўрсатди Арабжон.— Юришлари мана бундай,— орқасини бир оз чиқариб, қўлларини ён томонга кўтарганича, қийшаанглаб юриб кўрсатди у.

Муҳаммаджон унинг ноўрини қилиғидан ижирғаниб, четга қаради. Қимсан аканинг башарасини қоронғида унчалик кўриб бўлмас эди.

— Кассадаям пулни қўп бўлса керак,— деди яна Қимсан ака,— раҳматли жуда топармон йигит эди.

— Ҳаммаси бир пул!—қўл силкиди Арабжон.— Тўплагани кимга қолди?

— Болаларига, хотинига.

— Бэ, ҳалиям гўдакдай гапирасиз-а, Қимсан ака!— деди Арабжон писандсиз.— Болаларига қолиб бўпти. Лекин хотинига қолади деганингиз бошқа гап. Бунга ишонса бўлади. Еш хотин шундай ўтиб кетади дейсизми? Бугун-эрта битта барзангини топиб олиб тегади-ю, айшини суриб юраверади. Нарсанинг ҳузурини ҳам, машинанинг ҳузурини ҳам ана ўша худо ёрлақаган барзанги кўради... Э, қўйинг, кўп гапирманг, тирикликнинг қадрини билш керак. Бари бир ўлар дунё, ўйнаб қолинг, биродар...

Муҳаммаджон негадир Арабжонни ёмон кўриб қолди. Одам ҳам шунчалик тез ўзгарадими-я? Ҳалигина йиғламсираб турувди. Бирпаснинг ичида овозиям, гаплариям ўзгарди қолди. Муҳаммаджон унинг изидан ҳорғин қадам ташларкан, Арабжоннинг қоматига разм солди. Унинг қўллари чипор костюмининг чўнтаклариди, костюмининг орқа чоки икки томонга йирилиб, хотинчалиш-заифона кети ликиллаб борарди. «Гаплари эркакча-ю, қомати хотинларникидек», ўйлади Муҳаммаджон.

Уларнинг ёнидан икки йигит билан икки қиз бир-бирини қувалаб ўтишди. Шунинг учун ҳам гап яна анча ергача қовушмай борди.

— Келганимиз жуда яхши бўлди!— деди Арабжон мамнун бир овозда.— Ҳар қалай мусулмончилик, Нурулла ака хурсанд бўладилар...

— Албатта!— деди Қимсан ака йўталиб олиб.— Бари бир эртагаям келардик. Бу Хайрулла қандай бўлиб тўсатдан вафот қилди экан-а? Сўраш ҳам ноқулай бўлди.

Арабжон бекатнинг нариёғидаги «Озиқ-овқат моллари» магазинига кўз ташлаб туриб, «бу эртага маълум бўлади», деди хаёлчан. Ҳадесганда автобус келавермади. Бир пайт Арабжон «ҳозир» деди-ю, магазин томон югуриб кетди. Хиёл ўтмай қайтиб келди. Унинг оғзи тўла кулги,

қисік қув кўзлари айёрона милдирар, чипор костюмининг кўкраги эса қаппайиб турарди. Қимсан ака:

— Бу нима?— деди унинг кўкрагига нуқиб.

— Ҳалигидақа!— Арабжон танглайга тилни теккизиб, ғалати овоз чиқарди.— Ахир, ҳалиги жойга бе «кавшар» бориб бўларканми?

— Қаерга?

Арабжон Қимсан акага жилмайиб кўз қисди. Қимсан ака «ҳм» деди-ю, тескари ўғирилди. Муҳаммаджон гўё ўз хаёллари билан банд эди. У арзон «Памир» қутисидан охирги сигаретани олиб, лабига қистирди-да, бўш қутини фижмлаб кўкатлар орасига ирғитди.

— Сигаретангиз қанақа?— сўради Арабжон.

— Памир!

— Вой, бечора шоир-эй, гонорар олмаганларми дейман,— деди у ачинган овозда, кейин чўнтагидан битта «БТ» сигаретасини олиб узатди.— Манг, чексангиз қимматидан чекнинг, мен ўзим чекмайману, бир кишига атаб... қўяверинг, ўзингизда қолсин, менда яна бор...

Муҳаммаджон сигаретани қайтармоқчи бўлди, кейин пегадир юмшаб, миниатдор бир кўриниш бериб, чўнтагига солиб қўйдди.

— Ҳо, ана, саккиз келаяпти,— деди Қимсан ака.— Одамням кам шекилли.

Автобус келиб тўхтади. Ундан яна анча киши тушди.

— Хўп, хайр сизларга!— Арабжон қўлини боши бараварига кўтарди.

Муҳаммаджон ҳайрон қолди.

— Қани, юрмайсизми, Арабжон ака?— деди у юриб кетаётган автобусга шошилиб чиқаркан. Арабжон жилмайгандек бўлди.

— Кейинроқ борарман!— бармоқларини пилдиратди у.— Хайр!

Қимсан ака билан Муҳаммаджон янги кварталга келиб тушишди. Ҳали бу ерларнинг йўли нотекис эди. Чироқлар ёндирилмаган. Қимсан ака телефон кабели учун

қазилган ариқдан сакраб ўтди. Унинг изидан Муҳаммад-жон ҳам. Кейин иккаласи барабар юришди.

— Арабжон яхши йигит-у,— деб қолди Қимсан ака паст овозда,— лекин битта айби бор-да.

— Қанақа айб?

— Бир оз суyoқ оёқроқ,— деди Қимсан ака афсус оҳангида.— Бўлмаса, яхшигина хотини бор, учта боласи билан. Биласизми, ҳозир қаёққа кетди?

Муҳаммаджон «билмайман» деган маънода елка қисди. Қимсан ака яна пастроқ овозда шипшиб гапирди.

— Мен сизга айтсам, битта афисантка хотин билан юради, яна ўзи эшитмасин, ўшаникига кетди... Уйда хотинига Нурилла аканикида ётиб қоламан, деб чиқувди.

Муҳаммаджоннинг бошидан бир челақ қайноқ сув қуйилгандай бўлди. Тишлари қаттиқ қисилиб, ғижирлаб кетди. Қўли беихтиёр чўнтагига югурди. Чеккиси келган эди. Қўлига ҳали Арабжон инъом этган сигарета илиниб қиқди. У сигаретани аввал очмоқчи ҳам бўлди, кейин жаҳл билан бир телиб учуриб юборди. Қимсан ака билан нохушроқ хайрлашиб, ўз йўлагига бурилди. «Вой нокас-эй,— деб ўйлади у зиналарни бир-бир босиб юқори кўтариларкан,— бир қўлида шакар-у, бир қўлида заҳар деб шундайларга айтишса керак. Ёлғиз боришга эриниб, бизларни ҳам судраган экан-да...»

Муҳаммаджон хонага кириб, стол лампасини ёқди-ю, ечинмасданоқ стулга ўтирди. Столда кечаги чала қолган шеърининг хомаки нусхалари сочилиб ётарди. Қўлига ручкани олиб, узоқ ўйлади: «Ана сенга мусулмончилик, мана сенга фотиҳа!» деди у пичирлаб. Кейин оппоқ қоғоз бетига алланималарни чизиб ўтирди: чиройли каллалар... тиржайган оғизлар... ёш томчилаб турган йирик кўз... чойнак-пиёла... тулкининг попукли думи...

Муҳаммаджон қоралаган варақни ғижимлаб саватга ташлади-ю, янги қоғоз олди, ўша мажҳул кайфият билан дона-дона қилиб биргина сўз ёзди-да, учта хитоб қўйди:

«Фотиҳа!!!»

Бу — марҳумга эмас, Арабжон билан ораларида эн-дигина туғилиб келаётган чала ўлик муносабатга ўқилган фотиҳа эди.

Шайтонга ҳай

Мактаб ҳовлисидаги тахта ўришда университетни шу йил битириб келган йигирма уч ёшли ўқитувчи қиз Малоҳат ўтирибди. Унинг нигоҳи девор томоннинг бўса-ғаси остидаги уясида бир кафтча майин, сарғиш тупроқни чиқаришга улгурган гардак чумолиларга қаратилган. «Бир муддатлик қуёш уларни шундай меҳнатга чор-лаяпти»,— хаёлидан кечирди у. Ҳовли ўртасидаги кичкинагина гулзорда ивирсиб юрган табиёт ўқитувчиси Ашрафжон Солнев бир кўзини қисиб осмонга қаради:

— Ҳаво бугун исийдиганга ўхшайди,— деди Малоҳатга ва жавоб ҳам кутмай қўшиб қўйди.— Қўйинг, майли, исисин-э. Ахир баҳор ўтиб борапти...

Малоҳат ҳам ювилган қора атласдек, олачалпоқ булутлар орасидан мўл-кўл нур сочишга ҳаракат қилаётган қуёшли осмонга боқди.

— Қуёшни яхши кўраман-да,— деди у ўрнидан туриб, этакларини сийпаб қўяркан,— қуёш бўлмаган кунлар юрагим «тарс» ёрилай дейди.

Ашрафжон кулди. Гулзордан чиқиб этикларини нари-бери қоқди, кейин соатига қаради.

— Малоҳатхон, соатингиз неча бўлди? Бурамабман...

— Э, қўйинг, соатни нима қиласиз?

— Навбатчинман... чиқишга қўнғироқ уриш керак.

— А, бундай денг, икки минут бор... э тўхтанг! Ҳа, чалаверсангиз ҳам бўлади.

Малоҳат ўқитувчилар хонасига кириб кетди. Қўнғироқ янгради. Мактаб ҳовлиси охириги соатдан чиққан болаларнинг қий-чувига тўлди. Малоҳат болаларни деразадан кузатиб тураркан, беихтиёр кулиб қўйди. Ўзи тенги

сумка кўтариб олган, пак-пакана, сербар жағи бурни билан барабар тарих ўқитувчиси Карим Салохович идора томон келарди. Ўқитувчилар унинг паканалиги учунми, ёки бўлар-бўлмас масалага аралашиб «активлик» кўрсатгани учунми, орқаворатдан «Тьер» деб юришарди. Малоҳат бўлса у билан доимо ҳазиллашар, иложини топдим дегунча аскияга оларди. Карим Салохович идорага киргач, биринчи бўлиб кечадан бери кўришмаган жисмоний тарбия ўқитувчиси Темуржон билан саломлашди:

— Салом, полвои! Локигини кўришганда этика сақлансин!— деди у Темуржонга қўл узатаркан.— Ия, ой, нима қиялсиз? Билдик, зўрсиз... вой... вой... вой!..

Малоҳат уларни кузатиб тураркан, дераза ёнидан яқинроқ келди.

— Упкангизни босинг-э, кўришишга тоб бера олмаган эркак!— деди Карим Салоховичга. Қип-қизариб кетган Карим Салохович бўлса ўнг қўлини чап қўли билан сийпаб, учига қон қуйилган кўкиш бармоқларига куҳларди.— Яна тарихдан қаҳрамонлик, мардлик ҳақида лоф ҳам урасиз-а?

— Танаси бошқа дард билмас-да, ойим қиз!

— Ҳали шундайми?— Малоҳат ингичка бармоғидан олтин узугини суғуриб олди.— Темуржон, бери келинг, аяб турманг, салом!

Физкультура ўқитувчиси кулиб юборди. Кулгидан аранг тўхтаркан, Малоҳатга писандасиз қаради. Қиз унинг кўзига жиддий қараб турарди.

— Қўйинг, она, яна бирор кор-ҳол...

— Келинг деяпман, салом!

— Хўи бўлмаса, рўмолчангизни тайёрлаб туринг, кўз ёшингиз оқиб...

— Олинг, кўп қақилламамг!

Темуржон Малоҳатнинг қўлини йирик кафтлари орасига олиб қиса бошлади. Узоқ қисди, ингичка бармоқларини бир-биринга миндириб қисди. Малоҳат миқ этмасди. Ҳамон шаҳло кўзлар билан унга қараб турарди. Қизнинг

жағ суяқлари бұртиб чиқди, лекин овози чиқмасди. Ҳамма уларни ўраб олган эди.

— Э, бўлди... Бало экансиз, қойил!— Темуржон қизнинг қўлини қўйиб юборди. Ҳамма чуқур нафас олди. Қарим Салохович бўлса аяч бир қиёфада дикиллаб қолди:

— Қани-қани, муборак бармоқларини бир кўрсатсинлар!

— Нимасини кўрасиз!— Малоҳат жаҳл билан қўл силтади. Қарим Салохович аскияга олди:

— Мен буларга айтсам: Малоҳатхонда эркаклик хислати кўп деб, булар ишонишмайди.

Кулги кўтарилди. Малоҳат ҳам кулди:

— Тўғри айтдингиз, менда эркаклик, сизда хотинлик хислатлари кўп!

Ҳали бошланган кулги қаҳқаҳага айланди. Қарим Салоховичнинг супра қулоқлари пуштиранг тус олди. Малоҳат дафтарларини йиғиштира бошлади. Кейин Ашрафжонга «кетдик» дегандек бош силкиди. Иккаласи сўзсиз чиқиб кетишди. Хона жимиб қолди. Ҳаттирланларининг диққатини Темуржоннинг овози бўлди.

— Басвой қиз, ўлай агар...

— Басвой қиз-у, битта шариги етишмайди,— деди Қарим Салохович. Бу гапга ҳеч ким бир нарса демасди.

Малоҳат билан Ашрафжон қишлоқ оралаб анҳор бўйига чиқишди. Уларда баҳорнинг бўтана сувларига тўлиб оқаётган анҳорини кузатиб кетини ҳаваси туғилган эди. Малоҳат олдинда ерга қараб ўйчаң қадам ташлар, Ашрафжон бўлса, булут ёнирилиб келаётган осмонга тикилиб борарди. Катта қувур кўприкдан ўтиб, анҳорнинг иккинчи юзидан кетишди. Бир оз юргач, ажойиб бир шилдираш эшитишди. Кекса чоллардек беозор ёнбошлаган қари тол танасидан бачки отган кўм-кўк позик новдалар сувга тегиб турар, сувнинг пишқириб оқишидан ҳаракатланар, ажиб бир овоз чиқарарди. Малоҳат ажабсиниб тўхтаб қолди.

— Ашрафжон ака, шу тол устида бир оз ўтирмаймизми? Қаранг, худди сўридег-а?

— Майли.

— Ҳеч гап бўлмас, а?!

— Қанақа гап?

— Одамлар...

— Э, одамларни қўйинг,— Ашрафжон оёқларини осилтириб, Малоҳат энгагини тиззасига тираб ўтирди. У пишқириб оқаетган анҳорга бир муддат маъносиз тикилиб тургач, беихтиёр гап бошлади.

— Ашраф ака, эҳтимол, бу савол берилавериб сийқаси чиқиб кетгандир. Мен ҳам шу саволни сўрашга...

— Қандай савол?

— Сиз... сиз севгини қандай тушунасиз?

— Севги, муҳаббат — бу нима десам экан, энг олижаноб туйғу! У кишиларни меҳнатга, гўзалликка илҳомлантиради... ҳаётини гўзал қилади. Нимаиди?

— Мен севгига ишонмай қўйдим, назаримда у йўқ. Наҳотки, шундай бемаъни гаплар мендан чиқса? Қизинг-а? Ана кўраяпман, сизам ажабланиб қараяпсиз менга. Йўқ, ажабланманг, инсон жуда мураккаб нарса! Унинг кайфияти тез-тез ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам у юритадиган фикрлар турли-туман бўлиши табиий! Хўш, кетамизми энди?

— Йўқ, гапираверинг, буёғига бекормиз-ку.

Малоҳат Ашрафжоннинг ҳайратомуз боқиб турган кўзларига, билинар-билинимас ташвиш акс этган юзига боқиб, чуқур хўрсинди.

— Биласизми, яқинда хат олдим... келинг, бошдан айтмасам... Мен дунёда бир кишини, фақат бир кишини ҳурмат қилардим, ўшангагина бош эгардим. Характеримни биласиз-ку, эркак зоти билан қанақа олишаман. Негадир эркакларни кўрсам гап билан узиб олгим келади. Бу хислатнинг қачон пайдо бўлганини эслай олмайман. Эҳтимол этамнинг ойнидан ажралиб, бошқага уйланиб кетгани сабаб бўлган бўлса керак. Университетда ўқиб юрган

пайтларимда ҳам манман деган йигитларни, ҳатто ёшроқ ўқитувчиларимни ҳам гап билан мот қилардим. Фақат, фақат ўша йигит олдида лом-мим дея олмасдим. Уни кўрдим дегушча шундай камгап, шундай уятчан бўлардимки, асти сўраманг! Узиям келишган эди қурғур: бўйи сиздан сал баландроқ — биласиз-ку, қизлар бўйи баланд йигитларни кўпроқ ёқтиришади — манглайи кенг, сочлари қопқора, қўнғироқ эди. Уям мени севарди. Иккаламиз бир-биримизга катта ҳурмат билан қарардик. Уф! Нимасини сўрайсиз! Ҳозир ҳам ҳурмат қиламан уни! Нима қилишимни билмай қолдим: севгимга арзимади у! Эсиз-а, эсиз-а, энди менга бари бир! Лекин мен уларга ўзимнинг ҳақлигимни исбот қиламан! Эй, йигитлар, йигитлар, наҳотки, тақдирга нисбатан шунча бепарво бўлсангиз! Ахир менидан нимаси ортиқ Мавжуданинг?! Ҳа, Мавжуда деган энг яқин дугонам бор эди. Сатқайи яқин деганим кетсин! Асад бизникига келганда шу Мавжудахон бизни ҳоли қолдириб чиқиб кетарди. Билмадим, дугона-дугона деб бахтимга чанг солган экан, у жодугар...

Ашрафжон секин қўзғалиб, йўталиб олди. Қари толдан айрилган пўстлоқ «шип» этиб сувга тушди. Малоҳат ҳам сувга эътиборсиз қаради-ю, сергакланди.

— Йй, тўхтанг, мен бу гапларни нега сизга айтаялман?

— Ҳеч хавотирланманг, менга бўлмаса, кимгадир...

— Йўқ, Ашраф ака, мен бу гапларни қизларга айта олмайман, уларга ишонмайман. Битта ишонганим, энг яқин сирдошим — Мавжуда бўлса, севган йигитимни тортиб олди. Узим бу ёқда эдим-да. Мен бу ёққа келгач, улар алоқани мустаҳкамлай бошлашган... Ҳа, менга бари бир, кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Яна бу гапларни бировга айтиб юрманг, Ашраф акажон!

— Йўғ-э. нима деяпсиз!

— Лекин у — номини тилга олишга ҳазар қиламан — менинг бошимга қанчалик ғовға солган бўлмасин... Йўқ-йўқ... ҳалиям ҳурматим бор унга! У айбдор бўлмаса ке-

рак. Асад ҳурматга лойиқ йигит эди... Ҳай, туринг бўлма-са Ашраф ака, кетдик.

Улар ўринларидан секин қўзғалишди. Осмон ҳам худди шуни кутиб тургандек Малоҳатнинг қуюқ қошлари оша узун киприкларига дастлабки томчисини ташлади...

Малоҳат бирон ойча хаёлчан юрди. Баъзида у бировга савол берар экан, кейин жавобига қулоқ ҳам солмасдан туриб кетар, гап орасида тўсатдан кулиб юборар ёки «шуям гап бўлди-ю», деб лабини масхараомуз бурарди... Фақат кўнглидаги сирини Ашрафжонга айтарди. Унинг фикри-хаёли қайси йўл билан бўлмасин Мавжудадан ўч олиш эди. Ичида ўйларди: «Асад мендан қанақа камчилик топдйкин? Тўғри, Мавжуданинг кўзи шаҳлороқ! Яна қаери гўзал унинг? Оёғими, оёғини худо кўрсатмасин: пағачўп. Майли, мен уларга ҳақлигимни исбот қилман,— у ўз-ўзидан куларди.— Ҳе, тентак, нима билан исбот қиласан, ахир? Тўхта, улар тотадиган шавқ сурури — кимдир айтаётган эди «Асад Мавжуданинг елкасидан қучиб кетаётганини кўрдим», деб — ўшаларга насиб қилган сурур менга насиб қилмайдими? Нима, мен инсон эмасманми? Мавжудадан нима кам менинг?..»

— Малоҳатхон, педсовет бошланди!

— Ҳозир кираман, Қарим Салохович.

— Кўзлар йўлингизда нигорон, гўзал қиз!

— Э, боринг, тошингизни теринг!— «Қўймайди-қўймади бу Тьер», дея ўйлаганича унинг изидан кириб кетди. Деразадан тушиб турган қуёш яллиғи директор столи устидаги ойнада жилюланарди. Педсоветда дарсларнинг эф-фективлигини оширишда Ашрафжон Солнев олиб бораётган ишлар ҳақида узоқ гапирилди. Ашрафжоннинг ўзи тажрибалари билан ўртоқлашди. Шу орада Малоҳатнинг дарси ҳақида ҳам ижобий фикрлар айтди. У жуда самимий гапирарди. Орқа столда жимгина ўтирган Малоҳат: «Шу йигитнинг нимаси менга ёқади-я?— деб ўз-ўзига савол берди.— Афсуски уйланган-да! Боласиям бордир. Шунисини сўрамабман. Ўзи ҳам уй ичларидан ҳеч гап

очмади. Ёки хотинига кўнгли йўқроқмикан? — энгил хўр-синиб олди. — Агар кўнгли бўлмаса, шу билан, ҳалиги... э, ўл-э, бешафқат! Нима деб алжираяпсан? — ўзидан қаттиқ нафратланди. Гўё бутун вужуди билан ифлос ҳандаққа тушиб кетаётгандек ҳис этди ўзини. — Худо сақласин! Шундай сирлашиб-суҳбатлашиб юрсам ҳам бўлади-ку!..»

Педсовет узоқ давом этди. Мактаб ҳовлисидаги электр чироғи ёнди. Соат тўққизларда Ашрафжон билан Малоҳатхон бирга-бирга уйларига — район марказига қайтишди. Йўлда Малоҳат Ашрафжонга яқин юаркан:

— Уйга боргим йўқ, — деди.

— Нега?

— Билмадим, — Ашрафжоннинг тирсагидан секин тутди у. — Ҳеч боргим йўқ, зерикаман...

— Бўлмаса юринг, менинг ҳам вақтим бор, айланамиз...

Улар ёнма-ён юриб, ўннга бурилишди. Пахта пункти ортидаги эски кўл ўрнига яшидаш барпо этилаётган хиёбоннинг ҳали асфальт қилишга улгурилмаган йўлкаларидан секин-одинлаб кетишди. Одатда баҳор ёмғиридан кейин қўзғаладиган ёқимли шамол қоронғилик қўйнига чўмган бутун борлиқни аллаларди гўё. Йўл бўйида қорайиб кўринган дарахтларда қушлар хушҳол чуғурлаб, тун сукунاتини бузади. Ашрафжон олдинда қўлларини плашчи чўнтақларига солиб, Малоҳат бўлса ундан сал орқароқда, дуркун кўкракларининг унинг тирсагига теккизиб қадам ташларди.

— Ашраф ака, уйга кетайлик, — деди Малоҳат юзакигина. Ашрафжон бўлса унинг сайр этгиси келаётганини сезган ҳолда хомуш одимларди. — Уйдагилар кутиб қолишмасин сизни! Менга бари бир... Бораман-у, тўшакка чўзиламан.

— Менинг ҳам ҳозир уйда кутадиган ҳеч кимим йўқ, отамлар курортда, хотиним ойисиникига кетган...

— Бир нарсани сўрамоқчийдим, Ашраф ака.

— Сўранг...

— Э, қўйинг!

— Нега энди... қизиқсиз!

— Хафа бўлманг, ҳай... Шу хотинингизга севиб уйланганмисиз?

Улар ҳиёбонга келадиган катта йўлга чиқшди. Бир бурчакка — электр чироғи бўлган симёғоч остидаги скамейкага келиб ўтиргунча Ашрафжон индамади. Қиз ўз саволидан ўнғайсизланди.

— Кечирасиз, ноўрин саволимга, Ашраф ака!

— Йўқ, нега, айтишим мумкин... хотинимга қасд устида уйланганман. Мен севган қиз мени севмас экан, бошқа йигитга турмушга чиқиб кетди. Фақат бир томоннинг севгиси бўлмас экан. Бировларнинг у-бу гаплари: «Ҳа, фалончининг ўғли фалончи қизга совчи юборган экан, улар хотин оладиган кишининг буди-шуди бўлсин, куёв бола қарз-қавала қилиб хотин олмоқчи бўлсалар, олмай қўя қолсинлар... бу умр савдоси, дейишибди қабилидаги узунқулоқ гаплар қишлоқ оралади. Отам жуда қизиққон киши. Бу миш-мишларни эшитдилар-у, шу кузда кимни топсанг топ, бўлмаса ўзим топаман дедилар. Бир томондан, севгидан куйганим, иккинчи томондан, оиламизда хотин кишининг йўқлиги-ю, одамларнинг бу гапи... «Топинг!» дедим. Узоқ бир қариндошимизнинг қизлари — Салимахонни топишди. Тўйгача икки-уч бор учрашдик. Тўй бўлди. Гап тарқатган одамлар тоғорабоши бўлишди. Мана, икки йилдан бери яшайпмиз. Ёмон эмас, бир-биримизга «э, сен», деган кунимиз бўлган эмас... шу!

— Ашраф ака, болаларингиз ҳам бордир-а?

— Афсуски, йўқ... Салимахон... хотинларда бир хил касаллик...

— Ҳа, бўлди. Туринг, бир оз юрайлик!

— Ҳўп!

Малоҳат дуркун кўрагини атайлабданми ёки билмасданми Ашрафжоннинг тирсагига теккизиб юра бошлади. Йигитнинг эти жунжуккандек бўлди, миясида қон гупирди: «Йўқ-йўқ, бу аҳмоқлик... шундай дадил, соф қизга-я?

Йўқ,— ўйлади у,— хўп, нима бўлибди? Бундай ўйловларга чек қўй, аҳмоқ... аҳмоқ!..» Малоҳат ўйларди: «Бу йигитнинг нимаси менга ёқади-я? Ахир юз тузилиши Асадга сира ўхшамайди-ку? Бундан ташқари, гавдаси ҳам ундан кичикроқ... ўзиям бўш... хўш, нимаси менга ёқади-я?..»

— Ашраф ака, бу томондан кетайлик!

— Майли.

Улар шаҳарга тушадиган катта асфальт йўлга чиқишди. Ёнма-ён кетишаркан, Малоҳат яна ўз-ўзига савол берди: «...нимаси менга ёқади-я? Қизиқ, гапирсам гапирмайди. Нимаси биландир Асадга ўхшайди... ҳа-ҳа, топдим: камгаплиги, итоаткорлиги билан. Уям итоаткор эди...»

Малоҳат ўз-ўзидан кулиб юборди. Ашрафжон ялт этиб унга қаради:

— Нима бўлди?

— Хаёлимга бир фикр келди,— деди Малоҳат ўзини кулгидан тийиб.

— Хўш?

— Мен яна сева оламанми?

— Шубҳасиз?

— Масалан, сизни, Ашраф ака?

— А!.. Йўғ-э, нималар деяпсиз?— йигитнинг овози титраб кетди.

— Ҳазиллашдим. Ақлимни еганим йўқ,— деди йигитнинг тирсагидан ушлаб.— Яна айланиб ўша ўтирган скамейкамизга келдик. Уф, чарчадим. Келинг, бир оз ўтирайлик. Хушт!— Малоҳат секин хуштак чалди.— Анави оёга қаранг!— шарқ томондан, икки пахта ғарами оралтидан шафақда куйган булут парчасидек қияланиб ой чиқаётган эди. Яна жимлик. Салқин тушганини Малоҳат ўтирганидан кейин сезді: қуниша бошлади. Ашрафжон икки марта «плашчимни ечиб берай», деб хезланди. Малоҳат кўнмади.

— Иссиқман. Мана, қўлимни ушлаб кўринг!— йигит

изнинг совуқ қўллариини ҳозир чўнтагидан чиқарган илиқ афтларига олди, иккинчи қўлини юмшоқ билакка чўзди. Эраги дукурлаб кетди, тезгина қўйиб юборди.

— Ҳа, ҳа, иссиқ экан!

— Асаднинг мендан совганининг сабабини энди бил-им.

— Қандай сабаб?

— Биласизми, Ашраф ака, биз уч йил юрдик. Шу уч ил бадалида кинодан бошқа ҳеч қасерга чиқмас эдик. рим тушларгача сайр қилишни ёмон кўрардим. Баъзида ечалари келиб, «юринг, Малоҳат, бир айланиб келай-ик... юринг», деб ёлвориб сўрарди Асад. Ҳунимга келса иқардим, бўлмаса «йўқ, бора олмайман», дердим. Бир ўзлгимни биларди, бўйинини қашиб, руҳсиз ҳолда чиқиб етарди. Бир-биримизга муҳаббатимиз шунчалик зўр эди-и, ҳатто ошиқ-маъшуқлар ўртасидаги муносабатларни аёлимизга ҳам келтирмасдик. Сиз ишонсангиз ҳам, ишон-асангиз ҳам майли, уч йил бадалида у билан, умуман, ирорта йигит билан ўпишган қиз эмасман. Э, ишонмай-изми? Дунёда якка-ю ягона меҳрибон онам номга қа-ам нчаман! Ишоннинг... энди билсам, бечора севгилим-инг илтижولي кўзлари баъзида мендан кўп парсаларини ўрар экан. Қанчалар соддалик, а! Бечора менга бўлган уҳаббатининг аламли ўтларини Мавжуданинг айёрона аракатин билан ўчираркан. Ана фаришталик! Лекин у ени ҳали ҳам севади. Бунга имоним комил!

Қизнинг эҳтиросли монолигини Ашрафжоннинг сскин тган луқмаси бўлди.

— Севса, албатта қайтиб келади!

— Энди кеч! Қайтиб келса бошимга урамани уни?! ир камим ҳомпладор Мавжудани ўз кунимга солиш қо-увдими... хат олдим: боласи бор экан... лекин, лекин имагадир менинг ҳам... Йўқ-йўқ, туринг кетдик! Кетдик!

Малоҳат чаққонлик билан турди. Юқори кўтарилиб, ардини кичрайган ойга хипча белларини ушлаганича араб қолди. Узоқдан хўроз қичқирди.

— Соат ўн иккидан йигирма минут ўтибди,— дея қиз йигитнинг қўлтиғидан олди,— мени бозор олдиғача кузатиб қўйинг, уёғига ўзим кетаман.

Ашрафжон шундай қилди. Бозор ёнидаги баландликдан Малоҳатнинг холаси яшайдиган уй кўришарди: ҳали чироқ ўчмабди — демак, кутншяпти уни.

Шу кечадап кейин ўн беш кунгача Малоҳат бир кун қувноқ бўлса, икки кун паришонхотир, сўлғин бўлиб юрди. Ашрафжон билан муносабати эса, аллақандай ғайритабний эди. Уни кўрдим дегунча Ашрафжон ҳам гапини йўқотиб, қизариб кетарди. Шунинг учун улар ўқитувчилар бўлган ерда бир-биридан узоқроқ туришар, иложи борича гапирмасликка ҳаракат қилишарди. Ун олтинчи кун деганда Малоҳат райондан қувноқ қайтди: уни илмий-текшириш институтига ишга чақиринишга эди. Бир ойдан кейин ўзи дарс берадиган синфлардан имтиҳонларни олиб бўлиб, ҳамма билан хайрлашди. Мактаб коллективи уни катта асфальт йўлгача, фақат Ашрафжон бошқалардан яширинча станциягача кузатиб чиқди. Улар йўл бўйи гапирмай боришди. Малоҳат поездга чиқаркан, кўзларига ёш олди.

— Ашрафжон ака, кечирасиз, юзингизга айтаман — сиз жуда олижаноб кишисиз! — деди. Ашрафжон серрайиб турар, тилига бирор калима сўз келмас, дам-бадам ютинар эди.

— Хайр бўлмаса!..

— Хайр, Малоҳат!..

Паровоз бир кучанди-ю, пишқирганича олдинга қараб ҳаракатини тезлаштириб кетди. Состав шишадек тоза, тиниқ уфқ бағрига ўқдек кириб борарди..

Ашрафжон тушга яқин мактабга қайтди. Уқитувчилар хонасининг коридорига қирганда унинг қулоғига қуйидаги гаплар чалинди.

— Малоҳат, Малоҳат! Молодец! Яна уч йилдан кейин қарабсизки, олма! — бу жисмоний тарбия ўқитувчиси Темуржоннинг овози эди.

— Шу орада тушган шаригини ҳам қўйдириб олармикин? — бу Қарим Салоховичнинг овози...

Ашрафжоннинг вужудида титроқ турди. Қўллари муштга айланди, нчида «бир, икки, уч...» дея ўнгача санай-санай, секин аслига қайтди — «Шайтонга ҳай» берди.

«Думли юлдуз»

Анҳор устида тикланган «Оби равон» чойхонасининг чеккароқдаги сўрисида адабиётшунос дўстларимдан бири билан суҳбатлашиб ўтирардик. Суҳбат мавзуи адабиёт, адабиётда яратилиши керак бўлган янги образ ва характерлар.

— Э тўхтанг, тайёр тип керакми? — адабиётшунос дўстим секин туртиб, узоқдан илжайиб келаётган қип-қизил, лунжлари осиқ, оғзи катта, бурни тўмтоқроқ, серсоч кишига ишора қилди. Мен жавоб беришга улгурмасданоқ, у қўшиб қўйди. — Бемалол суҳбатни давом этдираве-ринг-у, лекин диққат билан кузатишни эздан чиқарманг... ана, келяпти.

— Хўп.

Ҳалиги киши тез етиб келди ва йирик, семиз кафтли қўлларини кўришишга чўзди.

— Ассалому алайкум... Э, э, қимирламанг, қимирламанг... Қани, мазза қилиб ўтирибсиларми, Ҳакимжон?

Ҳакимжон — менинг адабиётшунос дўстим. У келувчи кишининг қўлидан сўрига тортиб чиқармоқчи бўлди.

— Қани, чиқинг, Умматжон ака!

— Ии... тўхтанг, тўхтанг, туллани ечай... Хўш... қани, эми...

— Умматжон ака, бу киши — дўстимиз, Фарғонадан... отлари Элмурод, ёзувчи...

— Ҳм, Элмурод... яъни, эздан мурод топсин... яхши! — Умматжон ака тердан қорайган товони йиртиқ пай-

поқларини секин ечиб олиб, туфлисининг учига тиқиб қўйди,— Фарғонаданман денг?

— Ҳа,— дедим ачимсиқ тер ҳидидан юзимни четга буриб.

— Фарғонада мани ҳам дўстларим кўп. Дўст кўп бўлса, яхши-да. Ўн беш кун бўлди, учтаси келиб кетди. Қўй сўйдим. Шашлик қилдим. Шашликни ҳам ошпаз укамиз Суннатилла кавкосча қилиб, суяги билан пиширди. Меҳмонларга ҳам маъқул бўлди.

— Мана, чойдан олинг.

— Раҳмат!— Умнатжон ака чойни олиб, иссиқ-иссиқ хўплай бошлади. Ҳакимжон менга кўз қисиб олиб, гапга киришди:

— Бу Элмуроджоннинг бошини ўзимиздан бир қиз айлантирган...

— Биттаси маниям бошимни айлантирди,— деди Умнатжон ака ҳовлиққанча пиёлани хонтахта устига қўйиб.— Кеча идорада ўтирсам, бинойи бир қиз кириб келди. Қарасам, жуда чиройли. «Нима хизмат?» десам, «Начальник Умнатжон ака Бандаев сизми?» дейди. «Хўп?» дедим. «Кеча пиширган оби-наботдан қолдими?» дейди. «Бор, топилади» дедим. Ҳолва цехининг искалодига олиб кирдим. Бир вақт олдинда кетаётсам орқамдан қучоқлаб олса бўладими. Манам... бундай айландим-у...

— Оббо, балосиз-да, Умнатжон ака,— деди Ҳакимжон кулги баҳонасида, мепнинг тиззамга шাপатилаб,— Элмурод дўстимиз ҳам ҳалиги қиз билан қоронғида учрашганда...

— Манам қоронғида учрашдим,— деди ўша ҳовлиқмалик билан Умнатжон ака.— Искалод қоронғи эди.

— Э йўқ, ундай демоқчи эмасман.

— Ҳа... хўш?

— Мен айтмоқчимапки, бу киши ҳалиги ўзларининг бошларини айлантирган қиз билан қоронғи бир кечада учрашганларида...

— Хўш?

— ...думли бир юлдуз кўрганлар.

— А, э, ман ҳам кўрдим!— деди Умнатжон ака кўзларини чақчайтириб.— Манам думли юлдуз кўрдим, иккита...

— Қачон?

Умнатжон талмовсиради. Кейин елкаларини қисиб, ишонтиришга ҳаракат қила бошлади.

— Нега куласиз, ўша искалодда учрашган куннинг кечасида бирга сайрга чиққан эдик...

— Юлдуз битта эди!— дедим ўзимни кулгидан тийиб.

— Йўқ, бўлмаса сиз кўрмабсиз!— Умнатжон ака қизариб-бўзариб исботларди.— Думли юлдуз иккита эди, биттаси кунчиқардан, яна биттаси юқори томондан...

— Узи яккаю ягона битта думли юлдуз чиққан эди ўша оқшом.

— Қасрда?

— Уйлаб турмай жавоб бердим.

— Фарғонада!

Умнатжон кулди ва тантанали овозда:

— Э яшанг, меҳмон ука, Фарғонада думли юлдуз битта чиққан бўлса чиққандир, лекин бизни Бухорода ўша оқшом думли юлдуз иккита чиққан эди. Шундай эмасми, Ҳакимжон?— деди.

Ҳакимжон бош ирғаб, маъқуллаган бўлди. Умнатжон ака яна кўприб кетди.

— Шундай қилиб, думли юлдуз чиққан кеча қиз билан учрашдим денг?

— Ҳа, энди...

— Яхши, яхши, бунга қарангки, иккаламиз ҳам бир кечада... Чайханчик, чой келтиринг!

Чойхоначи несиқ кўк чой келтирди. Умнатжон яланг оёқларини сўридан осилтирганича чой қайтарарди. У биринчи пиёлага чой қуйиб, ўз олдига қўймоқчи эди, Ҳакимжон секин қўл чўзди.

— И... ичманг, ичманг! Аҳмоғим... биринчисини ўзим ичишим керак...

— Кечирасиз-э!— деди Ҳақимжон кулиб.— Қўйинг бежанжал, аҳмоқликдан ёмони йўғ-у.

— Билмадим, эскилар шундай дейишади, чойни қайтарган киши биринчи пиёланг ўзи ичади, деб.

Ҳақимжон менга кўз қири билан қараб олиб, яна гап бошлади.

— Мени бир аҳмоқроқ дўстим бор эди...

— Маниям бир аҳмоқ дўстим бор...

— Уша дўстим,— деди Ҳақимжон унчалик эътибор ҳам бермай,— хотини, саккиз боласи бўлатуриб, яна қасрдаги қизлар билан...

— Э, ановини қаранг,— деди Умматжон ака сўзни кесиб,— маниям ўша аҳмоқ дўстим хотини «Қаҳрамон она» бўлишига қарамай, ўнта боласи бўлишига қарамай, қизлар билан юрийди...

— Бу ахлоқсизлик!— деди Ҳақимжон чойнинг қолдиргани анҳор томон иргитиб.— Мен аллақачон ўша дўстим билан борди-келдини йиғиштирганман...

— Мамам алоқани уздим!— деди Умматжон ака чой қуйиб, менга узатаркан.— Марҳамат, ука!

Чойни олиб, ича бошладим. Ҳақимжон ўзининг навбатдаги кўз қисшиларида кейин деди:

— Шу дунёда бетуз одамлар ҳам топиларкан.

— Топилади, топилади!— деди Умматжон ака жиддийлик билан.— Кеча Сангининг уйига борсак, хотини салат олиб келди. Тузи йўқ. «Ув, келин, туз келтиринг» десам, шу ахтарди, шу ахтарди, тузи йўқ экан.

Қаттиқ кулмоқчи эдим, Ҳақимжон кўзларини «Кулманг!» маъносида олайтириб, қошларини чимириб қўйди.

— Ҳа, тузи йўқ экан!— деди Умматжон ака қўлларини кериб.— Бир вақт Сангин ҳам, озгина ичган эмасми, бечора хотинининг дўппослай кетди, дўппослай кетди... ажратаман деб борсам, мени ҳам урмоқчи, тавба, шу қулоқ чеккасига со... солиб юбордим...

— Маладес, ростми?

— Рост! Беъмани!— деди Умматжон ака.— Бемаъни бўлмаса, бир туз учун хотинини дўппослайдимиз?

— Шунинг айтиш, — Ҳақимжон янги бир гапни ўйлаб топишга ҳаракат қиларди, — лекин хотиниям сон тегмаган экан-да.

— Тўғри, сон тегмаган, сон тегмаган...

— Мана, бизлардаям хотин бор, ҳамма нарса уйда муҳайё бўлади.

— Мана, бизлардаям, маниям хотиним бор!— деди Умматжон ака паст келмай.— Уйда ҳамма нарса — бодринг ҳам, шўр помидор ҳам, туз ҳам доим топилади.

Ҳақимжон менинг тиззамга секин туртиб, янги гапни бошлашдан дарак берди.

— Лекин, менинг гапимда озгина туз йўқ.

— Маниям.... э нима, а?— Умматжон аканинг юзлари, тор пешонаси қизариб кетди. У тилини бир чиқарди-ю, кафти билан оғзини бекитиб, бош силкиб қўйди. Ҳақимжон қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— И... қизиқ-ку, Ҳақимжон. Сизгайм тушуниб бўлмайди-ку!— деди у жаҳлланиб. Ҳақимжон менга юзланди-ю, «кетдик», дея ўрнидан қўзғалди. Туфлиларни кия бошладик. Йўлда олганим газетага ўроғли янги кўйлакни қўлтиққа қистирдим.

— Хўш, Элмурод, қалай, янги, мужассам тип олдингизми?— деди Ҳақимжон секин. Умматжон ака туфлиси ичидан жиққа ҳўл пайпоқларини олиб кияркан, гапнинг охирини эшитиб қолди.

— А, типми, типни қаердан олдинглар?— деди менинг қўлтиғимдаги газетага ишора қилиб.— Айтишлар, манам олай,— илтимос оҳангида қўшиб қўйди у, ҳарсиллаб туфлисининг боғичларини ўтказаркан.

— ЦУМдан, эҳтимол, тугаган бўлса...

— А, очирати катта эдимми?

Буни Ҳақимжон эшитмади. Чунки, у ўз кулгисини баралла қўйиб юборганича йўлда давом этарди.

УСТОЗЛАР ТАБАССУМИ



Чинорлар қўшиғи

[Абу Али ибн Сино ҳақидаги ривоятлардан]

Чинор умри асрлар билан ўлчанади. Шунинг учун бўлса керак, узоқ умр кўрган, серфарзанд, бадавлат қариялар чинорга қиёс қилинади. Янги Афшонода ҳам чинор умрини яшаётган қариялар анчагина. Лекин бугун биз эски Афшонодан ёдгорлик сифатида қолдирилган икки туп чинор дарахти ҳақида гапирмоқчимиз. Чинорлардан биринчиси бақувват, силлиқ танали, иккинчиси эса ток зангидек бир-бирига чирмашиб кетган саккизта танадан иборат. Санъаткор табиат гўё ўз болаларини бағрига олган табаррук она рамзини унга бағишлагандек. Ҳар иккала чинор ҳам узоқдан бир тундек, кўм-кўк бўлиб кўзга ташланади.

Чинорлар остида бир жуфт қабр бор. Бир пайтлар қабрлар атрофида қамиш ва юлғин ўсиб ётарди. Намозшомлари қабр бошига икки нукча — пилик ёки шам ёқиб қўйиларди. Қимдир бу қабрларни «Севишганлар қабри» деб атади.

Афшонанинг чинордек қарияларидан бири тўқсон ёшли Абди бобо Қаримовнинг айтишича, бу чинорлар унинг бобоси даврида ҳам бор экан. Юзга кириб вафот этган бобоси ҳам бу чинорларнинг қачон ўтқазилганини аниқ айта олмасдан, у ҳам бобосини пеш қилган экан. Қисқаси, шу чинорларни сақлаб қолиш мақсадида янги қурилган «Маданият саройи» лойиҳадагидан 17 метр ғарбга томон сурилбди. Ҳозир бу қабрлар ўзига хос зиёратгоҳга айланган. Чунки уларга оталик ва оналикнинг гўзал рамзи — Қўшчинор соя ташлаб, абадийлик бағишлаб турибди...

Қўшчинор остидаги сўрида хаёл суриб ўтирган Абди бобо Қаримов сукутдан бош кўтарди ва қуйидаги ривоятларни айтиб берди.

«КУЛЧАПАЗ ШОГИРД»

Абу Али ибн Сино ҳузурларига ҳаддан ташқари семиз бир киши келиб, кўзини ожиз бўлиб қолганидан шикоят қилибди. Шунда устоз касалнинг сочини устарада тоза қиртишлабди. Шогирдларидан бирига танакор, гулоб ва бир миқдор оҳак келтиришни буюрибди. Шогирд янги эмасми, бу ишларни югуриб-слиб бажарибди. Ибн Сино беморнинг кўзига, ранги рўйчга яна бир бор сипчиклаб қараб олиб, танакор, гулоб ва оҳакдан хамирча қорибди. Бир оз совутгач, унинг юпқалаб, беморнинг бошига ёпибди ва тағиб боғлабди. Орадан икки кун ўтгач ўша беморнинг кўзлари очилибди. Ҳақимга беҳад миннатдорчиликлар билдирибди. Устозга қарашиб юрган шогирд бирданига кетаманга тушиб қолибди. Ибн Синонинг қаёққа, деб сўрашига мужмал жавоб бериб, уйига жўнаб кетибди. Унинг бир кўзи кўр тоғаси бор эди. У уйга кела солиб, худди устоз қилгандек бир миқдор танакор, гулоб ва оҳак олиб хамирча қориб, юпқалаб тоғасининг бошига боғлабди. Орадан бир кун ҳам ўтмай тоғасининг иккала кўзи ҳам оқиб тушибди...

Эртасига ҳовлиқма шогирд устоз ҳузурига келиб, бўлган воқеани айтиб, узр сўрабди. Шунда устоз:

— Инма қилиб эрдингиз?— дея сўрабди.

— Бамисоли ҳазратининг ўзларидек,— дебди ҳовлиқма шогирд ерга қараб,— танакор, гулоб ва оҳакдан хамир қориб «кулча» ясаб, тағонининг бошларига ёпдим...

Устоз афсус билан бош чайқабди.

— Во, дариғ! Ахир тағонингизнинг боши сизга тандир эрмасди-ку, истаганча «кулча» ясаб ёпсангиз...

— Ҳазратининг ўзлари ҳам...

— Мен муолажа қилган беморнинг кўзи миясда ёр тўплангани учун ожиз эрди. Сизнинг тағонингизнинг кўзи эса мияда ёғнинг камайиб кетганидан нурсизланган, на-

тижада ул кимсанинг кўзлари оқиб тушган. Яхшиси, сиз тиббиётни йиғиштириб, новвойга шоғирдликка боринг. Тиббиёт бу «кулчапаз»лик эмас...»

— Демак, чароғларим,— дея ўз ҳикоясига яқун ясади Абди бобо,— бирор ишни бажаришдан олдин, ўшани сабр-тоқат билан ўрганиш лозим экан. Акс ҳолда «кулчапаз шоғирд» ҳолига тушиб қолиш ҳеч гап эмас...

КУЛОЛМАЙДИГАН УЛПОНЧИ

Ибн Сино даврларида ўта зolim, қамчисидан қон томадиган бир ўлпончи бўлган экан. Иттифоқо бир куни шу ўлпончи шайтонлаш касалига мубтало бўлибди. Ўқитиш, дори-дармон сираям фойда қилмабди. Қариндошлари уни улуғ ҳаким ҳузурига олиб келишибди.

— Бемор куладими?— деб сўрабдилар Сино бобо.

— Йўқ, умри ўтиб кулмаган.

— Ҳм-м... кулмаса чатоқ! Йиғлайдурму?

— Йўқ,— дейишди беморнинг қариндошлари,— йиғламайдиям, гапирмайдиям. Нуқул овқат еб, ухлагани ухлаган. Ҳатто эшони Ғаззолий ўқиб, дам солгандаям воҳ, демади. Йиғламади.

— Э, ҳа,— дедилар Сино бобо,— унда эшонга ўқитиб юрмасдан, зўрроқ бир деҳқонга калтаклатиш керак. Айтинг-чи, туғилгандан бери шундоқми?

— Йўқ, авваллари баланд овозда бақириб-чақириб сўкинари, боқимондачиларни яхшигина калтакларди. Бирданга шундай бўлиб қолди.

— Яхшигина калтаклардими?— дедилар Сино истеҳзо билан.— Тузук. Нима бўлса ҳам, қитиқлаб бўлса-да, беморни кулдиринг керак. Бўлмаса, аҳвол чатоқ.

Беморнинг оға-инилари дарҳол уни ётқизиб кажаводай қоринни, қўлтиқ остлари ва оёғининг тагини қитиқлай бошладилар. Бемор икки-уч марта «ҳийқ-ҳийқ» этган овоз чиқарди-ю, титраб ҳушидан кетди. Ўлпончининг қариндошлари фарёд чекишди.

— Вой, жигарим... акамизни ўлдирдингиз-ку улуғ ҳа-
ким!..

Сино бобо:

— Кулги руҳнинг ғизосидур,— дедилар бепарво,— ас-
тойдил кула олмаса, қайғуриб йиғлай олмаса, эл-улус
қарғишига учраган бундай кимсанинг ўлгани маъқул-
роқ-да...

Қаҳқаҳа янгради. Абди бобо ҳикоясига яқун ясади.

— Лекин ўша кула олмайдиган ўлпончи ҳам Сино
бободан шифо топган экан...

* * *

Қоронғу тушиб борарди. Уфқда оч қирмизи ранг пур-
каб, қуёш ботди. Баланд бинолар пештоқида неон чироқ-
лари порлади. Зандани томондан эсан шамол Афшона
устига салқинлик кўрпасини ёйди. Қўшчинор япроқлари
аввалгидан ҳам ўзгачароқ бир сас, сирли ва сеҳрли бир
товуш билан шивирлай бошлади...

Абди бобо айтаётган ривоятлар менга чинорлар куй-
лаётган қўшиқдек бўлиб эшитилди. Чинорнинг ўзидан ҳам
умри боқий бу қўшиқда нисондаги битмас-туганмас ақл-
заковатни, завқ-шавқни, айни пайтда кулги-ю табассум-
ни кўргандек бўлдим. Юракда катта ғурур ва ифтихор
билан тунги Афшонага қарайман. Унинг кенг, афсонавий
расталарида чинордек умри боқий, буюк аллома Абу
Али ибн Сино салласи печини орқага ташлаганича хаёл-
чап кезиб юргандек, унинг муқаддас руҳи бутун Афшона-
да ҳукмрон, унинг ўчмас чироғи ҳар бир хонадонда Зухро
юлдузидек порлаб турарди...

Устод табассуми

(Шу помли туркумдан)

Одатда машхур кишилардан катта адабий мерос билан бирга эл орасида улар ҳаётидан анча қизиқ гаплар, доно фикрлар, зариф хотиралар ҳам қолади.

Эгизак адабиёт — ўзбек ва тожик совет адабиётининг бешиги тепасида турганлардан бири устод Айний ҳам шундай машхур сиймолардан. Улуғ ёзувчи, забардаст олим, ажойиб инсон Садриддин Айнийга бир ёш қаламкаш, унинг ҳамюрти сифатида менинг ҳам ҳурматим чексиз. Қуйидаги воқеий ҳикоялар устоднинг шоғирдлари, у кишини шахсан кўрган, таниган кишиларнинг жонли хотиралари асосида ёзилди.

САНДАЛ

Намгарчилик бошлаиб, зада вужудларда бод ҳуруж қиладиган пайт. Ташқарида ҳар куни ёмғир аралаш қор ёғади. Кексалар бел ва оёқларининг зирқирашидан нолийдилар. Ким иссиқ ҳамомга жўпайди, ким бошқа бир чора излайди.

Домла Айний ҳам оёқларидаги бодни халқ табобати йўли билан даволамоқчи бўлди. Ишлайдиган хонасига сандал қурилиб, ўрик ўтинининг чўғи солинди. Сандал четларига қалин кўрпача тўшалди. Урта деразадан сандал устига ёруғ тушиб турарди. Устод сандалда ўтириб «Эсдаликлар»нинг охириги бобларини катта ғайрат билан ёзишга киришди. Иттифоқо, бир куни у кишини кўргани икки-уч ёзувчи келди. Айний домла тиззасини ушлаб ўрнидан турди. Устоднинг эғнида бўғма ёқалли узун камзул, оёқларида пайпоқ, бошида чўққи дўппи. Қўл олишиб кўришдилар. Меҳмонлар сандал четларига сиқилиб ўтирдилар. Шунда олифтароқ бир ёш ёзувчи щимининг тахн бу-

зилмаслиги учун оёғини сандалга эмас, пойгак томонга узатиб ўтирди ва тўрдаги устодга орқа ўгириб қолди. Энциси қотган устод сандал устида сочилиб ётган қўлёзмаларни йиғиштириб, ёндаги баланд ёстиқ устига қўйди. Дастурхон ёзилиб, Самарқанднинг пўлоти пони, устод ўзи тайёрлаган қўлбола нишолда, узум шиннисиси ва ҳолва келтирилди. Шунда ҳалиги олифта, оёқларини йиғиштирди-да, тиззаларини «ўчоқ» қилиб ўтирди. Шерикларидан бирининг секин туртиб қўйишига ҳам эътибор бермай хўриллатиб чой ичар, дам нишолдага, дам шиннига ноп ботириб оғзига тикар эди. Олифта кўрпачада қолиб кетган бир варақ қўлёзмани ёстиқ устига олиб қўяркан, оғзидаги луқмани ютатуриб, писандсиз тарзда гап қотди.

— Устод, катта ёзувчисиз, академиксиз, битта яхши стол, кресло олиб, шунда ёзсангиз бўлмайдими? Иш ҳам унумли бўлади. Ахир, бу сандал жуда ноқулай...

Устод оппоқ, қуюқ соқол-мўйловлари орасидан ёқимли жилмайди, кўзлари бир оз сузилгандек бўлди:

— И... мулложон, қизиқсиз-ку,— деди енгил бош чайқаб.— Биз қирқ ёшда ижодни бошлаб, худди ана шу сандалу анави хонтахтада ўтириб «Ишкамба»ни ёздик, «Қуллар»у «Дохунда»ни ёздик, «Одина»ю «Эсдаликлар»ни ёздик. Сиз столу креслода ўтириб, айтинг-чи, ҳозиргача нима ёздингиз, мулложон? Ишингизнинг унумидан гапиринг-чи...

Олифта ёзувчи қаттиқ ўсал бўлди.

АРИ

1949 йилнинг ёзи. Устод болалиги ўтган Жилвонга отланди. Бу гал у киши собиқ Лағлақа, Пешкў, Зандани туманлари орқали йўлга тушди. Йўл бўйи Ромитанга ҳам қўниб ўтишига тўғри келди. Темирчи уста Расулнинг сўлим боғи. Зилол сувли ҳовуз. Атроф гулзор. Беҳисоб капалаклар, асаларилар гулдан гулга қўниб ғужғон ўйнайди. Сув бўйига қўйилган ёғоч катда ўн чоқли киши Ай-

ний асарлари устида қизғин баҳс юритади. Украинча каштали кўйлак, раҳи бузилмаган чуст дўппи кийган устод жимгина қулоқ солиб ўтирар, аҳён-аҳёнда бирор масалага аниқлик киритиш зарурати туғилгандагина гапга ара-лашар эди.

— Тақсир,— деди мулласифат бир киши,— кеча на-бирамдан ўқитиб эшитдик. «Бухор жаллодлари» қорала-мангизда,— у атайин «Бухоро» сўзида «о» товушини ту-шириб талаффуз қиларди,— арбоб Камолнинг тўриқ-қаш-қа оти бор эди, дебсиз. Камини ўзим биламан, ул кимса тўриқ-қашқа от минмас эдилар. Мадраса кўрган бўлса-лар-да, Садриддин хожа дуруғ ёзибдилар-да, деб қўйдик. Ахир, ҳақиқатни ёзиш жоиз эмасми, тақсир?

Айний домла бу кишининг бадийят сирларидан тамом бехабарлиги, бунинг устига ўта бефаросат, шу билан бирга муғомбирлигидан узоқ кулди-да, кейин:

— Худди сиздек бир кимса, тўғрироғи, Бухоро амир-ларидан бири,— деди кулги туфайли чиққан кўз ёшларини кафтлари билан артиб,— Мушфиқийга: «Шеърларингиз бошдан-оёқ ёлгон, чин мазмундаги шеър ёзсангиз бўлмайдими?»— деган экан. Шунда Мушфиқий кулиб: «Хўп, сиз учун битта чин мазмунда шеър ёзиб бераман, ўқиб завқланинг»,— деб шу байтни битган экан:

Дар Самарқанд гурба ях нахўрад.

Дар Бухоро хурус мурги нар аст.—

яъни: «Самарқандда мушук муз емайди. Бухорода хўроз товукнинг эркагидир».

Даврадагилар кулиб юборишди. Худди шу пайт ўша мулласифат кишининг қўлига ари келиб қўнди. У жон ҳолатда арини уриб туширди-да, кафти билан эзгилади.

— Чақмадими?— деб сўради мезбон хавотирланиб.

— Йўқ... ажали етган экан..

— Хайрият!

Мулласифат киши ҳансираб катга қайта чиқиб ўти-

раркан, яна ғайирлик билан гапира бошлади. У ўзини ҳам билимдон, ҳам бирмунча тарихдан хабардор қилиб кўрсатмоқчи эди.

— Лекин-чи, тақсир, ўша «Бухор жаллодлари»да амирни ўтакетган қонхўр қилиб кўрсатгансиз-да. Ҳар қалай, бу борада ҳам жаноблари муболағага эрк берганга ўхшайдилар...

Устоднинг жаҳли чиқса-да, сир бермай кулиб қўйди ва:

— Ҳали жаноблари қўлларига бир ари қўнганда, чақишга улгурмасдан туриб, уриб ўлдирдингиз,— деди унинг кўзига тикилиб.— Сизнингча айтганда, «худованднинг бир маҳлуғи»ни жонидан жудо этдингиз. Амир менинг акамни сўйдирди, сафдошларимни дорга осди, халқни хонавойрон қилди, ўзимни етмиш беш дарра урдирди... Ана шу даррадан биттагинаси сизга текканда эди, қўлингиздан келса, амирни ҳам ҳалиги аридек мажақлаб ташлардингиз... Амирни етти бобосигача қўшиб сўкардингиз. Мен айни ҳақиқатни ёздим, жабрдийдаларнинг юрагидаги гапни ёздим. Қўлингиздан келса, сиз, амирнинг қонхўрлигини муболағасиз ёзиб кўринг.

Мулласифат кишининг лаблари ўз-ўзидан пичрилагандек бўлди. Лекин тўпланганлар унинг гапини эшитмадилар. Бир оздан кейин у секин даврадан сирғалиб чиқиб кетди.

Суҳбат яна самимий тус олди.

ЧАПАК

Бухородаги ўқув юртларидан бирида учрашув давом этарди. Студентлар иссиқдан қўлларига дафтар, газета ва журналлар билан ўзларини елпийдилар. Кўплар эшик олдида тик туришибди. Ҳамманинг кўзи президиум аъзолари ўртасида ўтирган жужун камзул, чуст дўппили устод Айнийда... Ниҳоят, сўз Айний домлага берилди.

Гулдурос қарсақлар остида у киши оҳиста юриб, минбар томон келди. Шошилмасдан дастрўмолини олиб, юз-бўйинини артди-да, залга қаради.

— Азинлар,— деди қарсақ тингач,— аввало, менга сиз каби озод, меҳнаткаш болалари, ҳақиқий толиби илмлар ҳузурида сўзлаш имкониятини яратиб берган Улуғ Октябрь инқилобига чин дилдан шон-шарафлар бўлсин, дейман!..

Қарсақ янгради. Устод олдинги қаторга, сўнгра президиумга назар ташлаб давом этди:

— Мени шу мартабага етказган жонажон Коммунистик партия, азамат совет халқим олдида ўзимни бир умр қарздор, деб биламан. Чунки мен...

Устоднинг сўзини яна қарсақ босиб кетди. Шунда у киши президиум томон ўгирилиб чапакни биринчи бўлиб бошлаган лунжлари осилган, тепакал кишига ўқрайгандек қараб қўйди.

— Чунки, мен совет замонасида ҳақиқий бахт эгаси, ҳақиқий қалам эгаси бўлдим. Кўпгина қисса ва романлар ёздим...

Яна чапак. Устод ҳар бир асарини номини айтганда чапак чалинарди. У кишига малол келгандек бўлди. Чапакни биринчи бўлиб бошловчи кишига истехзоли кулиб қаради-да, сўнг аввалгидан ҳам баландроқ, ҳушчақчақ руҳда давом этди.

— Академик бўлдим.

Қарсақ.

— Фанлар академиясига Фахрий президент қилиб сайландим...

Қарсақ.

— Лауреат бўлдим...

Қарсақ.

— Лекин ўртоқлар, менинг худди шунга ўхшаш яна бир унвоним бор. Мен Бухоро инқилоби қатнашчиси деган мартабага эгаманки...

Қарсақ.

Одатдагидек, қарсакни президиумдаги ўша тепакал киши бошлаб берар ва одамлар тинганда ҳам у бир-икки бор чапак чалиб қўяр эди.

— Мен,— деди устод йўталиб олиб,— ана шу Регистонда бундан ўттиз йилча бурун юз берган тарихий воқеаларнинг тирик гувоҳи сифатида...

Қарсак.

Устод гапнинг буёғини ҳам худди ўша оҳангда, ўша тезликда давом эттирди:

— Яна худди ана шу Регистонда амир мени етмиш беш таёқ урдирган...

Қарсакни бошлаб берувчи киши одат бўйича яна чапак чалиб юборди. Унга уч-тўрт киши эргашгандек бўлди. Устод ўша тепакал кишига қараб писанда қилди:

— Лекин, ҳеч қачон ҳуда-беҳудага чапак чалмадим!

Залда гуррос кулги кўтарилди. Устод ўз нутқини бафуржа давом эттирди. Учрашув жуда самимий ва кўнгилли ўтди. Фақат яна бир марта, учрашув охирида устод келган барча кишиларга раҳмат айтгандагина қарсак янгради. Устод ўз жойига қайтаётганда секин разм солди: тепакал киши қарсак чалмай, хўмрайиб ўтирарди...

ЛАТТА

Истеъдодли, аммо жуда содда, уятчан ёш шоирлардан бири устод ҳузурига тез-тез келиб турар, у кишидан қимматли маслаҳатлар олар эди. Шу шоирнинг шеърлар тўплами тайёр бўлгач, Айний домла унга тавсия ёзиб бериб, тайинлади:

— Ана тайёр бўлди. Бунини Тошкентга олиб борасиз. Нашриётга топшириб келасиз. Бир пайт қарабсизки, мажмуангиз чиқиб турибди-да, ука!

Шогирд терисига сиғмай кетди. Қўлёмани қўлтиққа уриб, «Қайдасан, Тошкент!» дея йўлга тушди. Айний домла ҳам ўз ишлари билан бўлиб, ундан китоб ҳақида қай-

тиб суриштирмади. Орадан йил ўтди. Бир куни устод нашриётга телефон қилиб, ёш шоирнинг китобини ҳам сўради. Ноширлар ҳали қўлёзмани олмаганларини айтишди. Устод дарҳол ёш шоирни чақирди.

— Мап, устоджон,— деди камсуқум уятчан йигит,— қўлёзмани Тошкентга, тўртинчи қаватга, худди анави редакторимиздек жингала соч, чиройли бир одамга топшириб келганмап.

Устоднинг юзлари тундлашди.

— Қайси тўртинчи қаватга?

— Ўша Тошкентдаги, баланд бино, эшиги зангорн...

— Кимга? Исми шарифи бордир ўша жингалак соч редакторнинг?

Шоир қизариб, баттар чайналди.

— Худди редакторимизга ўхшайдилар... Фамилияларини сўрамабман...

Устод оппоқ соқолларини тутамлади:

— Латтасиз, латта!— деди паст, бўғиқ овозда.

Камсуқум шоир маълулхотир бўлиб ерга қаради. Айний домла унга зимдан тикилиб, ўй суриб тургач:

— Латтасизу, лекин керакли латтасиз!— деди ва яна қўшиб қўйди,— фақат баҳмалу кундалдек ўз қадрингизни кўтаришга ўрганинг. Китоб ёзиб бировга йўл кўрсатадиган одам, аввал ўзи йўлини топиб юриши керак-да!

Шогирд қўлларини кўксига қўйиб жилмайди.

БИР ҚОП ҒАЛЛА

Устод ҳаётлигида ҳам у кишининг Самарқанддаги уйи худди музейдек ясатилган эди: жавонларда сон-саноқсиз китоблар, токчаларда чинчилар, совга буюмлар тартиб билан терилган, девордаги чўғдек гиламга Максим Горький билан тушган сурати, иккинчи томонда қадим Бухоро манзараси, устоднинг амир томонидан ваҳшийларча кал-

такланганидан кейин Когон касалхонасида олинган фотосурати қоқилган...

Домла ҳар кун шу суратларга қайта-қайта тикилиб, чуқур ўйга толади, бевақт ўлдирилган сафдошлари, ака-укаларини эслаб юраги эзилади. Бугун ҳам ишга ўтиришдан олдин одатдагича шу суратларга бир-бир нигоҳ ташлади. Хаёл узоқ-узоқларга олиб кетди.

— Падаржон, ҳалиги йигит келувди!— деди домланинг севикли қизи Ҳолида. Устод ногаҳоний овоздан чўчиб тушгандек бўлди. Лекин сир бой бермади. «Алафда хаёл қурсин», дея кўнглидан кечираркан:

— Айтинг, кирсин!— деди.

Эшикда бундан уч кун бурун келиб, қўлэмасини қолдириб кетган қорача йигит кўринди. У уйга кира солиб:

— Ассалому алайкум, устод!— деди.

— Ваалайкум ассалом!— деб тиззаларини ушлаб ўрнидан турди Айний. Йигит аввал хонага, оёқ остига тўшалган гулдор гиламга, кейин устодга олазарақ қарадида, эгилиб ботинкасининг боғичини еча бошлади. Аксига ботинканинг ипига чигил тушган эди. Бу орада устод бир-икки дақиқа тик туриб қолди. Йигит ботинкасини ечиб у киши томон шошилиб йўл олаётган эди, устод: «Анави офтобада қўлингизни чайқаб олинг, махсумжон!»— деди. Йигит қипқизарганча пойгакда турган офтобада қўлини ювиб, сочиққа артди. Сўнг устод билан келиб кўришди.

— Баракалло!— деди устод ва қўл чўзиб жой кўрсатди.— Марҳамат қилинг. Ҳа, дарвоқе, бундан кейин отни сувга қўйишдан аввал бўйнидан юганни чиқаришга, уйга киришдан аввал ботинкангизнинг ипини ечишга ўрганинг, ўғлим.

Йигит ўнғайсизланди. Лекин устод хушчақчақлик билан ҳол-аҳвол сўради, бир пиёла яхна чой қуйиб узатди.

— Қўлёмангизни ўқидим, яхши...

— Раҳмат, қуллуқ, устод!— деди йигит қўзғалиб таъзим қиларкан. Устод йигитга мулоийм боқиб:

— Сиз менга бир қоп ғалла келтирибсиз!— деди.

Йигит хурсандчилигини яшира олмади.

— Ташаккур, қуллуқ, устоджон!

Устод тушунтиришга киришди.

— Ҳа, бир қоп ғалла келтирибсиз. Бу қопнинг ичида арпа ҳам, жўхори ҳам, тариқ ҳам, буғдой ҳам бор, дурушта...

Йигит домланинг гапларини мақтов деб ўйлаб ҳамон жилмайиб турар, хурсандлигидан «рахмат, устоджон, қуллуқ», деб қўярди.

— Сизнинг эндиги вазифангиз,— дея давом этди устод,— ана шу қопдаги ғалланинг фақат буғдойини айириб олиб, китобхонларга етказиш...

Йигит аввал гангиди, кейин ҳайрон бўлиб сўради:

— Унда арпа билан жўхори-ю тариғини нима қилман?— деди соддадиллик билан,— ахир, ҳар қалай буғдой бўлмаса-да, дон-ку.

Устод қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Э, маҳсумжони тушмагур-эй,— деди қўлёмани ва рақлай туриб,— вақти келганда жўхорисидан гўжа, арпасидан нон, тариғидан бўза тайёрлайсиз. Ҳозир эса мендан қопдаги ғалланинг буғдойини қандай айириб олиш йўлларини сўранг.

Шундан кейин устод йигитнинг қўлёмасидаги ортиқча жойларни қисқартириш, айрим бобларни бойитиш, умуман, асарни қандай қилиб ишлаш бўйича маслаҳат бера бошлади.

Томчидан дарё

Шоирлар заковати ва қуввайи ҳофизаси ҳақида гап кетганда ҳамиша бундан анча аввал юз берган бир воқеа эсимга тушади: Бухоро педагогика институтининг акт зали. Одамлар оёқ босиб Бухороини шарифнинг ўзидек муқадас ва азиз бир меҳмон — Ойбек домлани олқиш-

лашарди. Ҳамма улуғ ёзувчининг кўркем қиёфасини бир умр ўз хотирасида олиб қолишга ҳаракат қилади. Жуда ҳорғин, касалманд устод дам қаҳ-қаҳ уриб кулиб, дам кўзларига ёш олиб ўз китобхонларига таъзим қилар, қўлларини жуфтлаштириб боши узра кўтармоқчи бўларди. Институт доцентларидан бири домланинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида доклад қилди, студентлар Ойбек шеърларидан намуналар ўқидилар...

Кеча жуда қизиқарли ўтарди. Навбат Бухоронинг навқирон адабиётига келди. Биз ёшлар ўз асарларимиздан намуналар ўқиб, гўё устоз олдида имтиҳон берардик. Дастлаб фан кандидатларидан бири бизларнинг ҳар қайсимиз ҳақимизда қисқача маълумот бера бошлади. Худди шу пайт, тасодиф рўй бериб электр чироғи ўчиб қолди. Сўзлаётган киши аввалига бир муддатгина жим қолди, чироқнинг ёнишига умид боғлаб уст-уст томоқ қирди. Чироқ ҳадеганда ёнавермас эди. Маърузачи аввалгидаи тахминан икки-уч парда паст тушиб тутила-тутила яна беш минутча гапирди-да, сўзини тугаллаб қоронғуда тимириланиб бориб, жойига ўтирди. Залда стуллар тақирлади. Босинқи ғовур кўтарилди. Кимлардир ғудраниб электр монтерларни сўқар, яна бировлар «доим шунақа», деб институт раҳбарларидан нолирди. Айрим юраги торлар эса эшик томон йўналарди.

Жуда ноқулай аҳволда қолдик. Шунда кечани бошқараётган киши ҳаммани тартибга чақирди ва «Ҳозир сўз боғбон шоиримиз Шариф Нурхонга!» деб юборди. Қоронғу залда чала-ярим қарсак янгради. Қарсак тингач, минбар томондан ингичка, самимий бир овоз чиқди.

— Ассалому алайкум, биродарлар. Ҳозир ман сизларга «Устоз Ойбекка» деган шеъримни ўқиб бераман.

Шеър жуда раvon оқарди. Унинг ҳаққоний сўзлари, дилбар оҳанги қоронғуда бўлса ҳам ўз тингловчилари қалбини адашмай топиб борар, уларга ажиб бир кайфият бахш этарди. Отахон шоир қоронғуда салкам қирқ минут шеър ўқиди. У баъзан камтарлик қилиб: «Бўлди

акун, биродарлар!»— деса, одамлар бор овозда қичқиришарди: «Чироқ ёнгунча ўқийверинг!»

Одамлар шундай дейишар, лекин яна уларнинг дилида «Ойбек домла зерикмадилармикин», деган оғир бир ташвиш бор эди. Ниҳоят лип этиб чироқ ёнди. Йўқ, хайрият: Ойбек домла кенг елкаларини силкитиб кулар, йирик-йирик кўзлари шод чарақлар эди. Юзларида ҳорғинликдан асар ҳам йўқ, кўплар қатори боғбон шоирни олқишлар эдилар. Бир пайт у киши микрофонга интилдилар.

Дарҳол микрофон тутилди.

— Яхши... Яхши... Дарё, дарё! — дедилар.

Залда гулдирос қарсак янгради. Шариф Нурхон Ойбек домланинг чорлашлари билан у кишининг ёнларига келиб ўтирди. Эшик ёнида қарсак чалиб турган қоровул чол ёнидагиларга эшиттириб:

— Э ёдингга бахайр, Шариф Нурхон,— деди қойил қолиб.— Сенга Ойбек назари тушди-я! Ҳақиқатан ҳам сен дарёи азим экансан.

«Дарёи азим!» Гарчанд бу ибора жуда улуғвор жанрагласа-да, мен унинг мантиқан тўғрилигига яна бир бор қаноат ҳосил қилдим. Кўринишдан ўта содда, уятчан ва айни пайтда суҳбати жонон Шариф Нурхон Тошкентга тушганида икки кеча-кундуз у кишига ҳамроҳ бўлдим. Шу орада отахон тинмай шеър ўқиди, бутун-бутун дostonларини, бошқа классикларининг девонларини бошдан-оёқ ёддан айтиб берарди. «Гулистон» журналидаги гурунгимиз айниқса қизиқарли бўлди.

— Қишлоғимизда битта Холиқбой деган бой бўлайти,— деб ўз қишлоғи шеvasида ҳикоя бошлади отахон.— Ман уни эшигида етим эдим. Донак экайтим, кичик-кичик шеърлар айттайтим. Уша йиллари «Сигирчам», «Бодбарак», «Эшаккинам», «Ниҳолчам» деган шеърларимни тўқувдим. Ун тўртинчи йил эди. Бир куни мачитимизни имоми — Махсуми дағални уйига «Армуғони Хислат» китобини излаб Айний келдилар. Ман ҳам ўша атрофда чопқил-

лаб юрайтим. Тоғам Самад махсум билан оғайни эдилар-да. Мани у кишига кўрсатиб: «Ман таъриф қилган бала ана шу!»— дедилар. Кейин ман тоғамни қистовлари билан шеър ўқидим:

Тўқ данакдан кўкардинг, ўс бемалол, ниҳолчам,
Дўл ёғса ҳам синмагин, тубинг беҳол, ниҳолчам...
Соғлом ўсиб, кучли бўл, офат, шикаст тегмасин,
Қоматингни букмасин куюн, шамол, ниҳолчам.
Шарифийга орзу шу — дўстлар есин мевандан,
Пайванд қилайин, бўлсин ҳосилинг бол, ниҳолчам.

Шунда устоз Айний: «Бу балада заковат бор экан, ўқитиш керак!»— дедилар. Бир ҳафтадан кейин манга битта китоб юборибдилар. Қўйларни кўлда ўтлатиб қўйиб, дарахт соясида китобни ҳижжалардим. Бир куни Ҳолиқбой келиб қолди. «Нега эчкининг сут халтаси очилибди?» деб икки тарсаки урди. Қўлимдан китобни тортиб олиб: «Қаллангни лой қилиб юз айлантириб тепса ҳам битта ҳуштак чиқмайди, санга ким қўйибди ўқишни!»— деди. Бой кўп ямон эди-да, биродарлар...

Шунда шоирнинг кўзларида ёш ғилтиллади. Чўнтагидан дастрўмол олиб, ёшини артди. Бундай пайтларда бошқа мавзуга кўчиб, отахонни даҳшатли хотиралар гирдобидан олиб чиқишни яхши биламан.

— Домла, Сафия билан ораларингдаги...

Отахон уялди.

— Э қўйинг, ука, уят бўлади... Ҳа, энди ёшликда бўлайкан-да...

Бизнинг бир муддатлик қистовимиздан кейин отахоннинг қулфи-дили очилиб кетди.

— Ҳа, ўша Ҳолиқбойни бир Сафия деган жияни бориди. Кўп яхшийди. Манга бойни хотинларидан ўғринча нон берайти. Орамизда муҳаббат пайдо бўлди. Бамисоли ошиқ-маъшук эдикда. Яна бу гапларни биров эшитмасин,

укалар. Ҳа, унга бағишлаб кўп шеърлар ҳам айтганман.
Биттасини айтиб берайми?

Ўн саккиз ёшига кирди, севгилим кўзи хумор,
Бир ўзида ўн саккизта навбаҳорнинг ҳусни бор.
Севгини пинҳон тутишга ҳеч иложим етмади,
Ишқи ғолиб чиқди мандан, қилди элга ошкор...
Э, ғуборлар, севгилимнинг юзларига қўнмангиз,
Бўлмасин ойдек жамоли хийра нурли доғдор,
Жойлашиб кафтига қўйган кийгизининг остида
Мен учун ўпинг оёғин, яйрасин у дилфикор...

Бизнинг олқишларимиз орасида отахон чуқур хўрсиниб қўйди. Шикаста овоз билан яна ҳикоясини давом эттирди.

— Мурод ҳосил бўлмади, дўстлар. Ноинсоф бой Сафияни Раҳмон Жума деган бойваччага бериб юборди. Нима қилай? Иложим йўқ эди-да. Замона зўрники бўлса... Йиғлай-йиғлай, шундай деб шеър айтдим:

Ажратиб ўз севгилимдан, ўзгага ёр этдилар,
Бу замонда кимни бахти, толеи қулган экан?..

Яна қариянинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Бир фурсат, сукутдан кейин алам билан қўшиб қўйди:

— Орадан бир йил ўтмай, Сафия сил бўлиб ўлди...

Шундан кейин отахон инқилоб арафасидаги воқеалар ҳақида ҳикоя қила бошлади. Назаримда, унинг қомати бир оз тиклангандек эди. Бухорога ўт тушгани, амирнинг тараққийпарвар кишилардан ўч олиши, отаси — Нурхон пайванднинг тишини қоқиб олганлари, халқнинг оғир аҳволи ҳақида жуда жонли ҳикоя қиларди.

— Энди мани мақтаняпти, деб айбга буюрманглар, укалар. Замона жуда нобод эди. Ҳа, ўн саккизинчи йилни охирларийти. Бизнинг Ваҳимкор қишлоғимиз темир йўлдан бир чақирим пастликда-да. Ана шу темир йўлда бит-

та Николай ака деган киши ишлайти. Барака топкур, бизга нони қоқ¹ берайти. Кўп аломат одам эди-да. Ўзбекчани биларди. Уша: «Бу ерларга ҳам Ленин келади, ҳаммаларинг озод бўласизлар!»— дерди. Ўзим бойнинг зулмидан тўйган эмасманми, унинг бу гапидан қувониб кетиб «Ленин, кел» деган шеъримни тўқидим.

Севимли мушкулосоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел,
Юрагим, дардга дармоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел,
Сўраб ҳоли паришоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел,
Бўлиб мангу қадрдоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел,
Сени кўрсам йўқ армоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел.
Борайин сен томон, десам, тополмам чора, етимман,
Эзар йўқлик, йўлим боғлиқ, дилим садпора етимман,
Таёқлар зарбидан ориқ баданим яра, етимман,
Танамдан чиқмайин жоним, улуғ йўлбошчи Ленин, кел...

Бу шеър учун Очил тўпчибошидан калтак еганман. Ростини айтсам, Ленин тўғрисида ўттиздан ортиқ шеърим бор. Кейин инқилоб бўлди. Шунда мен «Амир қочди», «Бирлашайлик», «Шўро келди», «Инқилоб» деган шеърларимни айтганман.

Отахон тинмай шеър ўқир, давра тобора кенгайиб борарди. Даврадан кимдир секин қулоғимга шивирлади: «Сулаймон Стальский ҳам шу кишидек бўлгандир-да. Қаранг, шеър юракдан қайнаб чиқаётгандек...»

Отахоннинг чеҳраси ёришиб кетди. Овозида қатъият ва ишонч ҳукмрон эди.

— Партиямиз яратиб берган тақдирга ҳазор бор шукур. Ўтган умрим давомида ўн миллион тупдан кўпроқ ниҳолни данакдан кўкартириб бердим. Пенсиянерман. Давраларнинг тўри маники. Ғалаба байрами арафасида фронтда ҳалок бўлган бир юз ўттиз тўққиз нафар ҳам-

¹ Нони қоқ — сухари.

қишлоқ шаҳидлар хотираси учун еттитадан ниҳол кўкар-
тирдим. Урушда қатнашган етмиш кишига ўн тупдан бе-
пул ниҳол улашдим. Қасбимиз боғбонлик бўлса ҳамки,
шеърдан ҳеч кўнгул уза олмаймиз.

Дер эдим етти ёшимда, ниҳол экай, қатор бўлсин,
Ниҳолга баҳра бериш-чун дилим ҳам навбаҳор бўлсин.
Ҳамиша мақсадим — ишлаб етиштирган гулу мевам,
Қадрдон меҳнат аҳлига шифо бўлсин, мадор бўлсин!
Агар ўлсам таним хоки қувват бергай ниҳолларга,
Юрак бағримни кўридан беҳи, олма, анор бўлсин.
Ҳовучимга данак ушлаб ўлай, кўминг, ниҳол чиқсин,
Шарифийнинг мозори ҳам сеvimли мевазор бўлсин.

Шеърнинг охири сал ҳазинроқ эшитилди. Тингловчи-
лардан кимдир домлага далда бермоқчи бўлди.

— Ҳали жуда бардамсиз, домла, бемалол юзни кўз-
лайверинг...

— Раҳмат, биродар. Она қорнидаги билан қўшиб
ҳисобласак, етмиш бешдан ошибмиз. Энди дўстлар, бит-
та гап, келишиб олайлик: майли, биз-ку. етмиш беш ёшда
тўхтаб турамиз. Сизлар бизга етиб олинглар. У ёғига яна
биргалашиб кетаверамиз...

Ҳамма кулиб юборди. Отахон талабларга биноан яна
беш-олтита ҳажвий шеърларидан ўқиб ташлади.

— Тошкент ёқдими, отахон?

— Ёқди, ҳа, ёқди... Ана бу киши, барака топсинлар,
мани липт билар лип этқизиб ўн олтинчи қаватга олиб
чиқиб, тамошо бердилар... Э, жудо зўр бўлибди Тошкент.
Унга шеър ҳам бағишладим...

— Эшитайлик, отахон!

— Чала бўлса ҳам майлими? Хўп, ана бундай:

Янги Тошкент бўладир шаҳри гўзаллар гўзали,
Чунки офат йўқолиб, келди камолот маҳали...

Шарифий ялла ёзар, янги шаҳар қад кўтариб,
Қулочин ёзабориб, Москвани қучгай ҳали!

Отахон чойдан ҳўплаб олиб ниманидир эслади.

— Инқилобдан бурун Ҳовузи чақардаги чойхонада ус-тоз Айний бошлиқ шоирлар тўпланишарди. Улар орасида Наққош-гадо, Аҳмади — бехат, Дурди деган шоирлар бўлайти. Ман ҳам жума кунлари тоғамга эргашиб борайтим. Кейинчалик бунни ҳам шеър қилдим.

Самад маҳсум билан Садриддин Айний
Киришиб мангу дўсту оғайни...
Қилиб она-Ватанга дилни пайванд,
Халойиқ ғами бирлан эдилар банд.
Баъзи суҳбатларида бор эдим ман,
Ғаму кулфатларига ёр эдим ман.
Уларга сув бергувчи жомчи эрдим,
Улар денгиз эрди, мен томчи эрдим.

Ҳа, энди, Айний домлалар олдида биз бир томчи-да, биродар...

Бизнинг назаримизда бу томчи аллақачон дарёга айланган. Чунки бугунги кунда боғбон шоир Шариф Нурхоннинг икки минг мисрадан ошиқроқ ғазаллари, «Жўра ревком», «Жиззах», «Мичуринчи қиз», «Гўзаллик фожиаси», «Умрим саёҳатномаси» сингари дostonлари, бир қанча муҳаммас, мусаддас ва рубойлари шундан дарак бериб турибди. Фақат гап ана шу дарё сувидан халқни баҳраманд қила билишда. Бунинг учун нашриётларимиз, биринчи навбатда Республикамиз Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ходимлари жиддий шуғуллансалар кифоя.

...Яқинда Шариф Нурхон номидаги мактаб коллективи билан учрашиш мақсадида бир гуруҳ ёзувчилар унинг туғилган қишлоғига йўл олдик. Мактабга кираверишда дарвоза пештоқидаги каттакон радиокарнайдан шоир-

нинг фақат унинг ўзигагина хос бўлган самимий овози янграб турарди:

Зардўзи дўпписи борки, у чиройдан ҳам чирой,
Гар минорга илса дейсиз, Бухородан чиқди ой,
Мамлакат ичра бу ўлка ранг-баранг конларга бой,
Мазали обинаботи шаҳди-шаккар бирла мой,
Дўстларим, тезроқ келингиз гул Бухоро сайрига.
Бу улуғ тубсиз хазина, бойлигининг сони йўқ,
Мадҳини эшитса ҳар ким, кўрмаса имкони йўқ,
Партия таълим берибдир, меҳрининг поёни йўқ,
Шунда туғилди Шарифий, кўнглининг армони йўқ,
Дўстларим, тезроқ келингиз гул Бухоро сайрига.

Саид Аҳмад ёнида...

[Ҳужжатли ҳажвиялар]

Устоз Саид Аҳмад билан қўл бериб кўришганимга салкам ўн беш йил бўлибди. Шундан бери унинг қаноти остидаман. Ҳар куни бўлмаса-да, кунора у кишининг суҳбатига бўламан, ўзи айтмоқчи «Волга»сида «катайса» қилиб, йўл-йўлакай у-бу ишларни бажарамиз. Узоқ сафарларига ҳам мени эргаштиради, фақат чамадон кўтартириш учун эмас, албатта...

Хуллас, ушбу ҳажвиялар унинг ёнида бўлганимда юз берган қизиқ, кулгили воқеалар асосида ёзилган. Улардаги бош қаҳрамон Саид Аҳмаднинг ўзи.

«ҲАҚОРАТ» УЧУН РАҲМАТ

Қора костюмини билагига ташлаб олган Саид Аҳмад ака бошидан ола ҳошияли велюр шляпасини олиб, ўзини елпиди.

— Уф, Бухоронинг баҳори шундай қизиса, эрта ёзи-

да чидаб бўлмаса кераг-ов. Қани, юр-чи, апави китоб магазинига кирайлик.

Магазинга кирдик. Одам сийрак. Эшик олдидаги столга бир челақ сув қўйилган, ёнида қиррали стакан. Полга ҳам гул-гул сув сенилган. Саид Аҳмад ака «бу ер анча салқин экан», дея шифтга қараб олиб, русча адабиётлар бўлимини кўздан кечира бошлади. Худди шу пайт ён томондан қуйидаги сўзлар қулоққа чалинди.

— Китоб ўқийман десанг, ана буни ўқи. Энағарди боласи жуда яхши ёзади-да.

Иккаламиз ҳам ўша томонга кўз ташладик. Оқ-қизил йўлли нейлон кўйлак кийган, сочлари патила, мўйловли йигит ўзининг найнов шеригига гап маъқулларди. Қўлида Саид Аҳмад аканинг қизил муқовада чиққан иккинчи томи. Китоб сотувчи яҳудий йигит латта билан чанглари артиб турарди. Саид Аҳмад ака гапирма дегандек кўз қисиб қўйди. Йигит ҳамон сўзида давом этарди:

— Айтдим-ку сенга, бу баччағарни онаси кулдириш учун туққан. Телевизорда Эргашу Ҳасан ўйнайдиган минатураларнинг ҳам кўпчилиги шу ярамасники-да. Қани, тўла пулини! Мен ҳам битта оламан. Уқисанг бор-ку, кулавериб ременинг чўрт узилиб кетади, ва-ҳа-ҳа, икки қўлинг липпангда бўлади. Жиддо зўр ёзувчида бу падаҳат!..

Чапани йигитнинг кейинги ҳақоратига чидай олмадим. Меҳмонни хафа қилдириб қўймайман. Жаҳл билан уларга рўпара бўлмоқчи эдим, Саид Аҳмад ака билагимдан тугиб қолди. Бир четга ўтдик.

— Қўявер, Бухоронинг одамлари ҳам об-ҳавосидек жуда ўтли, оловли. Анови йигитнинг шу «ҳақорати» учун унга тўн кийдирсам ҳам озлик қилади,— деди у силкиниб куларкан.— У мени ёмон ёзади деб сўкмади-ку... «жидо-о-о зўр ёзувчи-да, бу падаҳат» эмиш... Раҳмат шу йигитга! Яхши одам-ку, лекин ёмон ёзади-да, энағар, деб сўкканида, нима қилардим?..

Ўзимизни танитмасдан ташқари чиқдик.

ҲАЗИЛИНГИЗ БОР БЎЛСИН!

Чоққина ҳовличанинг фонтанга яқин ерига стол қўйилган. Столда «ВЕФ» радиоси, кулдон ва чойнак-пиёла. Саид Аҳмад ака сигарета чекиб, аҳён-аҳёнда совиб қолган чойдан ҳўплаб қўяди. Саида опа ошхонада куймаланиб юрибди. Фонтанда босим кучайиб, столга сув зарралари сачрай бошлади.

— Кўтар столни, нарироққа олайлик!

Столни кўтариб, шу йил ҳосилга кирган хурмо дарахти остига оламиз. Саид Аҳмад ака кенг майкада, бошида эски бир дўппи қийшайиб турибди. Уст-устига сигарета тортиб, чой ҳўплайди. Бзовталаниб ҳовли кезади.

— Дунёда муснчадан аҳмоқ қуш йўқ,— деб қолди у,— бир ерга тухумини ҳам эплаштириб қўя олмайди. Қачон қарасанг, тухуми ерга тушиб синиб ётади...

Саида опа бир лаган ош кўтариб келди. Қосадаги ачиқ-чучукни ўртага қўйиб, ўзи ҳам ўтирди. У жуда мунис ва меҳрибон эди. Овқат давомида аёлларнинг ташвишидан, рўзгор ишларининг кўплигидан нолиб ўтирди.

— Тонг отиши билан кечқурун нима овқат қилсам экан, деб бошим қотади. Қаранг, шуям бир ташвиш. Бунинг устига ёзиш-чизиш.

— Каттароқ нарса ёзаяпсизми, Саида опа?

Опанинг баланд, қизғиш ёноқлари тиришгандек бўлди.

— Шеърлар ёзиб турибман. Каттароқ нарса ёзишга вақт қаерда дейсиз. «Сўқмоқлар»дан кейин...

Саид Аҳмад ака ҳозиржавоблик билан луқма ташлади;

— «Тўқмоқлар»дан кейин денг!

Саида опа: «Ҳазилингиз бор бўлсин!»— дея хижолатли жилмайди. Чунки Саид Аҳмад ака «Сўқмоқлар» қисаси танқидчилик томонидан анча турткилангани ҳақида беозоргина шама қилган эди.

Адабий баҳс бошланиб кетди.

ЖОНДАН ТҮЙДИРГАН ТОМОША

Бир куни Саид Аҳмад акани союзда учратиб қолдим. Одатдагидек атрофи тўла одам, қийқириқ, кулги. Мени узоқдан кўриб:

— Ҳа, бевафо, қаерларда юрибсан?— деди гина қилиб.— Дум деган ҳам шунча узоқлашиб кетадими?— кўриша туриб атрофдагиларга тушунтирарди.— Бу менинг думим, ўзиям садоқатли дум, чиройли дум. Бировлар бундан пальтосига ёқа қилмоқчи...

— Ака, ахир сиз катта ёзувчи, ажойиб одамсиз. Одамда дум нима қилади? Ахир дум дегани...

Саид Аҳмад ака:

— Бўлди-бўлди, айнима!— деди, кўтарилиши керак бўлган кулгини усталик билан бартараф қилиб.— Тайёргарлигингни кўр, индинга Ашхободга учамиз, «Келинлар кўзғолони» туркманчада қўйиларкан. Самолётга иккита билет буюрдим.

Рози бўлдим. Шу пайт драматурглардан кимдир унга битта «Таклифнома» тутқазиб, кечқурун қўйиладиган асари премьерасига тушишни илтимос қилди. Орадан бир кун ўтгач сафарга отландик. Дастлаб Марига, у ердан Ашхободга учар бўлдик. Ҳаво булутли бўлгани учун Марига учиш жуда оғир ўтди. Самолёт ваҳимали чайқалар, даҳшат билан пастга шўнғир, айрим пассажирларнинг аҳволи оғирлашиб, тез-тез стюардессани чақиришарди. Бечора қиз одамларни тинчлантириш учун бор овозда чинқириб гапирарди. Саид Аҳмад аканинг қалин лаблари кўкариб, ранги қум-қуйт ўчган. Менинг ҳам кўнглим айниб, манглайимдан дўлдек-дўлдек тер томчиларди. Ниҳоят Мари аэропортига соғ-омон келиб қўндик. Билетларни янгилаш керак экан. Касса олдида ҳорғин турган Саид Аҳмад акани гапга солмоқчи бўлдим.

— Дарвоқе, кечаги спектакль қалай ўтди? Қизиқ эканми?

Саид Аҳмад ака аввал хўмрайди, кейин хаёлига келган ғалати фикрдан чеҳраси ёришиб:

— Кечаги томошага тушишдан кўра, яна ўн марта Марига учиб келишга рози эдим!— деди.

Кассир хотин паспортларни сўради.

«БЕЧОРА ЛИЗА»

Мулланафас номидаги театр саҳнасида «Келинлар қўзғолони»нинг премьераси катта шов-шувларга сабаб бўлди. Янги спектакль туркман саҳнасида воқеа деб қайд этилди. Бундан театр коллективи ҳам, томошабинлар ҳам жуда хурсанд эдилар. Спектаклдан кейин Фармон биби ролини ўйнаган СССР халқ артисткаси Сўна Муродова уйда зиёфат берилди. Шубҳасиз, бундай ўтиришлар қадаҳсиз ўтмайди. Ҳамма ширакайф. Даврада ҳаддан ташқари гўзал, жайрон кўзлари дам ёниб, ҳам маъюсланиб турувчи, сарвқомат Лиза Гараева деган артистка ҳам бор эди. У ўзбекча ва туркманча қўшиқларни катта эҳтирос билан куйлади. Олқиш устига олқиш олди: Даврадагилар унга хушомад қилишар, уни кўкларга кўтариб мақташарди. Лиза Гараева бу хил хушомадларга кўникиб кетган шекиллик, бепарво жилмайиб ўтирарди. Шунда Саид Аҳмад ака ўрнидан турди. Меҳмон ҳурматиға ҳамма жим бўлиб қолди.

— Ким нима деса десин, дўғонлар,— деди у жиддий,— мен Лизани ўзим билан Тошкентга олиб кетаман. Ўйлашимча, биз бир-биримиздаги қусурларни бемалол тўлдирамиз. Чунки у ҳаддан ташқари гўзал, мен эса ҳаддан ташқари хунукман (кулги). Лекин ўзим унчалик ҳам қари эмасман. Ўттиз иккита тишимнинг ҳаммаси бутун. Чунки юқори-қуйиси протез (кулги). Кўзим ҳам жуда яхши кўради. Албатта, плюс бешинчи кўзойнак билан (кулги). Ҳали ҳасса олганимча йўқ. Чунки итдан қўрқ-

майман (кулги). Доим машинада юраман. Қисқаси, дугонлар, мен Лизани ўзим билан Тошкентга олиб кетаман. Лекин бир нарсадан ташвишдаман: у Тошкентда қолиб, мен буёққа келиб қолмасам эди. Чунки бу ерда менга ўхшаганлар жуда кўп экан (кулги).

— Бу Кемина!— деди режиссёр Омон Қўмаков.— Ўзбекнинг Кеминаси!

Саид Аҳмад ака кулдиришда давом этарди, Лиза Гарасва эса ширии жилмайиб ўтирарди.

— Хуллас, мен Лизани ўзим билан олиб кетаман. Биламан, Лизага муносиб эмасман, унинг жазманлари жуда кўп. Чунки у гўзаллар малнкаси. Мен эса хунуқлар султони. Фақат бир илтимосим бор: шубҳасиз, мен унинг ҳажрида, фироқида ўлишим мумкин. Ҳалок бўлишим аниқ. Илтимос, шунда Лиза бошдан-оёқ қора кийиб, жасадим солинган тобут олдида бош эгиб турсин. Қўзига ёш келмаса, майли, тупугини суртсин. Қўрган одамлар: «Бедная Лиза!» десалар, шунинг ўзи кифоя менга!..

Даврада баланд кулги кўтарилди. Умумий кулги орасида худди жонон пиёланинг жарангидек ингичка қийқириқ эшитилди. Бу — гўзал, мағрур жувон Лиза Гараеванинг кулгиси эди.

Қилич оға исмли кекса актёр «ўзбек Кеминасининг соғлиғи учун» қадаҳ кўтаришни таклиф этди.

Насридиннинг қайтиши

[Афанди ҳайкали ёнида бир соат]

Баланд янграган қаҳқаҳа бир томони Қўкалдош, иккинчи томони Ҳайдар элчи мадрасаларининг осмонўпар, нақши нигорли деворларига урилиб, акс-садо берди. Пастда — Девонбеги ҳовузининг зилол сувлари бетида майин, сержило табассум. Гўё ҳалиги қаҳқаҳа аша шу

сув бағрида ўз оромини топгандек бир муддатга тиниб қолди. Ҳаял ўтмай ўша қаҳқаҳа яна такрорланиб, унга қоришиқ ҳолда қувноқ, ҳаётбахш тарона янгради:

Том бошида то-ғора-раа,
Тоғорада зогора.
Зогорани ёполмай, ёре-й,
Чолу кампир о-во-ра...

— Бу Хўжа Насриддиннинг қўшиғи,— деди «Роҳат» чойхонасининг кекса мижозларидан Амак,— у кишини киндик қонлари тўкилган жой — Бухорода доимий «прописка»дан ўтказиб қўйдик. Агар менга қолса бор-ку, ўша кинони ҳам «Насриддин Бухорода» эмас «Насриддин Бухородан» деб атардим.

Лоторей махсум лақабли чойхўр қўлидаги кўк чойли пиёлани «тўқ» эткизиб дастурхонга қўйди.

— Э, нима қиласиз гапни кўпайтириб. Хўжа Насриддиннинг элликта ватани бор, ўн иккита қабри бор. Уйлаб гапиринг, бояна жанжол бўлиб юрмасин. Ҳозир замона биласиз-ку, бир машҳур одам чиқса, ҳамма бизники дейди. Қўйинг бежанжол...

— Нима жанжал бўлади? Нимага?— қизишди Амак.— Бухорода туғилган десак гуноҳми? Аслида туғилган ери ҳисоб. Абу Али ибн Сино ҳам Бухорода туғилганлар, кейин бошқа мамлакатларни ватан тутганлар, ҳатто қабрлари ҳам ўша ёқларда қолиб кетган. Бобомдан эшитганман, Хўжа Насриддин асли...

— Хўп-хўп!— деди Лоторей махсум.— Хўжа Насриддин асли сизнинг «Хўжалар» қишлоғида туғилган. Бўлдими? Сизга худо бас келмаса, бандаси...

— Ув, Латарей, кўп тилимни қичитма!..

Ёши бир ерга бориб қолган, барваста гавдали «профессор» уларнинг баҳсига чек қўйиш мақсадида шарт ўрнидан турди.

— Бўлди! Бас қилинглар!— деди чарм папкасини қўл-

тиғига қисиб,— жанжол, жанжол деб ўзларинг жанжаллашиб ўтирибсизлар-у... Юринглар, яхшиси меҳмонга Хўжа бобонинг ҳайкалини кўрсатайлик. Илминг туби кенг. Бир кунмас бир кун Хўжа Насриддин қаерда туғилган, уйланганми, хотинининг оти нима, бола-чақаси борми, эшагининг ёшигача, соқолининг мўйигача аниқлаб беришади. Қани, юринглар!

Ҳамма кула-кула унга эргашиди. Сўрида ёлғиз Лоторей махсумгина қолди. Лаби ҳовузнинг кун чиқар томонидаги тош зинадан оҳиста юқори кўтариламиз. Рўпарадаги хиёбонда баландлиги уч метрча келадиган қизғиш бронза ҳайкал. Унда гижинглаган, ёлдор эшаги устига бемалол миниб олган қизиқ бир қиёфа: бошига қийиқчадан салла ўраган, бодом қовоқли, қошлари шўх чимирилган, тағалак соқоли ярашиқли, ўнг қўли кўксиди, чап қўлини боши узра кўтарганча ғалати жилмайиб турибди. Оёқларида каласангги малла кавуш, туриш-турмушидан ҳаракат ва кулги ёғилади.

Наҳотки шу Хўжа Насриддин бўлса? Бошқачароқ бўлиши керак эди, шекилли. Кўзимни юмиб, узоқ йиллар тасаввуримда яшаб келган қиёфани хаёлда гавдалантирмоқчи бўламап. Қани энди ўша қиёфа тезроқ кўрина қолса. Бўлмади. Яна ҳайкалга қараб олиб, кўзларимни такрор юмаман: тасаввуримда рўпарадаги шу ҳайкал бор бўйи билан гавдаланиб тураверди, тураверди...

«Салом, пийри қаҳқаҳа! Салом, қувноқ донишманд!»— дея пичирлайман. Одам гавжум. Шовқин-сурон авжида. Икки сураткаш йигитнинг фотоаппаратлари басма-басига чириқлайди. Ҳамманинг юзида табассум, алоҳида-алоҳида гуруҳларда узуқ-юлуқ кулги, ора-орада қийқириқ эшитилади. Юрагим ҳаприқиб, бутун вужудим фахр ва ғурур туйғусидан дир-дир титрайди. Назаримда бу — кулгига, хурсандчиликка, табассумга ўрнатилган ҳайкал эди. Улфатларга чап бериб, қадимий тут дарахти панасидан одамларни кузата бошлайман.

Эгнига олача чопон кийиб, белини солдатча камар

билан бұшгина бойлаган, бошига қора шапка құндирган қизил бурунли бир киши одамларни турта-турта ҳайкалга яқин келди.

— Э, вей, сурраткаш,— деди у энсиз кўкрагини олдинга чиқариб,— бизга ҳам навбат келадими ўззи?

— Ҳозир, аккамулложон, ҳозир,— деди тақа мўйловли жиккак сураткаш.— Ана бу қизалоқдан кейин сизни очират. Бирпас... ана, бўлди. Нўвбат сизга! Э, яшаиғ, шоввоз! Қани, афанди бобомнинг эшакларига яқинроқ туринг! Чайқалманг кўп бешниктерватардай. Ҳа, ана шундой!

— Ҳў, Соқи пиён!— дея қичқирди кимдир.— Ҳушёр, бўл, яна Ҳўжа бобомнинг эшаклари тепиб олмасин!

— Оғзингди юм!

Кулги.

— Қизиқ! Анави келинчак афанди бобонинг ҳайкалларини тавоф қиляптими?

— Ҳа, шўрликнинг эри ҳеч кулмас экан, афанди бободан иситиб беринг, деб илтижо қиляпти. Қани, сиз ҳам оминг деб юборинг!

Кулги.

Омадим чопмади. Улфатлар кўриб қолишди.

— Ҳа, балосиз-да, балосиз!— деди Амак мен томон бош чайқаб келаркан.— Бир пана жойга яшириниб олиб, «шипионлик» қиляпсизми? Биламаи, сиз «ўғри»ни! Гап ўғирлайсиз, кулги ўғирлайсиз... тис-е, ана у томонга қаранг. Мулло Шакар келди. Ёнидаги шогирди, собиқ магазинчи Зиё қаллоб. Ҳозир уям намозхон бўлган...

Қатма-қат узун тўн ва яхтақлар кийиб олган, саватдек чиркин дасторли, ўнг оёғидаги қўнжи қисқа махсидан пайтаваси осилиб турган қария ҳайкалга қараб чинқириб юборди:

— Ҳай-ҳай-ҳай! Қим қилмагай, ким топмагай! Ажаб бўлибту, хўб бўлибту!

Зиё қаллоб секин сўради:

— Қалай, мақбулми, эшон бобо?

— Бул новбакор Хожа Насриддин одамлардин, шайху муллолардин кулиб, аларни масхараю мазоқ қиларди. Изойи мўмин ҳаром деганлар. Ана оқибат, мана оқибат! Қилмишига яраша бўлибдур. Парвардигори ҳажда ҳазори олам уни эшшаги бирлан қўшиб, заранг тошга айлан-тирибдур...

Бир йигитча унинг сўзини бўлди:

— Э, қўйсангизчи, бу ҳайкал-ку! Яков Шапиро деган машхур ҳайкалтарош яратган...

— Яратган дема, бадбахт, яратган дема!

Ҳамма кулиб юборди. Мулла Шакар ёқа ушлаб истиффор айтди.

Кулги тингач «профессор» секин билагимдан тутиб, яқиндаги ўриндиққа бошлади.

— Биласизми,— деди у ўйчан,— ҳали Амак айтган гапда жон борга ўхшайди.

— Хўш?

— Хўжа Насриддин Бухорода туғилган!— дея сўзида давом этди у қатъий ишонч билан. Кулгим қистади. Лекин у тамоман жиддий эди.— Буни унинг исми-шарифидан ҳам билса бўлади. Хўжа Насриддин... ўзингизга маълумки от ясовчи «дин» қўшимчаси кўпинча Бухорога хос. Масалан: Садриддин, Фахриддин, Баҳриддин, Қиёмиддин, Насриддин ва ҳоказо. Бунинг устига Бухоро диннинг маркази ҳам ҳисобланган. Унда «хўжа» ва «саид»лар кўп. Ҳатто «Хўжалар» деган қишлоқлар ҳам бор.

Бошқа шаҳарларда йўқ эканми?

— Албатта, бошқа шаҳарларда ҳам йўқ эмас. Лекин уларда «Хўжа» сўзи отдан кейин келган: Асрор хўжа, Парпи хўжа, Нўъмон хўжа сингари. Бухоро, Қарши ва Самарқандда эса бу— Хўжа Аҳрор, Хўжа Саид Пўлот, Хўжа Порсо, Хўжа Насриддин сифатида ишлатилган.

— Қизиқ...

— Ҳа, шунақа қизиқ гапларни топиб юрамиз-да!— «профессор» оқ тушган қошларини учуриб қўйди.— Япа

Ўзингизга маълумки, Бухоро Шарқда тижорат ва дин маркази сифатида машҳур бўлиши билан бирга у жабр-зулмнинг ҳам ўчоғи ҳисобланган. Шунинг учун ҳам хон ва амирларга, бой ва бекларга, дин пешволарига қарши бир қаҳрамон керак эди. Қисқаси, шу заминда Хўжа Насриддин туғилган. У бамисоли руслардаги Иванушка тентаквой, қозоқлардаги Алдар кўса, тожиклардаги Мулло Мушфиқи, қорақалпоқлардаги Умирбек лаққи сингари халқ қаҳрамонларидек зулм ва бедодликка қарши курашган. Хўжа Насриддин Бухорода туғилиб, кўпгина дошизмандлар сингари қувғинга учраган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шундай қилиб, Хўжа Насриддин Озарбайжон, Татаристон ва мамлакатимизнинг бир қатор бошқа республикалари, шунингдек, бутун Шарқда — Суриядан то Афғонистонгача шуҳрат топган. У Туркия чегарасига балоғат ёшида етиб боргач, «Афанди» номини ҳам олган бўлиши мумкин...

Профессорнинг сўзини ҳайкал тарафдан эшитилган навбатдаги қаҳқаҳа бўлди. Мен ҳам худди шуни истаб турган эдим.

— Илмнинг туби кенг, домла!— дея уни ўз сўзлари билан юпатдим.— Бу жуда мунозарали гап.

Яна ҳайкал ёнига келдик. Худди шу пайт сочи елкасига тушган, белдан қуйиси ингичка, попишакнусха бир йигитча чўнтагидан пакки чиқариб ҳайкалга яқинлашди.

— Ҳой, бола,— деди Амак ўдағайлаб,— агар отингни ёзмақчи бўлсанг, афанди бобонинг эшакларининг орқа оёғига ёз! Биламан сайларни... ҳў, бракодел, такасалтанг!

Йигитча ола-кула қараб олиб, кўздан ғойиб бўлди. Шляпа кийган олифта бир киши даврага келиб қўшилди. У ҳайкалга бир муддат қараб турди, кейин қуйи лабини дўрттайтирганча писандсиз бош чайқади.

— Бўлмабди, афандининг соқоли узун бўлиши керак эди.

— Бекор гап,— деди Амак унга ҳам эътироз билдириб,— афандининг соқоллари узун бўлмаган. Бу ҳақда латифа ҳам бор. Мана, эшитинг: Бир куни бозор айланиб юрган Хўжа Насриддин узун соқолли домла-имомга рўпара келади. Шунда ўз соқолидан уч тола мўйини «чирт-чирт» юлиб олиб, домла-имомга тутади.

— Тақсирим, шу уч тола мўйини сотиб олсалар.

— Қанча сўрайсан?— дебди домла-имом масхараомуз.

— Юз танга!— дебди Хўжа Насриддин. Домла-имом қўлларини кўкка кўтариб, атрофдагиларга қичқирди.

— Бандаи мўмин! Эшит, манови товламачининг гапини, уч тола соқол мўйинга юз танга сўрайдур!

— Хўп, майли, олинг, эллик танга!— дебди Хўжа Насриддин.

— Бу соқол мўйи бир тангага ҳам, ярим тангага ҳам, ҳатто бир ҳовуч ҳоки сиёҳга ҳам арзимайди!— дея қичқирди домла-имом.

— Бир ҳовуч қора тупроққа ҳам арзимаса, нега ўзингиз соқолни бир боғ бедадай қилиб кўтариб юрибсиз?— дебди Хўжа Насриддин.

Амак латифани жуда қотириб, ўрнига қўйиб айтгани учун гуррос кулги кўтарилди. Шляпали олифта киши ломим демасдан нари кетди.

— Биласизми,— деди «профессор» қиқир-қиқир кулиб,— Бухоро халқи жуда удумчи-да. Шу ҳайкал ўрнатилгандан бери анчагина қизиқ урф-одатлар пайдо бўлди. Янги фарзанд кўрган оналар чақалоқлар тез ва равон юриб кетсин учун афандининг эшагига миндириб олишадди. Илк бор «свидания»га чиқадиган йигит-қизлар эса учрашув жойи сифатида шу ҳайкал ёнини белгилашадди. Ҳаётлари ҳушу хурсандчилик билан ўтаркан...

Қисқаси бу ерда ҳар куни байрам. Одамларнинг қувончи беқиёс. Гўё узоқ йиллардан кейин Хўжа Насриддин ўзбек тупроғига қайтиб келгандек.

...Яна ҳайкалга тикиламан. Қимдир бир сават гул келтириб қўйди. Бола кўтариб олган йигит: «Афанди бобонгга салом қил, ўғлим!»—деди. Бола ҳам қийқариб:

— Шалом, боб-бо!—дея ҳайкалга талпинди.

ҲАЖВИЯЛАР



Сўрғич

Сўрғичга ўрганган бола ашаддий кашандадан ҳам баттар бўлиб қолар экан. Оғзидан сўрғичи тушдимини, тамом: «ва-ва... ар-ар... биғ-биғ...» Бизнинг эркатои ҳам ма-на тўрт ёшга тўлибдиямки, оғзидан сўрғич аримайди. Жонивор сўрғич сўрғич бўлиб яралганига минг пушаймон. Эркатоимиз бир соатда рангини ўчириб ташлайди. Бола пақир шунақаям чўлпиллатиб сўрадики, асти қўяверинг. Бу ҳам етмагандек «уддабурон» шофёрга ўхшаб ҳар куни бўлмаса-да, ҳар икки кунда битта сўрғичнинг резинасини «прокол» қилади. Яна «ва-ва», яна «ар-ар», яна «биғ-биғ». Унинг дийдиёси, айниқса, кечалари авжига чиқади. На онасида ҳаловат бор, на менда уйқу.

Кеча оқшом яна уйқу бўлмади. Онаси билан иккаламиз бир аҳволда тонг оттирдик. Сўрғичбой тўра бўлса маст уйқуда, муштчаларини оғизларига тиқиб, пишиллаб ётибдилар. Қараб туриб, иккаламизнинг ҳам раҳмимиз келиб кетди: шўрлик гўдаккина!

— Юринг нариги уйга!— деди хотиним зарда қилиб. Мен унинг изидан судралиб залга чиқдим.— Бугун ернинг тагидан бўлса ҳам толиб келасиз.

— Қаердан топаман?— дедим елка қисиб.

— Ёймачилардан олинг. Иккитаси бир сўм. Радиога бир жуфт батарея ҳам оласиз. Бир ойдан бери овози ўчган. Унинг ҳам иккитаси бир сўм.

Шу пайт кеча ётиш олдидан ўйлаб қўйган лекциямни бошлаб юбордим.

— Эр — нина бўлса, хотин — ип! Билдингми? Мен — нинаман. Мен қаерни тешиб ўтсам, сен ҳам ўша тешикдан ўтасан. Орага тугун тушса, нима бўлади? Сен — ип, чирт этиб узиласан! Билдингми? Яна...

Лекциядан кейинги «бадий қисм»ни хотин давом эттирди. Унинг «куй» ва «қўшиғи»га қўшни хонада уйғониб қолган Сўрғич бойвачча жўр бўлганда, эшикдан чиқиб кетдим.

Миям ғувиллаб гараж томон юрарканман, орқадан қўшнимиз Маҳкам аканинг овозини эшитдим. Тўхтаб ҳолаҳвол сўрашдик.

— Рангингизни бир оз олдирибсизми, укам?— деб юзимга тикилди у.

— Ҳа!— деб жилмайишга ҳаракат қилдим. Кейин бутун воқеани тафсилоти билан Маҳкам акага тушунтирдим. У киши хо-холаб кулдилар, сўнгра:

— Гилдирак айланяптими?— деб сўрадилар.

— Айланяпти.

— Унда ёқинг мошинни! Чилонзорда бир аптекачи укамиз бор. Борсак, сўрғич деганнинг бир қопини топиб келамиз.

Машинани юргиздик. Ҳайдадик Чилонзорга. Йўл бўйи ўйлаб бораяпман. «Ун бир тийинлик арзимас матоҳни ёй-мачидан эллик тийинга оладиган анойи йўқ. Аптекада бўлса, кўтарасига элликтасини сотиб оламан. Ортиб қолса, яқинда туғиладиган укаси ҳам сўрар...»

— Бу, менга қаранг, укам,— деди Маҳкам ака хаёлимни бўлиб.— Ҳаётимиз фаровон, туғилиш ёмон эмас. Барака топкур ҳукуматимиз болали оналарга яхши шароит яратиб берапти. Ман, сизга айтсам, укам, нафақани кўпайтириш ҳақида чиққан қарордан кейин, туғишни йиғиштириб қўйган аёллар, яна «туғаман»га тушиб қолди. Ҳа, майли, бола-чақа кўпайсин. Сўрғич бир гап бўлар...

Атроф гўзал. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Лекин кўзим машина спидометрида: дарров 15 километр йўл босибмиз. Бир

гастрономга яқинлашганда, Маҳкам ака беозор елкамга қўл ташлади:

— Мана шўтда бирпас тўхтатинг!

Тўхтатдим. Маҳкам ака машинадан тушдию, пилдираб гастрономнинг орқа дарвозаси томон йўл олди. Шу кетганча ярим соатдан кейин қайтиб чиқди. Ҳансираб машинага ўтирди. Оғзидан гупиллаб ароқ ҳиди анқирди.

— Э, омон бўлинг, укам-эй, укам,— деди у пихиллаб куларкан.— Парво қилманг, сўрғич ҳам гап бўптию... Энди йўл усти ўзимизнинг ҳам бир ишни бажариб олдик. Анави банкачаларда биласизми, нима бор? Йўқ, топа олмадингиз. Паштет эмас. Бу — қора икра. Иккитасини ўн икки сўмга олдик. Бор-йўги юз граммдан икки юз грамм. Жа дефицит. Лекин ўзиям-чи, қора нон ва коньяк билан жа ачомлашади-да. Келаси ҳафта хўжайинларни айтмоқчийдик... Шўтда тўхтатинг.

Тўхтатдим. Ен томондаги аптекага кирдик. Қисқа энгли кўйлак кийган ориққина бир йигит бизга пешвоз чиқди. Ичкари кирдик. Маҳкам ака:

— Рихсивой, бу спирт-писпиртиг йўқми?— деб сўради.

— Бор-бор!— деди Рихсивой. Орқадаги хоначада кичик дастурхон тузалди. Газакка иссиқ нон, редиска ва барра саримсоқ қўйилди. Рулдалигим учун қанча қис-ташмасин — ичмадим. Маҳкам ака икки пиёла сув ара-лаштирилган спиртдан симириб, анча яйраб қолди. Кетиш олдидан ўзига кўзойнак сўради. Секин эслатдим:

— Маҳкам ака, сўрғич...

— Ҳа-ҳа, Рихсивой!— деди Маҳкам ака шошилиб.— Эсдан чиқаёзибди. Ана бу акангга сўрғич, ҳа, ўша сўс-кангдан керак эди.

Рихсивой ҳам сал-пал ичиб олган эмасми, сўрғичнинг йўқлигидан анча хижолат чекди.

— Қорақамишдаги аптекада бўлса керак,— деди у билагидаги электрон соатини кўтариб қўяркан.— Ўзим ҳам ўша томонга кетаётган эдим, машина бўлса...

— Машина бор-да, акаси,— деди Маҳкам ака ғалати чайқалиб.— Қани, кетдик.

Қорақамишга жўнадик. Рихсивой йўл бўйи гапириб борарди:

— Энди бу сўрғич деганингиз, ўзи копейка. Бир келса, вагони билан тиқилиб ётади. Тўғриси, кейинги пайтларда «БТ», «Опал» сигареталаридай сўрғич ҳам чайговга чиқиб кетди.

Атроф гўзал. Баҳор шабадаси ғир-ғир эсади. Машина елиб бораяпти. Спидометрга қарайман: 35 километр. Бензин ҳам камайиб бораяпти.

— Мана шўтда тормоз беринг!— деб йўл четидаги майдонга ишора қилди Рихсивой.

Бирин-кетин машинадан тушдик. Аптекага кирдик. Рихсивой аптекачи қиз билан саломлашгач, «Шавкат борми?» деб сўради, «ҳа» жавобини олгач, бизларни ҳам ичкарига бошлади. Шавкат исмли полвонсифат йигит қоғозларга кўмилиб ўтирарди. У бизни жуда хушчақчақ қарши олди. Холодильникдан икки шиша чех пивосини олиб, Маҳкам ака билан Рихсивойга қуйиб берди. Мен ичмадим. Ниҳоят, мақсадга кўчилди:

— Бу акамларнинг вақтлари зикроқ. Сўрғичдан борми?— деди Рихсивой менга бир қараб қўйиб.

— Сосками? Йўғиди-я,— деди афсус билан.— Яқинда тугаган эди. Ўзиям соска жонивор сувдай кетади-я. Бир келинчак бор. Ҳар ҳафтада ўн-ўн бештасини олиб кетарди. Боласи жуда шўх экан, тишлаб йиртиб ташлайвераркан...

— Шунақасидан бизда ҳам бор,— дедим кулиб.— Шавкатжон, шу сўрғич деганингизнинг покришқасини капроний қилиб чиқаришса бўлмасмикин?

Кулишдик. Маҳкам ака:

— Оббо, укам-эй, укам!— деди елкамга шапатилаб.— Бу сизга «Москвич»нинг баллони эмас-ку. Қани, кетдикми?

Қўзғалдик. Шавкат бизга «бирпас кутиб туринглар» ишорасини қилиб, ўзи чиқиб кетди. Миямда умид учқуни

йилтиради. Йўқ, гап бошқа томонда экан. Шавкат қайтиб кириб:

— Қайси томондан кетасизлар?— деб сўради.— Хадра орқалими?.. Унда жуда соз. Ҳозир сизларга бир болани қўшаман. Бозор ичидаги аптекада бир опахон ишлайдилар. Албатта топиб беришади. Сен қоласан-а, Рихсивой?

— Ҳа.

Рихсивой қолди. Биз учаламиз: Маҳкам ака, мен ва Шавкат айтган бола машинага ўтирдик. Орқадан Шавкат келиб, яна эшикни очиб болага тайинлади.

— Ҳалигиларнинг ёнига бир кило помилдори, бир кило свежий бодринг ҳам қўшиб ола кел!

Атроф гўзал. Машина елиб бораяпти. Қўзим спидометрда: 50 километр. Орқа ўриндиқда Маҳкам ака. Боши кўксида «хурр-хурр» ухлаб бораяпти. Баъзан-баъзан «пуф-пуф»лаб нафас чиқаради. Маза-да, катта одамлар сўрғичсиз ҳам ухлайверишади.

Бозор ичида тўхтадик. Бола машинадан тушиб, чопқиллаб кетди. Ун минутлардан кейин қайтиб чиқди.

— Ҳозир келадилар.

Бир оздан кейин яхши кийинган, семиз, қошлари туташ бир опа чиқиб биз томонга юрди. Эшикни очиб, пастга тушдим. Маҳкам ака ҳамон ухлаб ётарди.

— Мана, ука,— деди опахон.— Энди хафа бўлмайсиз, бори шу экан.

Бир қоғоз тутқазди. Қоғозни эҳтиётсиз очган эканман, икки дона сўрғич ликиллаб, қўлимдан тушиб кетди. Ердан кўтардим.

— Яна тўрт-бешта қўша олмайсизми?

— Йўқ, жон ука, бўлса бир оғиз сўзингиз,— деди опахон.— Тўғриси, шуниям, анови ёймачилардан олдириб чиқдим.

— Ёймачилардан?!— деб анграйиб қолдим. Бир сўм узатган эдим, опа, ўламан саттор олмайман, деб изига бурилиб кетди. Пулни ҳалиги болага тутқаздим, шоши-

либ рулга ўтирдим. Газни қаттиқ босган эканман, Маҳкам ака уйғониб кетди.

— Пиваси курсин, жуда бўшаштириб юборди-е,— дея гудранди-да, яна уйқуга кетди.

Машина елиб боряпти. Атроф гўзал. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Кўзим спидометрда: 75 километр. Бензин ҳам тугай-тугай деб қолди. Ярим куним бекорга ўтди. Ана буни «тежамкорлик» деса бўлади. Хотинимга шу тафсилотни айтсам борми, «тежамкорлик» ҳақидаги лекцияни у давом эттириб, «бадий қисм» ўзимга қолиши аниқ.

Ҳар қалай, Сўрғич тўра бу оқшом яхши ухласа керак.

Мандарин пули

Ҳамма гап мандариндан чиқди. Маҳаллий комитет раиси Янги йил дастурхони учун «mandarin уюштириб», ходимлардан пул йиғишга киришди. Матбуот ходимларида пулнинг чўғи талант, меҳнат ва ҳафсала билан ўлчанади. Шунинг учун бировда камроқ, бировда кўпроқ. Унчамунча отиб турадиганларда эса ой охиригача ҳеч вақо қолмайди. Лекин мандарин ҳаммага керак. Кеча келган практикант йигит ҳам қизиқиш билан:

— Мандарин.. бу апельсинми?— деб сўради.

— Йўқ,— деди хатлар бўлимининг мудури билимдонлик билан,— мадарин бу ўртаҳол, апельсиндан кичикроқ, лимондан ширинроқ, цитрус дарахтининг меваси.

Ҳаммаёққа бирпаснинг ичида «mandarin, mandarin» деган шов-шув тарқалди. Чўнтаклар кавланди, қўни-қўшиллардан сўраб кўрилди. Одатдагидек қишлоқ хўжалик бўлими мудури — корректордан, саноат бўлими мудури — редакторнинг шофёридан, масъул секретарь машинисткадан қарз олди.

Маданият бўлимининг адабий ходими, ёши қирқлардан ошган Дўснат Кўзи ҳамхонасига юзланди:

— Ойликкача ўн беш сўм бериб тура олмайсизми?

— Қошки бўлса!— деди ҳамхонаси кафтларини очиб.— Кеча хотинга пальто олган эдик. Ўзидан ҳам мўйнаси қиммат экан. Бўлса, жон деб берардим. Ўзимга ҳам беш сўмча етмай турибди.

Ҳамхонаси ғирт ёлғон гапирди. Буни икковлари ҳам сезиб турардилар. Чунки бундан олдин ҳам Дўснат ҳамхонасидан бир неча бор қарз олган, аммо вақтида қайтаролмай, анчагача хижолат чекиб юрган эди.

— Менда ҳам уч юз сўмча бор эди-ю,— деди у ёлғон гапириб,— кеча бозор кунин хотин ўзига зирак олиб келибди. Анча ғижиллашдик. «Нима қилардинг олиб», десам, «тилланнинг қадрин яна ошаркан», дейди. Роса койидим. Аслида-чи, пулнинг баракасини шу хотинлар учиради. Ана энди нима қилишга ҳайронман. Тушликка Сарви опадан бир сўм олдим. Бу ёқда гонорар ҳам ишлай олмайман.

— Нега?

— Қим биледи, дейсиз. Чарчаб қоляпман. Кечқурун уйга аранг судралиб бораману, «Время»ни кўрибоқ уйқуга кетаман.

Ҳамхонаси насиҳат қилишга тушди:

— Киши ўзини ўргатиши керак. Бўлар-бўлмасга тенгираб юришдан фойда йўқ. Ҳар шанбада икки-учтадан латифа ёки пойма-пой гаплардан ёзсангиз ҳам чой пулнингиз чиқиб туради.

— Тўғри,— деди Дўснат Қўзи уч кунда бир олинандиган соқолини силаб,— авваллари жуда кўп қизиқарли латифалар, ҳажвийлар тўқирдим. Ҳикоячаларим ҳам чиққан. Ҳозир ҳам кечалари баъзан уйқум ўчиб кетиб, жуда қизиқ-қизиқ темалар, латифалар мияга келади-ю, туриб ёзишга эринаман. Эрталабгача эсимдан чиқиб қолади.

— Ёстигингизнинг тагига қалам, ён дафтарча қўйиб ётинг. Эсингизга келганини дарров туриб ёзинг.

— Туриб чироқни ёқишни айтмайсизми?

— Унда бош томонингизга стол лампасини қўйиб

ётинг. Ёқиш учун иссиқ ўриндан туриб овора бўлмайсиз. Дўснат Қўзи яна индамай қолди.

— Яқинда стол лампаси учун каравотнинг бош томонига розетка ҳам ўрнатдим,— деди у хўрсишиб,— яна бўлмади. Хотин, «ўчиринг чироқни, Ёрмат уйғонади!» дейди. Ёрмат ўғлимиз, уч яшар. Жуда инжиқ. Шундай қилиб, қанчадан-қанча тема, кулгили гап, латифа ва ғаройиб фикрларим ёзилмай эсдан чиқиб қоляпти.

Ҳамхонаси Дўснат Қўзига қаради. Унинг қовоғи солик, бир нуқтага ўйчан тикилиб турарди.

— Хотинингиз билан бирга ётасизми?

— Қайси маънода?— деб сергакланди Дўснат.

— Бир каравотдами?

— Ҳа,— деди Дўснат кўзлари чақчайиб,— каравотимиз ёнма-ён қўйилган.

Ҳамхонаси ўрнидан туриб, кафтларини бир-бирига ишқади-да:

— Унда шундай қиласиз, мулла Дўснат,— деди илжайиб.— Эсингизга бирор тема, латифа, ғаройиб фикр келиб қолса, чироқни ёқиб ҳам, ёзиб ҳам ўтирманг. Чунки бола уйғониб қолиши мумкин. Яхшиси, секин туртиб, хотинингизни уйғотинг.

— Кейин-чи?

— Кейин ўша миянгизга келган фикрларни пичирлаб хотинингизга айтиб беринг. Эрталаб эсингизга солади.

Дўснат Қўзи базўр илжайди.

— Шундай ҳам қилиб кўрганмиз,— деди у қўлларини столга тираб.— Дастлаб хотинимни туртиб уйғотишим анча қийин бўлди. Кейин фойда-зарарни тушунтиргач, аранг кўнди. Жуда кўп янги гапларни унга пичирлаб, айтиб бердим... Яна бўлмади.

— Нега?

— Хотиним ухлаб қоляпти...

Ҳамхонаси қаҳ-қаҳ урганича қорини ушлаб, йўлакка чиқиб кетди. Унинг миясида янги ҳажвия тайёр бўлган эди. Бир оздан кейин Дўснат ҳам чиқиб, ретушчи қиздан

қарз сўрагани рассомлар хонасига йўл олди. Ҳамхонаси эса қайтиб келиб столга ўтирди. Оппоқ қоғоз бетига «Мандарин пули» деб ёзиб, остини чизиб қўйди.

Қассоб бобонинг ити

Ола ғунажинимиз бу йил ҳам қисир қолди. Дадам: «Энди бўлмади. Болаларим, оққа етамиз деб кўзларингиз оқараёзди, бу зормондани сўйиб, пулига жой қиламиз» — дедилар. Эртага бозор деган куни уйимизга қассоб келди. Мол сўядиган киши жуда салобатли бўлади дердилар, унчалик эмас экан: қора тиринка яктакли, ҳаракатлари чаққонгина чол. Усиқ қошлари ва соқол-мўйлови оппоқ, Тўғри, кўзлари бир оз ола, ана шу ола жойига андак қон қуйилган. Мен у киши билан ҳайиқмасдан кўришдим. Ҳа-да, ҳеч қўрқадиган жойлари йўқ. Ўзлари ҳам жуда шўх эканлар, ҳар гапда бир кулдирадилар.

Чой-нондан кейин дадам ғунажинни етаклаб келишни буюрдилар. Ўзлари бостирма остида кетмон билан чуқур қазишга киришдилар. Утпояга қараб кетдим. Йўл-йўлаккай, бир пайтлар кўзимга балодек ўринган ғунажиннинг раҳмини еб борардим. Юрагим ачишиб, кўзларимдан ёш тўкилди. Жониворни етаклаб қайтганимда, қассоб бобо тўрт букланган шол хуржундан кир латта олиб, белларига осдилар. Бу халатлари бўлса керак. Кейин икки-учта пичоқ олиб, қўрғошин рангидаги темирга «хиш-хиш»ла-тиб қайрай бошладилар. Титроқ қўлларим билан ғунажинни ипини дадамга тутқаздим, орқага чекиндим. Бостирма ёнидаги оғилда кўзларимни чирт юмиб қулоқ солиб турдим. Бир пайт қассоб бобомнинг «ҳаҳ» деганлари-ю, «гурс» этган овоз, яна бир оздан кейин қаттиқ хириллаш эшитилди. Увв! Этим увишиб кетди.

Оғилдан қўрқа-писа чиққанимда, қассоб бобо ғунажиннинг гўштидан терисини айираётган эдилар. Негадир қўрқувларим аста-секин йўқолди.

— Бери кел, болам,— дедилар қассоб бобо,— ма, ма-на бу оёғини тутиб тур.

Шунда ҳам қўрқмадим. У кишига кўмаклашавердим. Дадам, ойим ҳам бизга ёрдамлашдилар. Қассоб бобо қаттиқ йўталиб, бир четга тупурғач:

— Келин, иссиқ сув тайёрланг,— дедилар. Ойим «хўп, мапа... ҳозир», деганларича ошхона томон кетдилар. Шу аснода дадам ҳам топшириқ олдилар.

— Тошвой, қонни сингдиришга бир оз латта, ичак-чо-воққа тоғора келтирсангиз.

— Хўп, хўп!

Қассоб бобо атрофга бир қараб олдилар-да, қуйми-ча пичоқ солдилар. Қўйнинг калласидек гўшт кесиб олиб, яқингинадаги хуржунларининг очиқ турган кўзига итқит-дилар.

Ҳайрон бўлиб қарадим.

— Ҳайрон бўлма, болам, чап биқинида ҳаром мағзи бўлади, шун итимга кесиб олдим.

— Итингиз борми, бобо?

— Ҳа, болам, итим бор. Отими? Оти Қўктой!

— Номи яхши экан, зўрдир-а?

Қассоб бобо итларини мақтай-мақтай гардандан, шо-надан, яна бир икки ердан «ҳаром жой»ларини олиб, хур-жунга ташладилар. Дадам билан ойим иссиқ сув ва лат-та олиб келишди. Қассоб бобо негадир энди «ҳаром жой-ни» топа олмай қолдилар. Бирпасда гўшт уч бўлакка аж-ратилиб, айвон шифтига қоқилган илгакка осилди. Қас-соб бобо «мана бу — қўшнимиз Ҳамробойга», деб икки килоча гўштни алоҳида матога ўрадилар. Қон чуқуридан алланималарни пичоқ учи билан олдилар. Кейин ичак-човоқлар билан ўрарқанлар, «мана булар итимизга», дедилар. Ҳаммаси хуржунга жойлаштирилди. Қарасам, менинг шу ерларда ивирсиб юрган Олапаримга ҳеч нар-са қолмайдиган.

— Қассоб бобо, «ҳаром жойлар»дан менинг итимга ҳам кесиб беринг, ҳай...

— Оббо, болам-эй, болам,— дедилар қассоб бобо, бир дадамга, бир оймга қараб,— сенинг итинг анави чуқурдаги қондан ҳам бемалол тўяди.

Ҳеч нима демадим. Сўнг ўйлаб кетдим. Қассобларнинг итига мазза-да, емиши фақат гўшт. Менинг Олапаримга шунча гўшт бўлса борми? Э-ҳа...

Қассоб бобо икки кўзи тўлган хуржунни дадам ечиб келган эшаги устига ташлаётиб, тайинладилар:

— Гўшни ларёкка топшириб пуллаб олгач, эртага ўғилчани юборинг, қўшнидан гўштни пулини олиб берман.

Икки кундан кейин қассоб бобоникига бордим. Тўғри-си, пулдан ҳам кўпроқ Кўктойни кўриш орзусида эдим. Ташқари ҳовлига киришим билан айвон остида тумшуғини олдинги оёқларига тираб ётган, бир қулоғи кесилган итга кўзим тушди. Қизиқ, менинг келганимни ҳам сезмади-я. Ичкаридан атлас кўйлак кийган семизгина бир жувон чиқди. (Қассоб бобонинг қизлари деган эдим, кейин билсам хотинлари экан). У қўлидаги товоққа солинган суякларни ит олдига келтириб тўқди-ю, менга эътибор ҳам бермасдан ичкарига кириб кетди. Ит суяк ғажишга тушди. Шунда Кўктойни кўрдим. Бу ит эмас... Агар шу ит бўлса, менинг Олапаримни шер деса бўлади. Қорни ичига ботиб кетган, жунлари ифлос, қовурғалари билиниб турибди. Шу ҳам ит бўлдимиз? Йўқ, бу ит эмас, анчайин бир кучук... Э, тўхта, кеча қассоб бобо мол сўйганларида «ҳаром жойи» деб олган гўштарда сира суяк йўқ эди-ку... Эссиз гўшт, эссиз гўшт! Агар шунча гўшт менинг Олапаримга бўлса эди... Эҳ-а!..

Ичкари дарвозадан икки қадам юриб, овоз бердим:

— Ҳо, қассоб бобо!

Жигари тўқилди

Дард — оғир, дардманлик ундан оғир. Мана, уч ойдан бери бобом бечора қилтомоқ касалига чалинганлар. Томоқларидан суту сувдан бошқа нарса ўтмайди. Бобомнинг ўзлари бўлса: «Шу кунимдан ўлганим яхши,— деб зорланадилар.— Кошкийди тезроқ омонатини ола қолса!» Савдо бошқармасида ишловчи отамнинг ҳам, «катта доктор» деб ном олган ойимнинг ҳам бошлари ташвишдан чиқмай қолди. Уйимизга табибу врач зоти борки, бир-бир кириб чиқди.

Фойда бермади. Оқибат бобом...

Юртдан чиқсанг чиқу, элдан чиқма. Отам билан иккаламиз бобомнинг васиятларига амал қилиб тўн кийдик, бел боғладик. Дарвоза олдида азага келган ёру дўстлар, қавм-қариндошлар қўл қовуштириб, саф тортишди. Ичкаридан хотин-халажнинг фарёди эшитилади. Янги келганлар мен билан отамни юпатиб қучишади, «бандалик», дея далда беришади. Меҳмонхонада бобомнинг тенгдошлари — бир гуруҳ чоллар давра кўтаришди: раҳматли бобом етмиш еттига кирган эканлар. Туриб-туриб кўнглим бузилади. Кўзларимга ёш қалқади. Беихтиёр бобомнинг бундан ўн олти йил олдин мени илк бор мактабга етаклаб борганларини эслайман. Хўдди кечагидай. Ушанда соқоллари мошгуруч, қоматлари ҳали алифдек эди. Олдимиздан чиққан Ҳайдар ошпаз билан аския қилиб кулишгандилар. Ҳайдар ошпаз: «Қани, эшон, бу қўзичоқни гўштини сотмоққа элтаяптилар шекилли?»— деганда, бобом: «Э, йўқ, ошпаз ака, шукур, ҳозирги домлалар кўпам гўштхўр эмас, насиб бўлса суяги ҳам, гўшти ҳам ўзимизга тан!»— деб жавоб бергандилар. Кеча институтдан диплом олиб келсам-у, бугун...

— Вой, қадрдоним отам!!!— йўғон, баланд ўқириш ҳушимни ўзимга келтирди. Йўлнинг чеккароғига келиб тўхтаган ҳаворанг «Волга»дан узун олача тўн кийган, қо-

матдор бир киши тушиб, фарёд чекканича биз томон келарди.

— Вой, меҳрибонгинам ота-а-а...м! Ганиматим отаам!..

Ким, бўлдийкин? Тоғам десам, тоғамнинг қоринлари кўпам катта эмас. Ҳойнаҳой, Жўравой поччам бўлсалар керак. Кўзимни рўмолчамга артиб, яхшироқ қарайман. Батамом нотаниш. Тўнтарилган тоғорадек қорининг пастидан оқ шоҳи белбоғ боғлаган, каттакон бошига чуқур дўппи кийган киши кафтидаги рўмолча билан кўзларини беркитиб, отамга ўзини ташлади.

— Фармон Халилович, отадан айрилдикми-ей!— деди у елкаларини қимирлатиб йиғларкан,— во, ганиматим отам... меҳрибоним отааам!

Келувчи киши шу алпозда мен билан ҳам қучоқлашиб кўришди. Мен ҳам бақирганча йиғлаб юборибман:

— Бобожон!

Ҳалиги киши отам ва мен билан бир сафда туриб, шундай йиғлардики, азага янги келган одамлар бизлар қолиб, аввал у билан қучоқлашиб кўришардилар.

— Етим бўлдик, ака!— дерди у ҳар кимга ёпишиб.— Бизларни кимга ташлаб кетдингиз, отааа!

Тобут чиқарилишига яқин унинг фарёди яна кўкка ўрлади. У айтиб-айтиб йиғлар, ўнг қўли билан кўзларини бекитганича, чап қўли билан сержун кўкрагига шапатилаб йиғларди.

— Вой, жоним отам... қани энди иложи бўлса-ю Искандари Зулқарнайндай сизни ҳам мўмнелаб қўйсайдик, отам... фарзандларингиз ҳар кун дийдорингизга тўярди, ота...аа...м!

Унинг айтиб йиғлаши ҳаммани ҳайратга соларди. Чеккароқда бир кишининг илжайганига кўзим тушди. Бизнинг сафимизда «отам» дея йиғлаётган киши ҳамон гўяндалик қиларди.

— Бизларни кимга ташлаб кетдингиз ота... аа...м! Жигарим тўкилдику, орқа тоғимиз эдингиз отам... Энди Фармон Халилович кимни отам дейдилар, отам!..

Энсаси қотиб, мен томон бурилган отамдан секин сўрадим.

— Анави киши ким, ота?

Отам ўнг кўзларини қисиб, кулгандек бўлдилар.

— Ишинг бўлмасин, промторг директори Қаймоқов.

— Бизларга авлод бўладими?

Отам терларини артиб:

— Йўқ, шундай,— дедилар бепарво,— менга падхалимлик қиляпти. Яқинда ишдан олмоқчийдик...

Биров қитиқлагандек кулгим қистади. Ўзимни босиб олдим. Қаймоқов бўлса йўғон, тарашадек дағал овози билан ҳамон фарёд чекарди. Унинг йиғиси бобомнинг жасадларини лаҳадга қўяётганларида, айниқса зўрайди.

— Вой, отамнинг жойларига мени кўминглар!— дея ўзини лаҳадга ташламоқчи бўлди у. Уни нам тупроқ устидан зўрға кўтариб олишди. Атрофда хисир-хисир кулги эшитилди. Отам унга яқин келиб:

— Қай-мо-қоов!— дедилар жаҳл билан паст, қатъий овозда. Қаймоқов чўчиб икки қадам орқа чекинаркан, йиғидан тақа-тақ тўхтади. Назаримда Қаймоқовнинг жигари энди тўкилгандек эди. У бир чеккага бориб, мунғайиб ўтирди.

Мозор бошидан қайтишда Қаймоқов тобутга тўшалган кўрпа ва сўзанани қўлтиғига қисганича олдинда бошини солинтириб, ғамгин борарди.

Кимдир:

— Бечора Қаймоқов, сал қолди-да, лаҳадга тушиб кетарди!— деди киноя билан.

— Ушлаб қолиб нима қилардингиз,— деди шляпа кийган ориқ бир киши,— қўйинг эди, ўзини ташласин эди лаҳадга, устидан тупроқ тортардик қўярдик, битта хушомадгўй кам бўларди...

Тез бориб, Қаймоқовнинг қўлидан кўрпа-тўшакни олдим.

У менга қараб аянчли жилмайди.

Бечора инсон!

Мақол одам

Мудиримиз Муллажон Барпоев ёши ўтиб қолган, кўринишдан оғир-вазмин бўлса-да, гапирганда худди декломация қилаётгандек, ўзи айтмоқчи, «интонация» билан сўзларди. Бир кун у кишининг кабинетларида телефон жириглаб қолди.

— Муллажон Барпоев эшитади,— деди у киши трубкини кўтариб,— ҳа, Барпоевман! Э, ҳа, сизми Халил Эр-каевич!.. Кечирасиз, ака... Ҳа, энди лекция, дакалод ўқий-вериб, шу «интонация» билан гапиришга одатланиб қолганмиз... Энди узр, ака, узр... Бор! Майли юборинг-чи...

Муллажон ака трубкини секин жойинга қўйди ва уни оҳиста силаб туриб:

— Бизга янги ходим юборишмоқчи,— деди.

— Ким экан?

— Нега мунча сабрсизлик? «Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар». Хўш, давомини айтинг-чи!

— Нимани?

— «Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар»ни.

Талмовсираб қолдим. Муллажон ака «билмайсиз», дегандек бош чайқаб кулиб қўйди ва ўзи тантапали оҳангда мақолни такрорлади: «Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар, сабр қилмасанг токдан йитар». Ҳеч нарса демасдан ерга қарадим. Умуман, Муллажон аканинг қизиқ одати бор эди! У баъзи маҳалда ўзига эътибор берилмаётганини сезиб қолса, ёки биров билан баҳслашгудек бўлса тезда: «Айтинг-чи, Роберт Кеннедидан печта фарзанд қолган?», «Катта ўғлининг оти нима?»— қабилида антиқа саволлар берар, шубҳасиз бу икир-чикирларни суҳбатдоши билмас, шунда Муллажон ака: «Билмас экансиз-да,— дейди кулиб, кейин,— сиёсат, халқаро аҳвол билан қизиқиб туриш керак, укам»,— дея қўшиб қўяди. Шу билан ҳали баҳслашиб турган кишининг гапи ҳам эсдан кўтарилиб кетади.

— Халил Эркаевич жа яхши одам-да. Султон йигит!— деди Муллажон ака қўлларини стол устида қовуштириб.— Бизга университетни битирган бир болани юбораман, дедилар... Энди Халил Эркаевич ўзимизни одам-да, жа яхши йигит.

— Келадиган киши ёш бўлса керак, а, Муллажон ака?

— Айтдим-ку, «сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар», деб. Шошилманг, келганда кўрасиз.

— Кечирасиз!

Шу пайт эшик очилиб сочи елкасига тушган, кўзлари чақчайган, ориқ йигит киришга рухсат сўради. Муллажон ака столга тирсақларини ёйиб ўтирганича секин томоқ кирди.

— Қирринг... анови дебонда ўтиринг!

Йигитча ийманибгина диванга чўкди. Қўлидаги қоғоз папкани тиззалари устига қўйиб, Муллажон акага журъатсиз, мўлтираб қаради.

— Қайси пакультетни битиргансиз?

— Филологияни.

— Ҳмм, пилология бўлса яхши. Бизга худди сиздек мутахассис кадрлар керак. Хўш... айтинг-чи, Макарнос ким?

Йигитча тўсатдан берилган бу саволдан дастлаб гандиди. Кейин беозоргина қилиб:

— Архиепископ Макариос Кипрнинг президенти!— деди.

— Яхши, тузук, сиёсатдан билимингиз ёмон эмас... энди тил-адабиётдан синаб кўрамиз... хўп... «Яхши ошини ер»нинг давоми қандай?

— Мақолнингми?

— Ҳа!

Йигитча ширигина жилмайиб, мақолни оҳанг билан бошдан такрорлади: «Яхши ошини ер, ёмон бошини».

— Яшшанг ука, талантингиз ёмон эмас... Сизни ишга қабул қиламиз... Ҳа, айтмоқчи исм-шарифингиз?

— Муллажон!

— А?!

Бошлиқ бир қўзғалиб қўйди.

— Сизнинг ҳам отингиз Муллажонми? Буни қаранг, адаш эканмизда, а?

Ишга кирмоқчи бўлган Муллажон ҳижолатомуз кулиб қўйди. Қулоқларигача қизариб кетган бошлиқ Муллажон навбатдаги саволни берди:

— Хўп, Муллажон, фамилиянгиз нима?

— Фамилиям,— деди йигитча чўчинқираб,— фамилиям — Бар...поев!

— Нима? Барпоев, дедингизми?

— Ҳа, Барпоев. Муллажон Барпоев.

— Ана холос! Сиз ҳам Барпоевми?

Ҳеч нарсанинг фарқига бормаётган йигитча батамом ҳайрон эди.

— Паспортида Муллажон Барпоев ёзилган.

Бошлиқ оғир гавдасини столдан қўтарди:

— Ахир, биз ҳам Муллажон Барпоев-ку!

Йигитча, менинг айбим нима, дегандек елка қисди. Бошлиқ гўё ўзининг исм-фамилиясини ўғирлаб олган кишини қўлга туширгандек, йигитчага ижирғаниб қараб турарди.

— Гап бундай,— деди у ниҳоят,— энди сиз ҳам Муллажон Барпоев, мен ҳам Муллажон Барпоев... ҳайронман, билмадим, энди буёғи қандоқ бўлади?— бошлиқ Муллажон бир муддат ўз тирноқларига тикилиб қолди, кейин сигарета олиб тутатди.— Менга қаранг, ука, «туянинг бувраси яхши, сўзининг тувраси», яъни тўғриси яхши деганлар... Иккаламизнинг ҳам исм-фамилиямиз бир экан... Бир ташкилотда яхши эмас. Яхшиси, сиз исм-фамилиянгизни бир оз ўзгартиринг. Қандоқ, дейсизми? Масалан, Муллабек Барпоҳўжаев, деб ўзгартиришингиз мумкин.

Йигитча кўнмади.

— Ахир паспортимда Муллажон Барпоев, деб ёзилган... Кейин дипломим ҳам... Ахир, ўзингиз...

Бошлиқнинг жаҳли чиқди.

— Нима? Йигирма уч ёшлик бола исм-фамилиясини ўзгартирмасмиш-у, эллик тўрт ёшда мен исм-фамилиямни ўзгартирармишман...

Бошлиқ ўзини ўнглаб олиш учун яхна чойдан шимирди. Кейин юмшоқ овозда сўради:

— Айтинг-чи, ука, Жон Кеннедининг хотини тегиб олган грек капиталистининг оти нима? Ўша грекнинг қизини оти-чи?

Ишга кирувчи Муллажон чуқур ўйга толди. Ўша грекнинг номи ҳадеганда эсига келавермас эди. Бошлиқ Муллажон дам ўтказмай иккинчи саволни кўндаланг қилди: «Айтинг-чи, Бутон давлатининг аҳолиси қанча? Ана билмайсиз! Бир миллион аҳолиси бор. Сиёсатдан билимингиз саёз-ку, ука... Шундай осон саволларни билмайсиз-ку, одамлар олдида қандай лекция, дакалод ўқийсиз? Хўп, майли, ўртоқ Муллажон Барпоев, энди ўз соҳангиздан, яъни пилологиядан оддийгина бир савол: «Сўзнинг кўрки — мақол»нинг давомини айтинг-чи. Ҳа...»

Ишга кирувчи Муллажон тамом ўсал бўлди. Бошлиқ бўлса тантанавор илжайиб турарди.

— Ахир саволни бу тартибда бермайдилар-ку, — деди бечора йигит қип-қизариб. Бошлиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Демак, «Сўзнинг кўрки — мақол»нинг давомини билмайсиз? Ай-яй-яй... Шундай жўн саволни билмай ўтирибсиз-а? Мана, эшитинг, ўзим жавоб бераман: «Сўзнинг кўрки — мақол, йигитнинг кўрки — соқол». Энди, кечирасиз, ука, бизга унчалик тўғри келмас экансиз... Бизларни иш жуда инжиқ... Пухта ва чуқур билимни талаб қиладн...

Ишдан умидини узган йигит сирли жилмайиб ўрнидан турди.

— Хўп, домла! Кетиш олдидан бир савол берсам мумкинми?

— Марҳамат, бемалол. Биз бунақа илмларни сув қилиб ичганмиз. Сўр-ранг, ука!

— Айтингчи, «Жом қозоннинг тотти чиқар»нинг давоми қандоқ бўлади?

Бошлиқ шифтга тикилиб узоқ ўйлади, кейин йўталиб, олиб, жиддий қиёфада:

— Мақоллар китобида бунақа мақол йўқ!— деди.

— Бор! Ишонмасангиз, олинг китобингизни.

Ишга қабул қилувчи Муллажон китоб жавонидан «Ўзбек мақоллари» китобини олиб берди. Ишга кирувчи Муллажон китобни чаққон варақлаб, 104-бетни очди.

— Ана домла, қаранг: «Жом қозоннинг тотти чиқар, мақтанчоқнинг моти чиқар». Хўп, хайр, домла.

Ишга кирувчи Муллажон эшикдан чиқиб кетди. Муллажон ака мақолни ўқиди ва остига қизил қалам билан икки марта чизиб:

— Вот қаерда экан бу мақол,— деди бир янгиллини кашф этгандек,— ў сабил... ҳмм... «Жом қозоннинг тотти чиқар...» Энди мазаси чиқар, демоқчи-да, а?.. Э, тавба! Бу йигит-ку рози бўлиб кетди-я, энди Халил Эркаевичга нима десам экан? Ўзиям маҳмаданага ўхшайди. Қаранг, мени мот қилиб ўтирса-я. Ҳа, майли!

Муллажон ака чаққонлик билан телефонда номер терди.

— Аллў, Халил Эркаевич?..

Шудгордан тутилган балиқ

(Эртак)

Айрим танқидчиларга эслатма: бу эртакда хотин-қизларнинг ақл-заковати, топқирлиги ва тадбиркорлигини тараннум этганман.

АВТОР

Утмишда, эркаклар озодликда-ю, хотин-қизлар асоратда бўлган пайтларда хароба бир қишлоқда мулласифат деҳқон яшаркан. Унинг бор-бутун давлати — сон тегмаган маслуққина хотини, бир таноб ери ва бир жуфт хўкизидан иборат экан. Эр-хотин иноқ туришаркан. Деҳқон беш вақт намозини канда қилмас эди. Ҳар гал жойнамоз устига чўк тушиб, қиблага қараб илтижо қиларкан: «Худоё худовандо! Ут балосидан, сув балосидан, ноҳақ тухматдан, қазойи муаллақдан, подшоҳнинг ғазабидан ўзинг асрагайсан!»

Бу дуони ҳар куни беш марта овоз чиқариб такрорлайверибди. Бундай пайтда у хотинини ҳам чақириб дуога қўл очтираркан. Бир куни таҳорат суви масаласида эр-хотин андак айтишиб олишибди. Деҳқон тўнғиллай-тўнғиллай намоз ўқишга тутинибди. Ниҳоят дуога қўл очибди:

— Илоҳо оми! Худоё худовандо! Ут балосидан, сув балосидан...

— Хотин балосидан ҳам, денг!

Деҳқон ялт этиб қараса, хотини тиржайиб турганмиш. Деҳқоннинг жаҳли чиқиб, ўрnidан туриб кетибди.

— Нима дединг, бадбахт? Ҳали сенми намозни буздинг! — у хотинининг юзига тарсаки тортиб юборибди. — Хотин киши ўзи нима эдики, унинг балоси бўлсин, ноқисул ақл!..

Муштипар хотин зор-зор йиғлабди. Кейин паранжи-чачвонини ёпиниб чиқиб кетибди. У баққолдан битта тирик лаққа балиқ сотиб олиб қайтибди. Балиқни ошхонадаги сувли хумга ташлаб, ўзи уйга кирибди. Эри намознинг қазосини ўқитган экан. Яна аввалги дуосини такрорлабди. Бу гал хотинни фотиҳага қўл очмабди.

— Қаёқда эдинг?

— Ойимникида.

— Ҳа-ҳа, ойилариникига борган эканлар-да, а? Сен рўдапо ойиникига сиғармидинг? Ҳамма сендан безор...

Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши. Эрта-лабгача ярашиб кетишибди. Саҳар мардонда эр шудгор қилиш учун ҳўкизларни далага олиб чиқибди. У шудгор қилмоқчи бўлган пайқал қўра орқасида бўлиб, бир томони йўл, иккинчи томони жўхоризор экан. Хотин сал олдинроқ чиқиб, қўлида лаққа балиқ билан жўхоризорда уни кутиб турган экан. Эри «Ҳайт!» дея ҳўкизларга гаврон урганда, у қўлидаги балиқни эгат бошига ирғитиб, ўзи пусганича қўрага кириб кетибди. Деҳқон ҳўкизларини ҳайт-ҳайтлаб, эгат бошига етганда қопқора тупроқда бир нарса ялтираб кетибди. Омочни ҳам қўйиб юбориб ўзини таппа ерга ташлабди. Қараса — балиқ! Тирик балиқ! Сакраб, дум уриб турибди. Деҳқон балиқни икки қўллаб ушлаганича ҳовлига қараб югурибди.

— Ҳой, хотин, қаёқдасан? Қозонни ос, балиқ тутдим!

— Вой, қани? Қаердан?

— Мана, тирик, лаққа... Шудгордан тутдим!..

— Вой, нима деяпсиз? Шудгорда балиқ нима қилсин?

Эсингизни едингизми?

Эр у дебди, хотин бу дебди. Хуллас, орада жанжал чиқибди. Хотин ҳовлини бошига кўтариб дод солибди: «Мусулмонлар, ёрдам беринглар! Эрим жинни бўлибди-е! Эргинам ақлдан озди-е!..» Одамлар тўпланиб келишибди. Оқсоқолу миршаб дегандек, бир зумда ҳозир у нозир. «Нима гал?» «Балиқ тутдим!» «Қаердан?» «Шудгордан!»

— Ана-ана, ақлдан озган деб айтмадимми-е! — фарёд

чекибди хотин.— Ахир шудгорда балиқ нима қилади? Ба-
лиқ дарёда йўғ-у.

Оқсоқол соқолини силабди, миршаб мўйловини бу-
рабди. Ҳамма «тавба-тавба», дея ёқа ушлабди. Мачит-
нинг сўфиси:

— Вақтни ўтказмасдан, бу шўрликни Миёнбузрук
эшонга олиб бориш керак,— дея афсус билан бош чай-
қабди.— Уч марта дам солиб ўқиса, ўзига келади!..

Шунга қарор қилинибди. «Ақлдан озган» деҳқонни
боғлаб-чирмаб Миёнбузрук эшон ҳузурига олиб бори-
шибди. Эшон ҳар мавсумда қирқтадан жиннини занжир-
банд қилиб, бўз йигитларга калтаклатар, ўзи оғзидан кў-
пик сачратиб уларга ҳафтада бир бор дам соларкан. Мул-
ласифат деҳқон ҳам кўпгина калтакларни ҳазм қилиб,
бетлари эшоннинг «муборак» тупугидан қайта-қайта
«ювилибди». Лекин ҳали «тузалиш»дан асар ҳам кўрин-
маскан. Иттифоқо бир куни паранжи ёпинган хотини ке-
либ қолибди. Занжирбанд эрининг эти суягига бориб
ёпишганини кўриб, туз сепилгандек, юраги ачишибди.
Минг бўлса-да, кўз очиб кўргани-да, эрининг яқинига бо-
риб, соч-соқоли ўсиб кетган ирkit бошини бағрига бо-
сибди.

— Қалай, хотин балосига ишонгандирсиз энди?

— Балонгни олай, жон хотини!— ўкраб йиғлаб юбо-
рибди бечора деҳқон.— Ишондим! Мени бу ердан тезроқ
олиб чиқмасанг, чинакамига жинни бўлиб қоламан! Май-
ли-майли, номингни ҳар дуога қўшиб айтганим бўлсин...

Хотин бир ҳиринглабди-да, эрининг қулоғига шивир-
лабди:

— Баққолга айтаман, эртага келиб сизни халос қилиб
кетади.

Эртасига баққол келибди. Миёнбузрук эшонга уч-
рашиб, деҳқоннинг хотини ўргатган сўзларни тизиб таш-
лабди:

— Тақсир,— дебди баққол,— бу киши сираям жинни
эмас. Унинг шудгордан балиқ тутгани ҳам тўғри. Уша

куни тонг ғира-ширасида камина бир челак балиқни эшакка ортиб бозорга кетаётганимда бу кишининг пайкалига яқин ерда биттаси сакраб тушган эди. Қоронғида тополмаганман. Бу киши шудгордан тутган лаққа аслида меники.

Эшон узун истиғфор айтибди. Кейин: «Ўзимам ўйловдим-а, бу кимарсада жунунликдан асар йўқдир-р»,— дебди кекирикдек овоз чиқариб ва деҳқонни занжирдан озод қилишни буюрибди.

Шундан кейин ўша художўй деҳқон ҳар дуо қилганда: «Ўт балосидан, сув балосидан...— дер ва бир йўталиб олиб,— «хотин балосидан» иборасини ҳам қўшиб қўядиган бўлибди. Сон тегмаган хотини эса, бир чеккада жилмайиб, қош учириб ўтираркан...

Ўтмишда паранжидаги, ўқимаган бир муштипарнинг тадбиркорлиги ҳақидаги эртақ тугади.

Ҳозирда барча хотин-қизларимиз озод ва ўқимишли. Ҳар бирининг топқирлиги, тадбиркорлиги ва ажойиб ишлари ҳақида йирик-йирик полотнолар ёзса ҳам камлик қилади.

Ақлли хўроз

(Эртақ-ҳикоя)

Маҳалла чойхонасида ўтирган эдик, гапдан гап чиқиб, қачонлардир отамдан эшитган бир эртақ эсимга тушиб қолди.

— Истасангизлар, сизларга ибратли бир эртақ айтиб берсам.

— Қани, эштайлик, эштайлик!— дейишди чойхўрлар.

Эртақни бошладим.

— Қадим замонда бир тулки бўлган экан. Ўша тулкининг очликдан силласи қуриб, жони ҳиқилдоғига келганда ови барор олибди: қишлоқдан бир оз чеккароқда

бағрини иссиқ гўннга бериб, мудраб ётган бабоқ хўрозни «шап» этиб босибди.

— Ҳа, тақ...сир-р!— дебди хўроз зўрға. Тулки дағдаға билан:

— Айбинг ошиб-тошиб ётибди, сени ейман!— дебди. Хўроз титраб-қақшабди.

— Айбим нима, тақсиржон?

— Учта айбинг бор.

Хўроз мўлтираб, нима айбим бор дегандай тулкига аянчли қарабди.

— Биринчи айбинг шуки, ҳамма ухлаганда бор овозда қичқириб, бутун жониворларнинг уйқусини бузасан.

— Хўп, бундан кейин қичқирсам... -

— Иккинчи айбинг,— дебди тулки жаҳл билан унинг сўзини бўлиб,— подшоҳларда ҳам бўлмаган ёқут тож сенда бор. Қаердан олгансан уни?

Хўроз бечора қўрқувдан бош силкиган экан, қип-қизил тожи оҳиста чайқалибди.

— Ахир бу тож туғма...

— Туғма, ҳа, туғма!— дебди тулки баттар дағдаға қилиб.— Нега бошқалар тож билан туғилмайдилар. Ҳаммаси бекор гап!

Учинчи айбинг шуки, сен феодалсан, ҳамма битта хотин билан бўлса, сен қирқтасини олдинга солиб, гердайиб юрасан!

— Юрсам ҳам...

— Бас! Ана шу айбларинг учун сени ейман!

Хўроз шўрлик дастлаб талвасага тушибди, кейин:

— Майли, мен розиман, Тулкижон ака,— дебди тақдирга тан бериб,— фақат мени ейишдан олдин, бисмилло деб, бир фотиҳа ўқиб юборсангиз? Қани, омин!

Тулки ҳам «Омин!» дея иккала қўлини беихтиёр фотиҳага очиб юборибди. Шунда унинг исканжасидан бўшаган хўроз «парт» этиб учиб, пахса девор устига қўниб олибди-да, бор овозда қичқирибди. Пастда тулки бир нималар деб ғудранган экан, хўроз сўрабди:

— Ҳа, Тулкижон ака, бир нима дедингизми?

Тулки терсайиб туриб:

— Қорни тўймасдан туриб фотиҳа ўқиганининг падарига минг лаънат, дедим!—дебди сўлагини оқизиб...

Эртақ тугагач, даврада ўтирган турли касб эгалари турлича хулоса чиқара бошлашди.

Магазинчи:

— Бекор гап, оч тулкининг чангалига тушган хўроз ҳечам омон қолмайди. Ўша оннинг ўзидаёқ еб қўяди.

Қассоб:

— Умуман, тулки хўроз гўшtidан ҳам кўпроқ товуқ гўштига ўч. Еки хўроз бир оз ориқроқ бўлгандир.

Ревизор:

— Ҳар қалай тулки ҳам жуда шайтон ва ақлли жонивор, унинг хўрозга қўйган айбларини қаранг, э қойил!..

Чойхоначи бола:

— Ҳи, ҳи, қизиқ эртақ экан. Тулки ҳам роса чув тушибдими...

Ўқитувчи:

— Э, буни йнгирманчи аср дейдилар, ука! Ҳозир унақа лақма тулкилар ҳам, ақлли хўрозлар ҳам камайиб кетган.

Мен, яъни эртақчи:

— Тўғри! Атроф-муҳитни, ундаги жониворларни муҳофаза қилиш тўғрисида бутун дунё бонг урмоқда. Ҳаётда лақма тулкиларнинг ҳам, ақлли хўрозларнинг ҳам бўлгани тузук. Қолаверса, қанийди, шу эртақдагидек айёр тулкилар осонгина чув тушиб, мудроқ хўрозлар бор овозда кичқириб юрадиган бўлишса.

Даврадагилар бир овоздан менинг гапимни маъқуллашди. Фақат мени яна бир нарса қизиқтиради: ушбу эртақ-ҳикояни ўқиган бошқа касб эгалари қанақа хулоса чиқаришаркин?

Адабиёт ва қанд касаллиги

Дунёда шоир халқидан ғалатиси йўқ экан. Истаса сочини елкагача ўстиради, истаса бир кўкрак соқол қўяди. Бу албатта ёш шоирларга хос. Лекин шоир учун энг кераклиси — жасорат. Жасоратли шоирлар ҳар қандай ноҳақликка қарши ўт очади. Бу йўлда дўстлари-ю, қолаверса ўзини ҳам аямайди. Чунки аччиқ гапнинг очиқ айтилгани яхши. Одамлар учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали.

Замонамиздан минг ўргилса арзийди: бу хил ақли комил, камтарин ва айни пайтда жасоратли шоирлар бизда анчагина топилади. Яқинда поэзия муҳокамасида ана шундай жасоратли шоирлардан бири, серсочгина Саттор Собир дегани сўзга чиқиб анча жон куйдирди.

— Дўстлар,— деди у пировардида,— яна бир хунук одат ҳақида гапирмоқчиман. Бундан уч йилча аввал ёш шоирлар орасида қирқдан ошган бир ҳаваскор пайдо бўлди. Жуда мулозаматли, мўмин-қобилгина бир кимса. У дастлаб қайсидир бир ОРСнинг базасида ишлаган, институтда комендантлик қилиб, кўпгина абитуриентларнинг ҳожатини чиқарган, яна аллақайси ташкилотларда ишлаб, ўзи айтмоқчи ҳаётни обдон ўрганган. Ана шу кимса икки йил ишламасдан юриб, фақат шеър ёзди. Унинг шеърларини айрим шишадешлари «сухой» вино ёки ароқ эвазига қайта ишлаб, баъзида қайта ёзиб беришарди. Матбуотда унинг шеърлари баҳорги замбуруғдек потирлаб чиқа бошлади. Ниҳоят ана шу корчалон аввалги даврасини тарк этди. Бир амаллаб ноширлардан таниш орттирди. Айримларнинг ёқасидан кириб енгидан чиқди, касаллигини пеш қилди, бу ҳам етмагандек устма-уст ошлар ташкил этди. Оқибат пиёзнинг пўстидек китобча чиқарди.

— Ким экан у? — президиумдан луқма ташланди.—
Очиқ айтинг!

— Айтаман! Ҳозир! Лекин биласизларми, ўртоқлар, ҳамма гап ўша авторнинг китобчаси чиққандан кейин юз берди. Ўша корчалон ўз китобидан бир сумка, бир минг беш юзтасини сотиб олиб, олдидан чиққан кишига дастхат ёзиб бериб, ундан тақриз ёзишни илтимос қилади. Улардан бир гап чиқавермагач, тақризни ўзи ёзиб, икки-уч кишига мастликда қўл қўйдириб олиб, газетага жўнатади. Тақриз босилиб ҳам чиқади. Тақриздан ҳамма ҳайрон, кимлар кулган, кимлар ҳайратдан ёқа ушлаган. Чунки унда ҳалиги корчалон Умар Ҳайём ва Саъди Шерозий даражасига кўтарилган, унинг шеърларини қайта ишлаб ёки ёзиб берган собиқ дўстлари эса роса дўппосланган эди.

Залда кулги кўтарилди. Президиумдан яна луқма ташланди.

— Қим ўша шуҳратпараст?

— Ҳозир айтаман. Ўша корчалон китоби чиққач, яна бир гуруҳ ношир ва танқидчиларни уйига чақириб оқ қўй сўяди, ош қилиб беради. Ошга қатнашганлар ким дейсизми? Номма-ном санашим мумкин!— олдинги қаторда ўтирган беш-олти киши саросима билан атрофга аланглади, айримлар ерга қаради.— Гап бунда эмас, ўртоқлар! Талантли кишининг уйида туя сўйилса ҳам арзийди. Талантли кишининг хайри-худойисини ейиш ҳам савоб. Лекин, бу хил кишининг оши томоқдан ҳам ўтмас экан. Ўтган тақдирда ҳам, кишини ўқчитаркан.

— Қим ўша корчалон? Ўзи борми шу ерда?

— Бор! Бу киши, ана, олдинги қаторда мақтов кутиб ўтирган Зокир Тошбек бўладилар!

Залда гурр кулги янгради. Орқа ва ўрта қатордагилар ўринларидан туриб, Зокир Тошбекка қарай бошлади. Зокир Тошбек икки-уч марта энгак қоқди, асабийлашиб бошини силади. Ўриндиқда қапишиб кетгандек бўлди. Муҳокамага яқун ясалди. Ҳамма Саттор Собирни ўраб олди. Одамлардан ҳар хил садо чиқа бошлади.

— Қойил, бопладингиз!

— Халтуранинг илдизига болта урадиган мард ҳам бор экан-ку!

— Яхши бўлмади!

— Нимаси яхши бўлмади?

— Бечоранинг қанд касали бор эди.

— Қанд касалининг шеърятга, адабиётга нима алоқаси бор? Қанд касаллиги — бой касаллик. Кўп овқат егандан, коньяк ичиш ва маишатдан келиб чиқаркан. Агар вақтида олди олинмаса, Зокир Тошбек ош қилавериб, бошқаларни ҳам маишатга ўргатиб, қанд касалига гирифтор қиларди. Яхши бўлди.

Худди шу пайт юзлари йилтираган, лунжлари осик, бақалоқ йигит келиб, Саттор Собирни бир туртди.

— Бекор қилдингиз, шоир!— деди тўнғиллаб.— Майли, китобини танқид қилинг, китобига чиққан тақризларни танқид қилинг, лекин ошни нега ёмонлайсиз? Нега томоқдан ўтмайди, дейсиз?

— Тўғри-да, ўша ош ҳаром, бир тийинга қиммат!

— Бекор айтибсиз!— деди бақалоқ йигит.— Ош жуда зўр бўлган эди. Ўзим пиширганман. Мен пиширган ош ҳали бирор марта охиригача ейилмай қолмаган. Ҳеч ким ўқчиган ҳам эмас.

Ҳамма кулиб юборди. Бақалоқ йигит нари кетди. Кимдир сўради.

— Бу ким?

— Буям шоир,— деди Саттор Собир,— ошпаз шоир! Адабиётдаги қанд касалининг вирусларидан...

Аччиқ кекирик

Хонада уч ходим ўтирарди. Биринчидан ташқари дароз, иккинчиси ўта бақалоқ, учинчиси раҳмни келтирар даражада қилтириқ. Лекин учаласи ҳам тушликда бир хил овқат ейди. Яъни бир сўмга етар-етмас. Чунки тангаси — йўлкирага. Ходимларнинг отини айтиб ўтирмас-

дан, дарозни — Дароз, бақалоқни — Бақалоқ, қилтириқни — Қилтириқ деб атаймиз.

Бир куни тушга яқин Қилтириқ гавдасига ярашмаган йўғон овоз билан:

— Шу ошхонанинг таомлари ҳам жонга тегди, калорияси пастми нима бало!— деди расмий оҳангда.— Ёғи ҳам чучитилмайди, кечгача кекирсам, пиёздоғ ҳиди анқийди.

Бақалоқ ҳам гавдасига ярашмаган ингичка овоз билан:

— Тўғри,— дея маъқуллади,— фақат бир хил овқат, илигим қуруқшаб кетди, овқатлари қайта-қайта чайналгандай маза-матрасиз. Гўдаклигимда бувим раҳматлик нон чайнаб берардилар, таъми худди ўшанга ўхшайди.

Дароз гавдасига ярашмаган ҳирқироқ овоз билан унинг сўзини бўлди.

— Гапни чўзма, лағмондай Урдагача чўзиб бординглар-да. Ҳадемай туш пайти ҳам ўтиб кетади. Келинглар, яхшиси қовурмага борамиз, ўша ерда аччиқ-аччиқ чой ичса ҳам бўлади.

— Бир соатда улгурармиқанмиз?— деб сўради Қилтириқ гавдасига ярашмаган йўғон овоз билан.— Кечиксак яхши бўлмас, меҳнат интизоми деган гап бор.

— Кечикмаймиз,— деди Бақалоқ ярашмаган ингичка овозда чийиллаб,— беш минут бориш, беш минут келиш. Жами ўн минут. Қолган 50 минутда бемалол овқатланиб олса бўлади. Ҳам тоза ҳаво олиб келамиз.

— Келишдик!— деди Дароз гавдасига ярашмаган ҳирқироқ овозда.— Қани, кетдик!

Қилтириқ олдинда, Дароз ўртада, Бақалоқ энг охирида, паллали тарозидек бўлиб йўлга тушишди. Орадаги масофа икки юз қадам. Рестораннинг очиқ кафесига одам ғуж-ғуж. Қилтириқ овқатга, Дароз чойга навбатда турди. Бақалоқ бўш жой излаб кетди. Орадан ўн минут ўтар ўтмас Бақалоқ бўш жой топиб, «зайнит» қилди. Йигирма беш минут ўтгач, Қилтириққа ҳам бахт кулиб боқди:

учта қовурма лағмон, учта салат ва иккита оби нонга чек олди. Бечора Дароз ошхонадаги кўпгина хўрандалар сингари чарх уриб чойнак изларди.

— Чойнагинглар бўшми?

— Йўғ-а!

Орадан қирқ минут ҳам ўтиб кетди, ҳамон у столлар орасида жавлон урарди:

— Чойнагинглар бўшадими?

— Банд қилишди.

Ниҳоят, Дарознинг тоқати тоқ бўлди. Қилтириқнинг лаблари пирпиради, Бақалоқнинг ранги ўчди. Чойхоначи болага рўпара бўлишди.

— Чойнак топиб келинг, пажалиста!— деди у қўлини сочиққа артиб.— Мен бир чойхоначиман, чойнак бўлса дамлаб беравераман!

— Ахир овқатни олганимизга қирқ минут бўлди!— деди Қилтириқ йўғон овозига расмий тус бериб.

— Нима қилишимиз керак?— деди Бақалоқ ингичка овозда чинқириб.— Овқатларимиз ҳам совиб кетди.

Чойхоначи бола мулойим муомалали овозда маслаҳат берди:

— Овқатларингни иссиғида еб олиб, анови анҳор бўйидаги чойхонага тушинглар, буёқда «Голубой купала» ҳам бор...

Дароз гавдасига ярашмаган ҳирқироқ овозда буюрди:

— Шефни чақиринг буёққа!

Ичкаридан «шеф» чиқиб келди. «Шеф» дегани бўйи Дароздан ҳам дароз, семизлиги Бақалоқдан ҳам бақалоқ, ҳар бир қўли бамисоли Қилтириқдай. Кенг елкасидан икки Қилтириқ осилиб турарди гўё. Бағбақаси сузма тўлдирилган халтадай, ҳар бир мушти Қилтириқнинг калласидай. Лапанглаб келди, «пасс» этиб ўтирди, стул ингра-гандек бўлди. Биринчи саволни Дароз берди:

— Қовурма лағмон тайёрлаш осонми, чой қайнатиш?

— Бэ,— деди «шеф» тилла тишларини ярақлатиб,— шуям савол бўлди-ю! Қовурма лағмоннинг бир хамирини

қорғунча беш олти бак чой қайнатиш мумкин. Қовурма лағмон пиширишнинг ўзи бўлмайди, оқаси: хамирини қорасиз, уни чўзасиз, кесасиз, қайласини тайёрлайсиз, қовурасиз, устига тухум чақасиз... Чойни эса газни бундай ёқсангиз, бокингиз вақирлаб қайнаб турибди-да!

Навбатдаги саволни ингичка қилиб Бақалоқ ўртага ташлади.

— Қовурма лағмон ейиш осонми ёки чой ичиш?

— Энди нима десам экан,— деди «шеф» тишларини ярақлатиб,— менимча чой ичиш осон...

— Чойнак топилса, денг!— деди Дароз ҳирқираб.— Қаранг, қирқ беш минутдан бери чойнак излаймиз. Мана, тушлик ҳам ўтиб кетди.

— Энди нима қилайлик,— деди у ҳушёр тортиб,— биз ҳам берганини чиқарамиз-да. Яқинда чойнакка заявка бердик... Чой ичмоқчимисизлар?

— Чойнак топилса ёмон бўлмасди.

«Шеф» ичкаридан битта чойнак чиқариб берди. Энди чойни қайтариб, ёғлари қотиб қолган муздайгина қовурма лағмонга қошиқ солинганда:

— Чойнагинглар бўшми?— деган савол эшитилди. «Йўқ» деди Қилтириқ йўғон овозда. Ҳалиги киши кетар-кетмас янгиси келди.

— Чойнак бўшадими?

— Йўқ, ҳозир олдик!— деди ҳирқираб Дароз. Ҳаял ўтмай яна бир одам келиб сўради:

— Чойнагинглар бўшми?

Бақалоқ сўзсиз бош чайқади, чунки унинг оғзи тўла овқат эди.

Хуллас, чала-чулпа овқатланишиб, яна йўлга тушишди: Қилтириқ олдинда, Дароз ўртада, Бақалоқ охирда. Бамисоли паллали тарозидек бўлиб ишхонага келишди. Интизом комиссиясининг аъзоси бадқовоқ, олифта йигит соатига қараб олиб:

— Йигирма беш минут кечикдинглар!— деди блокнотига белги қўяркан. Шу пайт уларнинг бевосита раҳбари

бўйни қисқа, укки кўзли киши ола-кула бир қараб олди-да, директор ҳузурига уриб кириб кетди.

Учала ходим ўз ўринларига ўтиришди. Учаласи ҳам мум тишлаган. Бир оздан кейин навбат билан кекира бошлашди. Қилтириқ йўғон кекирди. Бақалоқ — ингичка Дароз бўлса, асабий тиш ковлашга тушди. Гўё ҳозиргина еб келган овқатлари уларни ичдан кемираётгандек эди.

«Хўроз»ни чўқиган «макиён»

(Бўлган воқеа)

Эрталаб соат тўққиз. Ҳамма ишга ошиқади. Йўл бўйидаги бензоколонкада навбат унчалик катта эмас. Бор-йўғи ўн-ўн бешта машина. Айримлар латта билан машина ойнасини артади, бировлар капотни очиб қуйманаси. Қаторнинг охиридагилар машиналарини ўчириб қўйиб, мудраб ўтиришади.

Ҳамма иш жойида эди. Навбат қизил рангли «Жигули»га келди. Соябони узун, чипор кепка кийган, курткали қотма йигит машинасини жилдирган ҳам эдики, кутилмаганда унинг олдида оқ рангдаги «ГАЗ-24» кўндаланг бўлди. «Жигули»нинг эгаси аввал сигнал берди, кейин ойнани тушириб, бошини чиқариб қичқирди:

— Ҳой, ока, инсоф борми ўзи?

Қундуз телпакли, бетлари қип-қизил, тилла тишли киши унга қараб энгак қоқди.

— Нега бақирасан?

— Навбатда турсанг бўлмайдими?

Қундуз телпакли киши тез бориб ичакни оларкан:

— Сенсирама, макиён!— деди керилиб.— Йигитнинг хўрози «ГАЗ-24» минади-да!

Қий-чув кўтарилди. «Йигитнинг хўрози» писанд қилмай бакнинг қолқоғини очиб, ичакнинг учини унга тўғрилади. Шунда кутилмаган бир ҳодиса рўй берди. «Жи-

гули»нинг эгаси газ бериб, шиддат билан олдиндаги «Волга»га бориб урди. Қарсиллаган овоз эшитилди. Қундуз телпакли кишининг қўлидаги ичак чиқиб кетиб саланглаб қолди. У ҳай-ҳайлашга ҳам улгурмасдан «Жигули» иккинчи марта зарб билан яна «калла» қўйди. «Газ-24»нинг иккала эшиги ва орқа қаноти пачоқланиб кетди.

— Ҳой, ноинсоф, ақлдан оздингми?— жон ҳолатда қичқирди «Волга»нинг эгаси.— Туш яхшиликча. Тўлаб берасан...

Кепкали йигит лип этиб кабинадан тушди. Қундуз телпакли киши унинг ёқасига қўл чўзган эди, у бепарво кулимсираб, ўз машинасининг калитини уңга тутқазди.

— Мана калит, ака, йигитнинг хўрози иккита машина минади.

«Волга»нинг эгаси беихтиёр калитни олди. Қимдир «ў, жуда мард экан», деб юборди. Кепкали йигит қизғин баҳс-мунозара юритаётган оломон орасидан чиқиб, қаёққадир ғойиб бўлди. Сал ўтгач бензоколонкада тўс-тўполон кўтарилди. Яқиндаги постдан ГАИ инспектори етиб келди. Машиналарни айланиб кўраркан:

— Оҳ, хайрият,— деди «Жигули»нинг номерига кафтини босиб,— ўғирланган машина топилди. Дарвоқе, ўғрининг ўзи қани?

— Қанақа ўғри?

— Кеча оқшом бу «Жигули» олтинчи кварталдан олиб қочилган эди. Мана, телефонограмма...

— Энди нима бўлади?— «Волга»нинг эгаси қалт-қалт титраб атрофга аланглади.— Қани у? Топинглар уни!

— Қанақа одам эди?— сўради инспектор.— Ҳеч нима демадими?

— Жуда кўримсиз бир ўсмир эди,— деди «Волга»нинг эгаси қундуз телпагини бошидан олиб,— қўлимга мана бу калитни бериб, йигитнинг хўрози иккита машина минади, деди-ю, жўнаб қолди. Мен ҳам унга ишониб...

Ҳали навбат устида у билан айтишган кишилардан бири:

— Қисқаси, «хўроз»ни «макиён» чўқиди,— деди.

Ҳамма кулиб юборди. Қизил «Жигули»нинг орқасида турган сариқ машина ҳайдовчиси бор овозда қичқирди:

— Ҳой, йигитнинг хўрози, машиналарингизни сал четга олинг, ишга кечикдик!

Яна кулги кўтарилди.

Инспектор сумкасини очиб протокол тўлдира бошлади.

Куйдирги

Кўринишдан у жуда мўмин-қобил эди. Овози ҳам шикаста. «Кечирасиз, мумкинми?» дея ичкарига кирди. «Кечирасиз, бола-чақалар омонми?» дея ҳол-аҳвол сўради. Ниҳоят «Кечирасиз, ўтирсам майлими?» деб рўпарадаги креслога чўқди.

Бирпаснинг ичида ўн-ўн беш марта «кечирасиз» сўзини ишлатган бу кишига диққат билан разм солдим: тақир бошида ранги офтобда униқмаслик учун рўмолча ўраб кийилган янги дўппи, эгнида дазмоли бузилган, енг ва ёқа тугмалари тўла қадалган оқ кўйлак, камари ингичка, халтамонанд қора трико шим, оёғида чанг инган қизил туфли.

— Кечирасиз, ука,— деди у дўрдоқ лабларининг икки четини бармоқлари билан тозалаб,— беш минут вақтингизни олсам майлими? Раҳмат! Энди кечирасиз, ука, биз бир ўқимаган киши! Лекин чаласавод бўлсак ҳам барча қонун-қонидани, закунни яхши биламиз. Мани кечирасизу, телевизорда кўрсатиладиган «Инсон ва қонун» дейсизми, «Человек и закон» дейсизми, ҳаммасини битта қолдирмасдан кўриб бораман. Манимча, шу қонун, закун бўлмаса, одамлар бир-бирини тириклай ейди. Ё йўқ денг. Ҳа, балли!..

- Мақсадга кўчсангиз.
- Кечирасиз, ҳозир мақсадга кўчаман. Лекин мақсадга кўчмасдан олдин бир нарсани сўрамоқчи эдим.
- Марҳамат.
- Кечирасиз, бир киши уч жойда ишлаши мумкинми? Елка қисдим.
- Умуман олганда...
- Кечирасиз,— дея у сўзимни бўлди,— умуман олганда мумкин эмас, демоқчимисиз? Баракалла! Чунки сиз қонунни яхши биласиз-да. Лекин мен айтмоқчи бўлган шахс қўйиб берса, тўрт жойда ҳам ишлаши мумкин.
- Ким экан у?
- Бизнинг хотинимиз.
- Хотинингиз?!
- Ҳа, хотинимиз!— деди у лабларини кафтида тоза лаб олиб.— Ана шу хотинимиз уч жойда ишлайди.
- Ким бўлиб ишлайди?
- Кечирасиз, хотинимиз, яъни ўша кимса уборшица бўлиб ишлайди. Саҳар туриб асосий иш жойи — магазинни супуриб келади. Сўнг лойиҳа идораси директорининг кабинетини тозалайди. Кечқурун соат биргача автобус паркида машина ювади. Тўғри, лойиҳа идорасидаги ишни катта қизимизнинг фамилиясига ўтказган. Шундай қилиб, уч жойдан давлатнинг икки юз сўмча маблағини қонунсиз, шарақлатиб санаб оляпти. Кечирасиз, ахир бу...
- Кечирасиз, фарзандлариздан нечта?
- Олтита.
- Кечирасиз, ўзлари қаерда ишлайдилар?
- Пенсионерман.
- Кечирасиз, қанча пенсия оладилар?
- 37 сўм 55 тийин.
- «Ҳимм!— чуқур ўйга толдим.— Наҳотки касал бўлса? Касал деса, касалга ўхшамайди. Унинг мунғайиб туришини қаранг. Негадир жимиб қолди...»
- Хўп, мақсадингиз?
- Кечирасиз... мақсадим йўқ. Фақат лойиҳа идораси

ва автобус парки раҳбарларини чақириб, бир тергаб қўйсангиз. Қонунсиз иш қилишмаса.

— Хотинингизни ҳам чақирайликми?

Мўмин-қобил киши илон чаққандек бир сакраб тушди.

— Йўқ,— деди у қўлларини асабий силкитиб,— хотинимизни чақирининг ҳожати йўқ! Яхши эмас. Изойи мўмин ҳаром деганлар. Гап-сўз бўлиб юрмасин тагин. Ўзи жуда кўрс ва бетгачопар. Бунинг устига қўли ҳам эгри. Агар қўли эгрилиги бўлмаса, бу ерга келиб ҳам ўтирмасдим. Ўтган ҳафта ўнтача тухумни онасникига бериб юборди.

— Наҳотки?!— ёлғондакам ажабландим.

— Ҳа, шундай! Ё онасиникига бериб юборган ёки болалари билан пишириб еган. Туғадиган саккизта товуғимиз бор. Тўғриси, товуқлар ҳам ўзимизники. Хусусий хўжалик ҳақида қарор чиққач, биринчилар қатори пенсия пулимга сотиб олганман. Ҳар куни саккизта тухум олиб турардим. Тухумиям худди ғозникидек катта-катта. Борборда йигирма тийиндан олади. Ўтган куни почтага чиқиб қайтиб келсам, яна учта тухум йўқ. Жон-поним чиқиб кетди. Хотинимиздан сўраган эдим, бўлди жанжал: «Сан текинхўр, зиқна, баданимизга чиққан куйдиргисан!»— дейди. Мен ҳам қараб турмадим: «Қонунбузарсан, уч жойда ишлайсан, ўзинг текинхўр!»— дедим. Ҳатто мени урмоқчи ҳам бўлди...

— Яхши бўлмабди. Эҳтимол товуқларингиз тухумдан қолгандир ёки туғмагандир!

— Нега туғмайди? Туғади!— деди мўмин-қобил киши чинқириб.— Почтага кетиш олдидан ҳамма товуқларни ана бу жимжилоғим билан текшириб кўрган эдим. Тухуми бор эди. Ҳаммасининг тухуми тушай-тушай деб турувди.

Мўмин-қобил кишининг ориқ, саксовулдек панжаларига қарайман: ўнг қўлининг жимжилоғи билинар-билиномас керилиб турарди.

Кўнглим айниб кетди.

Бир пайт мўмин-қобил киши ўша қўли билан яна даҳанини тозалаб олди-да, ўрнидан турди:

— Кечирасиз, ука! Яна хотинимизни чақириб ўтирманг. Илтимос, раҳбарларни чақирганда ҳам менинг бу ерга келганимни сир тутсангиз. Яна ифвогарсан деб бошимни қотиришади. Хўп, кечирасиз, ука!

Чиқди. Тўғриси, қораси ўчди.

Муштипар монологи

Гражданин судья, ҳурматли маслаҳатчилар!

Мен шўрлик, муштипар бир аёлман. Юрагим қон бўлиб кетди. Илтимос, арзимни диққат билан эшитсангиз. Чунки сизларнинг ҳам қизларингиз, опа-сингилларингиз, оналарингиз бордир. Уларни биров хўрласа, бахтсиз қилса, чидаб тура олмасангиз керак. Чумчуқнинг ҳам уйи бузилмасин экан. Бу ерда анови махсумча, яъни менинг эрим айтган гапларнинг ҳаммаси бўўтон. Овқат пишира олмас эмишлар. Бекор гап. Картошка қовурсам, тухум қайнатсам, салат қилсам, яна нима керак унга? Қоврилган картошка ёмонми? Янги оиламиз. Гўштни тежасам, ўзига фойда-ку! Бир ойда икки кило гўшт кетарди. Уни ҳам ўзи «илигим қуриб кетди», деб пайшанба кунлари ош қилганда ишлатарди. Ҳар куни эрталаб тухум қайнатардим. Заҳри маргига туз сепиб ерди. Яна овқат қила олмас эмишман. Сосиска пиширганларим-чи? Нафсингга ўт тушсин! Хўп-хўп, кечирасизлар. Яна бир айби: жондили китоб. Қошки, сендан бир олим ёки режиссёр чиқса. Мен билан сира иши йўқ. Эр бўлиб бундай силаб-сийпаламайди. Бир куни тирноғимни бўяб ўтирсам, ишдан ҳовлиқиб келиб қолди.

— Тур, тансиқроқ бир овқат қил, — дейди жилмайиб, — Карим Маҳмудовни топиб келдим.

— Қайси Қарим Маҳмудов?— дедим анқайиб.— Ҳозир меҳмонга бало борми?

— Ошхонада столнинг устида турибди,— дейди кулиб. Ҳайрон қолдим. Столнинг устида нима қиларкин? Бошимни чала бойлаб ошхонага чиқдим. Қарасам, «Қарим Маҳмудов» дегани — «Ўзбек таомлари» китоби экан. Фигоним кўкка чиқди. Ҳазилинг бошингда қолсин. Бефаросат! Ким китоб ўқиб овқат пиширибдики, мен пиширай. Ойим ҳам китобга қарамасдан мазали овқатлар пиширадилар. Ҳар икки кунда бориб, овқатланиб келардик.

Яна бу ўлгур... хўп-хўп, ҳақорат қилмайман... мени тежамли эмас, дейди. Бир шўрва қайнатсам, бир ҳафта иситиб ичсак, пишган тухумни холодильникда асрасам, яна нима керак унга? Эски чулқиларимни ахлатга ташлаб юбормасдан ичига пиёз солиб, қиш учун балконга осиб қўйганим-чи? Буям тежамкорлик эмасми? Овқатга сабзи ишлатмасам, кўкат ишлатмасам. Ҳа, дарвоқе, шуни деб, йўғонлиги билакдек келадиган узун сочимни қирқтирдим. Уни ҳам ташлаб юбормадим. Раққоса дугонамга икки юз сўмга сотдим. Пулига ўзимга тилла зирак ва ана унга бир жуфт пайпоқ олиб берганман. Сочимни қирқишим чирой учун бўлса, иккинчидан тежамкорлик учун. Авваллари ҳар ҳафтада бир шиша беш сўмлик шампун, уч сўмлик лак кетса, ҳозир ойда бир шишаси ортиб қолпти. Бу тежамкорлик эмасми?

Ҳой, гапимни бўлма, ландавур! Тўғри, «Ўзбекфильм»-да суратга тушган бўлсам, буям сенинг обрўйинг. Одамлар, фалончининг хотини киноактриса бўлибди, деса ёмонми? Ҳали ёш бўлсам, чиройли бўлсам. Тушаман-да, кинога. Нима, кинога тушиб зарар қилдимми? Операторжон акам ҳаммага кўнига олти сўмдан ёзсалар, менга ўн икки сўмдан ёзиб бердилар. Яна зиёфатлари бунга кирмайди. Машиналарида айлантирганлари-чи... Хўп-хўп, кечирасизлар, энди четга чиқмайман. Анови ландавурнинг «ақалли тугма қадай олмайди», дегани ҳам тухмат. Тугма қадай оламан. Лекин қадамайман. Чунки ўзи ўргансин. Қа-

чоңгача мен тирик? «Қозон-товоқ ювилмаған», дейди. Қизиқ! Ҳали «ҳеч овқат пиширмайди», деб турувди. Овқат пиширмасам, қозон-товоқни ювиб нима қиламан? Уй супирмас эмишман. Супирмайман. Пилесос бўлмаса, нима қилай?

Тағин бир куни «Уй-рўзғор энциклопедияси» деган китобни кўтариб келди. Кошки арзон бўлса: етти сўм эллик тийин. Бу нима, десам, менинг хотиним шу, дейди. Уятсиз! Узингиз ўйланг, ақлдан озмаган бўлса, китобни ҳам хотиним дейдими? Жинни! Қўшнимиз Аҳадулло ўз «Жигули»сини иккинчи хотиним, дерди. Ҳа, энди унинг гапи тўғридир. Чунки «Жигули»сига минади. Бошқаларни ҳам миндиради. Бу ўлгур олган китобни кошки миниб бўлса экан. Яна хотиним шу, дейди. Шарманда! Уша кечаси, кечирасизлар, жойимни бошқа солдим. Ҳи-ҳи-ҳи. «Уй-рўзғоринг» билан ёт дедим. Яна жаҳли чиққанига ўлайми? Ҳеч нима демасдан, тумтайиб қўшни хонага чиқиб кетди. Эрталаб қарасам, ётибди рангини ўчириб. Ёнида ўша «уй-рўзғори...» Баттар бўл, дедим.

Ҳа, дарвоқе, олти ойлик ярашув муддатида бу феодал, муттаҳамнинг устидан ўн беш жойга ариза бердим. Роса таъзирини еди, адо бўлгур. Хўп-хўп, ҳақорат қилмайман. Мақсадингиз нима, дейсизми? Мақсадим, ҳурматли судьяжон ака, бизларни ажратмасангиз. Мен муштипарни бебахт қилмасангиз. Менинг ажраладиган эрим йўқ. Тўғри, феодалликка — феодал, юлғичликка — юлғич, ахлоқиям бузуқ... лекин ажраладиган эрим йўқ. Чунки, юлғич бўлсаям, феодал бўлсаям, махсумча бўлсаям, нима қилай... мен уни севаман!

Ғийбатулло архивидан

1. АЪЗОЛАРДАН АРЗИ ДОД

Кейинги пайтлар ўзим тугул баданимдаги қўшалок аъзоларим ҳам бир-бирини кўра олмаслик касалига мубтало бўлган. Кеча пиёз тўғраётган эдим. Қанчалик эҳтиёт бўлмай, уйгинаси куйгур ўнг қўлим ўз кафтидаги ўтмас пичоқ билан чап қўлимнинг бош бармоғини «ғарч» этиб кесиб олса бўладими? Икки-уч томчи қоп-қора, қуйқа қон чиқди. Падарлаънат оёқларим ҳам бир-бирининг қасдида. Қайси куни чап оёғим билан тошга қоқилиб кетдим. Натижада йиқилиб ўнг оёғимнинг тиззаси шилинди. Бу ҳам чап оёғимнинг қасоскорлигидан далолат. Кўзларим-ку азал бир-бирини кўра олмайди. Айниқса гул тушган ўнг кўзим чапи билан чиқишмайди. Бунга бир жиҳатдан уларнинг ўзлари айбдор бўлса, иккинчидан улар орасида қаққайган ўркачли бурним ҳам бенўват. Айтмоқчи, бурун масаласи. Унинг ҳам икки тешиги бир-бирини кўра олмай, нуқул пиқирлагани-пиқирлаган. Вой, аблаҳлар-эй, деб уларни тирфоғи бужур кўрсаткич бармоғим билан кериб, ковлаб қўяман.

Қулоқ ҳақида нима дейишим мумкин? Ўнг қулоғим бир оз абжирроқ. Лекин ўта беномус. Чапининг ҳам функциясини ўзи бажармоқда. Чапига нима бўлган, дейсизми? Бундан йигирма йилча олдин Ғийбатниса билан Мавлоно Иғвонинг махфий гапини эшитиш учун эшикка тутганимда, тўсатдан эшик очилиб кетиб, мажруҳ бўлган, яъни эшитиш қобилиятини йўқотган.

Тишларим бечора тилимга қастдор. Гапирсам ҳам, овқат чайнасам ҳам нуқул тилимни тишлаб, қиймалагани-қиймалаган. Ҳе, тиш бўлмай, охир бўлгурлар! Воҳ, ана, яна тилимни тишлаб олишди-я... умм!..

Ички аъзоларимда ҳам ўзаро келишмовчиликлар мав-

жуд. Икки ўпкам, икки буйрагим бир-бири билан олишгани-олишган. Баъзан ошқозоним шишиб юрагимга, нафас оладиган органларимга ҳалақит бермоқда. Дўхтирга борган эдим. Ўпкангиз қорайган, юрагингиз қаттиқ уради, жигарингиз кўплаб заҳар ишлаб чиқараркан, дейди. Бекор айтибсан, дедим. Мен умрим бўйи заҳар еганим йўқ. Мени заҳарламоқчи бўлганларнинг ўзлари аллақачон ўлиб кетишган.

Қисқаси, вужудимдаги жамики аъзо бир-бирини гажиб ташлашга тайёр. Касофатлар, ҳаммаси бир-бирининг қонига ташна.

Уларнинг устидан қайси бир юқори ташкилотга ариза ёзсам экан? Шунга бошим қотиб турибди. Дарвоқе бошим ҳам... э, э... бошим... бошим...

2. МАШҚ

Ифвогарлиги туфайли қамалиб чиққан бир анонимчи пичирлаб-писирлаб ўз дўстига мақтаниб қолди:

— Инсон фарзанди — жавҳари қобил. Агар босган изи орқада қолиб, қўлтиғи остига бемаъни жун чиқмаса борми, авлиё бўларкан, ҳмм! Авлиёлик учун ҳам машқ — тоат-ибодат керак. Машқ туфайли Баҳроми гург ҳам камондан отилган бир ўқ билан тоғда ўйноқлаб юрган оҳунинг тўрттала оёғини бир ерга михлаган экан. Биз ҳам камондан отилган ўқ билан эмас, қаламдан отилган ўқ билан кўпгина бегуноҳ «оҳу»ларнинг оёғини бир ерга чор мих қилганмиз. Ҳмм... гапнинг буёғига қулоқ солинг. Дастлаб ўнг ва чап қўлимда хатлар ёзардим. Бинойдай ёзиб-чизиб юрардик, лоп этиб қўлга тушиб қолдим. Олти ой «иш беришди». Қамоқда қаламни иккала оёғим бармоқларига қистирдим, назоратчининг устидан думалоқ хат ёзиб, озодликка чиққан бир дўстим орқали юқорироққа думалатдим. Хатга на жавоб бўлди, на савоб. Ҳадемай ўзим ҳам озодликка чиқдим. Яна «ижод»ни давом эттиравердик. Оёғим бармоқларида кўпгина

«билдириш»лар ёздим. Эҳе, қанчадан-қанча текширишлар бўлди — ҳеч ким мен ёзганлигимни аниқлай олмади, машқни давом эттиравердим. Оғзимга, қулоқ ва бурним тешикларига қаламнинг орқасини тиқиб, имзосиз хатлар ёзишга ўргандим.

Ана, қаранг, бурнимнинг тешиклари қадоқ бўлиб кетган. Ҳа, натижа ёмон эмас! Энди навбат қалам қистира оладиган бошқа аъзоларга!

— Ҳай-ҳай, уят-а, уят!

— Э, йўқ,— деди машҳур ифвогар,— ҳар қалай уят қўлга тушиб қамалиб кетишдан яхшироқ-да! Ҳа, ўша аъзолар ҳам қадоқ бўлиб кетгунча ёзамиз!

Иккинчи ифвогар «ҳмм» деганича бўйинини қашлади.

Ш / Шахсиятимга тегилмасин

Ҳурматли редактор!

Ушбу хатни бир ақли паст, нодон мухбирингиз ўртоқ Ботировнинг калтафаҳмлиги оқибатида шахсияти топталган, обрўси ер билан яксон қилинган бир жабрдийда мухлисингиздан деб билгайсиз. Уша маҳмадана мухбир бола ҳамма қатори тенг ҳуқуқга эга бўлган мендек пок граждандани «ўғри», «товламачи», «порахўр» ва «феодал» деб ёзиб, ҳақорат қилди. Кошки, икки-уч киши олдида сўкиб, юзимга тарсаки тортиб юборса, финг демас эдим. Финг десам, майли ит бўлай, кучук бўлай! Уша беандиша мухбирча Сизнинг газетангизга мен тўғримда «Остап Бендернинг шогирди» деган фельетон ёзиб, шахсиятимга тегди. Мана, унинг фельетонида жумладан нималар дейилган: «...у базага келган ёғоч-тахталарни ўғринча бошқаларга пуллади... «Роҳат» колхози экспедиторинд порага битта қўй сўради, сохта ведомостлар билан анча эҳтиёт қисмларни гумдон қилди. Бундан ташқари уйда бой-феодалларча муносабатда бўлади. Хотинини ҳар куни дўппослайди...»

Яна бошқа хил тухмат-маломат гапларни ёзиб, шахсиятимга теккан. Аввало мен ҳеч қандай Остап Бендер деган кишига шогирд тушган эмасман. Ҳисоб-китобни эса РайПОда ишлаб юрганымда Тўраҳон акамлардан ўрганганман. Чўт қоқишни ҳам ўша киши ўргатганлар. Қисқаси, Остап Бендер деган кишини тушимда ҳам кўрганым йўқ. «Ёғоч-тахталарни ўғринча сотди» дегани ҳам нотўғри. Сўз билан сўзни фарқлай билиш керак. Мен ўша ёғоч-тахталарни ўғринча эмас, кечқурун бир оз қоронғуроқда сотаётган эдим, ОБХСС босди. Энди «Роҳат» колхозни экспедиторидан сўраган қўй масаласига келсак. Қўйни мен бир обрўли акамиз учун сўраган эдим. Менга қўй нима учун керак? Ҳовлимда уч-тўрттаси очликдан маъраб ётибди. Демак шундай экан, «порахўр» дегани ҳам асоссиз. Дарвоқе, ана шу қўйлар учун ҳам хотинимни атиги бир марта тергаб, кўкрагидан бундай оҳиста итарган эдим, йиқилиб тушиб бурни қонаб, битта тиши синувди. Мухбир болангиз Ботиров шуни ҳам «бой-феодал» деб ёзиб юборибди. Уйламайдик, оилада уриш бор, жанжал бор, шуниям ҳаммаёққа дoston қиламанми, деб. Сиёсий жиҳатдан саводсиз ўртоқ Ботиров оиланинг даҳлсизлиги ҳақидаги назариядан хабарсизга ўхшайди. Шундай қилиб, ўша аҳмоқ, нодон мухбирча мени ҳақорат қилди. Яъни «ўғри», «порахўр», «феодал» деб шахсиятимга тегди. Инсоний ҳуқуқимни поймол этди. Бунинг учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 143 ва 151-моддаларига асосан унга жарима солиб, олти ойга озодликдан маҳрум этишгача жазо беришларини сўрайман.

Ҳозирча, подсуд ётибман. Озод бўлиб, оқланиб чиқсам, унга кимлигимни кўрсатиб қўяман. Буёғи юқори ташкилотлар бор, ёзаман, ҳа, ёзаман! Ёзишни ўша нодон мухбирча мана биздан ўргансин!

Ҳа, яна бир ёлғон: ўша фельетонда «Волга»си бор деб ёзилган. Бу ҳам қип-қизил тухмат. Тўғри, «Волга»да юрардим, лекин у 85 ёшли қайнонамники. Ахир ўзин-

гиз ўйланг, 85 ёшли кампир бечора машина ҳайдай оладими? Буям ўша Ботировнинг минус томони.

Хурматли редактор, биз бечоралардан ёрдамингизни аямасангиз, ўша мухбир болани ишдан ҳайдасангиз.

Салом билан: О. Д.

Шўрлик тулки

(Ҳажвий эртак)

Бор эканда, йўқ экан. Бор, йўқлигини ҳеч ким аниқ кўрмаган экан. Бироқ қадим замонда, билмадим қайси томонда — ҳар қалай тўрт томондан биттасида, каттакон бир ўрмон мамлакатада худди эртақлардагидек бўри баковул экан, тулки ясавул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ ўлгур чақимчи экан, юлғич тошбақа тарозбон экан, шўрлик қурбақа ундан қарздор экан... уларнинг ҳаммаси ҳам «Ўрмон мамлакати»нинг улуғ шоҳи, барча жониворларнинг пушти-паноҳи, танасидаги боши, осмондаги қуёши — Арслонхон ҳазрати олийларининг хизматини сидқидилдан бажаришар экан.

Алқисса Арслонхон соҳибқирон, раҳнамои жамийки ҳайвонот обод ва ҳаддан ошиқ дилкушо, яшил ўрмон мамлакатига узоқ йиллар подшолик қилибди. Яхшиларнинг бошини силаб, ёмонларнинг додини берибди. Ҳамма шоҳлар қатори Арслонхон ҳам ҳар куни янги-янги фармойишлар чиқараркан.

«Лайлақларнинг тумшуғи қисқартилсин!»

«Булбуллар фақат оқшомлари сайрасин!»

«Қуён махсумни хафа қилгани учун Бўривойга огоҳлантириш эълон қиламан!»

«Қизиқ хабарлар келтириб турган олашақшақ рағбатлантирилсин!»

Шаҳаншоҳнинг бу хил фармойишларини аркони давлат

қарсақлар билан қарши олишар ва шоҳнинг ақл-заковати-га ҳамду санолар ўқирди. Бундан ташқари Арслонхоннинг ҳар бир гапи сарой аҳли орасида катта шов-шувга сабаб бўларди: «Кеча улуғ шаҳаншоҳ Қоплонбекка: «Енғоқ чақаман, деб, тиш синдирган Олмаҳон ҳолига тушманг!»— дедилар, ҳи-ҳи, қизиқ-а?.. Яна у киши Маймунхонга танбеҳ бериб айтдиларки: «Думингизни қисиброқ юринг, қизилингиз кўриниб қолади»... хо-хо-хо, қизиқми?.. Ҳа, яна улуғ йўлбошчимиз башорат қилиб дедиларки: «Қуёш бот-гач, ҳаял ўтмай қоронғулик тушади...».

Ажал олдида шоҳ ҳам, гадо ҳам баробар экан. Бешафқат ўлим Арслонбекдек улуғ шоҳни ҳам жониворлар орасидан олиб кетди. Уша куни ҳамма, ҳатто осмон йиғлади. Қуёш нур сочмай қўйди. Бутун аркони давлат мотам билан овора бўлиб турган пайтда шаҳаншоҳнинг ўнг ва чап қўл вазирлари — Филшоҳ ва Йўлбарсвой бир томонда қолиб кетиб, ясавулбоши Қоплонбек эпчиллик билан тахтга чиқиб олди. Меҳрибонлик билан Филшоҳнинг қулоғини, Йўлбарсвойнинг думини силади. Улар ҳам Қоплонбекка садоқат кўрсатишган бўлди. Қоплонбек тахтга ўрнашиброқ ўтириб олди. Икки ёнида икки маслаҳатчи: Филшоҳ билан Йўлбарсвой, давлат араваси улуғ шаҳаншоҳ васиятлари асосида, у чизиб берган йўлдан илгари босарди. Орадан ярим йил ўтгач, янги подшоҳ Қоплонбек ҳам кетма-кет бир қатор фармойишлар чиқарди:

«Лайлақларнинг тумшуғи эмас, оёқлари қисқартилсин!»

«Булбулларга тонгда сайрашга ҳам рухсат этилади!»

«Бўривойга тутқич бермагани учун Қуён махсумга ҳайфсан эълон қиламан».

«Жониворларнинг туллаш мавсуми баҳордан кузга кўчирилсин!»

«Ҳар бир хўрозга 300 тадан тухум туғиб, хазинага топшириш мажбурияти юклатилсин!»

Янги подшоҳ Қоплонбекнинг ҳар қандай буйруқ ва фармойишлари сўзсиз бажарилаверди. Орадан яна бир йилча муддат ўтди. Баҳор. Ҳаммаёқ гуллаган. Урмон

марказидаги «Яшил сарой»да жониворларнинг улкан йиғини чақирилди. Янги шаҳаншоҳ Қоплонбек йиғилганлар олдида дабдабали ваъз айтди:

— Азиз туёқдошлар, ҳурматли думдошлар,— деди у қайрағоч тўнкасидан қилинган минбарни қучоқлаб туриб.— Собиқ шаҳаншоҳ Арслонхоннинг ўрмон мамлакатини гуллаштишдаги хизматлари, шубҳасиз, катта. Лекин у анчагина, кечириб бўлмас хатоларга йўл қўйди. Қанчадан-қанча яхши-ёмон жонзотларни йўқотиб юборишда шахсан унинг қўли бор. Ҳатто, кўпгина ўзига жинсдош арслонларни ҳам йўқотди у. Ўрмонимизда ҳақиқий булбуллар, какку ва саъвалар камайиб кетди. Арзима бир гуноҳи учун қанчадан-қанча қоплон, бўри, жирафа ва эшақларга асоссиз чора кўрилди. Улардан кўпчилиги қувғин қилинди. Яна Арслонхоннинг бир айби шу эдики, у ўзига ҳаддан ошиқ бино қўярди. Олдига маслаҳат билан кирган баъзи ҳайвонларни соғ чиқармасди. Бир ҳамла билан парчалаб ташларди. Ҳа, шунақа эди Арслонхон. У жуда ёвуз, бераҳм ва шафқатсиз эди. Унинг ҳаддан ошиқ қаттиққўллиги туфайли ўрмон жонивор хўжалиги тараққиётига жиддий путур етказилди. Шунинг учун ҳам, бугунги арқони давлат, шахсан мен ва подшолик Арслонхоннинг ўша даврдаги фаолиятини қаттиқ қоралаймиз.

Қоплонбек сўзини тугаллаб яқиндаги кўчма тахтига ўтирди. Йиғин раиси «Яшил сарой»да тўпланганларга қараб «Саволлар ёзма равишда берилсин!» деб таклиф киритди. Йиғин давомида ҳаммаси бўлиб битта савол тушди. Залнинг аллақасеридан қўлма-қўл бўлиб, шаҳаншоҳ — Қоплонбеккача етиб келган қоғоз парчасига кутилмаган сўзлар ёзилган эди. Шоҳ ўрнидан туриб томоқ қирди ва савол ёзилган хатчани ўқишга тутинди.

— «Ҳурматли шоҳимиз Қоплонхон! Арслонхоннинг шунча камчилиги бор экан, нега ўша пайтда, ўзи тириклигида айтмадингиз? Ахир Сиз ҳам у билан бирга саройда эдингиз-ку? Шу саволга жавоб берсангиз».

Қоплонбек бирпас ўйга толди. Кейин залга қаради.

— Бу саволни ким ёзиб юборди?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Қоплонбек такрор сўради:

— Саволни ёзиб юборган кимса ўрнидан турсин. Қани ким?!

Ҳеч ким ўрнидан турмади. Қоплонбек саволни ёзиб юборган кишини аниқлаш мақсадида учинчи бор залга мурожаат қилди: «Илтимос, саволни ёзиб юборган кимса думини остига босиб ўтирмасдан ўрнидан турсин!» Лекин бу гал ҳам ҳеч ким миқ этмади. Ҳамма сукутда. Шунда Қоплонбек:

— Ҳа-ҳа,— деди кулиб,— саволни мен ёздим дейишга қўрқасанлар-а? Ана шунақа, Арслонхон тириклигида мен ҳам ундан қўрқардим-да!

«Яшил сарой»да гумбирлаган қарсак янгради.

* * *

Орадан йиллар ўтди. Қоплонбек ҳам даврини сура-сура оламдан кўз юмди. Унинг таъзиясига кўпгина жониворлар қатори Тулкижон ҳам қатнашди. Бир пайт у кўпчилик олдади ҳиринглаб, керилиб қолди:

— Ҳиҳи, «Яшил сарой»да бўлган ўша улкан йиғинда раҳмати Қоплонбекка берилган ягона саволни мен ёзиб юборган эдим...

Шўрлик тулкининг гапини ҳеч ким эшитмади.

Топилдиқ

«Душанба оғир кун» дейишлари бежиз эмас. Чунки, икки кунлик дам олишдан кейин ҳар кимда ҳам бир эринчоқлик бўлади. Айримларда эса, бундан ҳам баттар кўргилик...

Одатдаги душанба кунларидан бири. Эрталаб хотин қизил сатиндан қилинган кўрпа остида ғужанак бўлиб ётган эрини уйғотади.

— Туринг, ахир кун ёйилиб кетди-ку!..

Эр гингшиб, оёғини чўзади ва яна пишиллаб уйқуга кетади. Хотиннинг сабри тугаб эри устидан кўрпани жаҳл билан тортади:

— Турингге! О, ишга кечикасиз!..

Эрининг усти очилади. Қоқ танида майка-трусик. Қўл-оёқлари чиллакдай, рангсиз. Елкаларининг суюги туртиб чиққан. Эр жойхоби устида оёқларини ёзиб ўтиради, бошини кафтлари орасига олиб «оҳ» деб қаттиқ инграйди.

— Кеча кўп ичибмиз... бошим ёрилай дейди... оҳ!..

Эр ўрнидан туриб кийинди. Хотин дастурхон ёзди. Эр дастурхонга қараб турди-ю, чимирилиб юзини тескари ўгирди.

— Шишада қолганми бир оз?

— Кеча қурутган эдингиз!— деди хотини иддао билан.— Ичманг, ичманг, дедим... Ана энди керак бўлиб ўтирибди...

Эр оғзини катта очиб эснади. Бошининг орқа томонида қаттиқ оғриқ сезарди. У кўзини юмиб, тишларини қаттиқ қисганча:

— Оҳ-оҳ!— деди ва хотинига илтижо билан қараб: «Бир сўм бер!», дея қўл чўзди. Хотин «Пулни қаердан оламан, Сизга!» деб ўшқирди. Эр сўзсиз елка қисди. Боши ҳамон ёрилар даражада оғрирди. Бир оздан кейин у ноилож ишга отланди. Умидсизланиб, хаста ҳолда эшикдан чиқиб кетаётган эди, хотини:

— Манг, мана бу шимни кийинг!— деди эски бир шимни унга итқитиб.— Эгнингиздагини ечиб беринг, кир-яғир бўлиб кетибди...

Эр хотинга маъносиз қаради. Кейин журъатсизгина шимини ечиб, эскисига алмаштириб кийди. Эски шимнинг бели бир оз кенг эди. У қайишни тортиб боғлади.

Ишхонага келганда бошлиқ унинг сўлғин рангига қараб туриб сўради:

— Ҳа, Остон ака, кайфиятингиз...

— Бир оз тобим йўқ!— деди Остон ака кўзларини бир нуқтадан олишга эриниб.— Шамоллабманми нима?

Остон ака бир оздан кейин кайфиятсиз қиёфада дарвоза олдига чиқди. Бировдан қарз сўрашга истиҳола қиларди. Бошида ҳамон ўша оғриқ. Юз граммгина бўлса, мияси «шарқ» очиларди. Икки-уч марта дарвоза олдига чиқиб, қайта кабинетга кирди. Башарасида аллақандай сўлғинлик. У охирги марта кабинетга кирганда, секретарь қиз қаламтарош сўради. У паккичасини доимо шимининг кичик чўнтағига солиб юрарди. Шунинг учун ҳам чўнтагини тимирскилашга тушди.

— У шимимда қолибди!— деди Остон ака икки бармоғи билан чўнтагини ковлаштираркан. Бир пайт ўша чўнтакдан унинг титроқ бармоқларига бир қоғозча илиниб чиқди. Қоғозчани кўзига яқин келтириб қаради-да, юзи ёришиб кетди.

— Э, яшасин! Бунни қаранг, бир сўм!— деди у қувониб.— Раҳмат сизга, Лайлохон, қаламтарошни сўрамасангиз, бу пулни топмас эдим... раҳмат!..

Лайлохон тиззаларига уриб кулди.

— Ман ўйлабманки қаламтарошни топдингизми деб.

— Йўқ, ана бунни топдим!— деди Остон ака бесўнақай лапанглаб ўйнаркан. Қисқаси у шод эди. Гўё унинг бош оғриғидан асар ҳам қолмаган, завқ билан қандай қилиб бир сўмликни топганини айтарди.

— Билмадим, қачон қўйган эканман?— дерди у ва саволига ўзи жавоб берарди.— Бир вақт қўйганман-у, кейин эсимдан кўтарилиб кетганда... эрталаб янгангиз у шимингизни ечиб кетинг, юваман деди... Қаранг!..

Остон ака дарвоза олдига чиқиб, бир сўмликни қорувулга кўрсатиб деди:

— Қаранг, ана шу бир сўмликни бир вақтлар ана бу чўнтакка қўйган эканман, эсимдан чиқиб кетган экан... Бугун Лайлохон қаламтарош сўради. У шимим хаёл қилиб бундай бармоғимни тиқиб қарасам, ана шу бир сўмлик...

Шу пайт шофер келиб «Нима? Нима?» деб гапга аралашди. Остон ака унга ҳам қўлидаги пулни кўрсатиб тушунтира бошлади.

— Мана бу бир сўмликни ҳозир мана бу чўнтакчамдан топиб олдим!— дерди у яйраб.— Лайлохон қаламтарош сўраган эди, бундай бармоғимни тиқиб қарасам, ана бу ерда яшириниб ётибди...

Остон ака идорага қайта кириб, бир сўмликни қандай топганлигини завхозга, ҳисобчи хотинга, бўлим мудирларининг ҳар бирига бир мартадан айтиб чиқди-да, паст кўча билан секин буфетга йўл олди.

У куни билан шод, хушчақчақ юрди. Уйига боргач, кечаси билан ҳамма эски кийимларининг чўнтақларини ковлаштириб чиқди. Лекин ҳеч нарса топа олмади. Эртасига бошлиқ билан холи қолганда:

— Бир янгилик!— деди.

— Хўш!— бошлиқ кўзойнағи устидан қаради.

— Кеча ана бу чўнтакчамдан,— дея бош бармоғини ўша, эски шими чўнтагига тиқиб кўрсатди,— бир сўм топиб олдим... бир вақтлар қўйганман-у, кейин эсимдан чиқиб кетган-да... Лайлохон қаламтарош сўради, бундай бармоғимни тиқиб кўрсам, бир сўм...

Бошлиқ нимагадир эътибор бермади. Чунки бу янгиликни у идорадаги бошқа одамлардан кечанинг ўзидаёқ эшитган эди.

Қаймоқбибининг табиби

Гр. Горинга ўхшатма

Ушанда учинчи синфда ўқисам керак. Онамнинг саксондан сакраган Шарофатбиби деган аммалари бўларди. Чоли эрта ўлиб, якка-ю ягона ўғли урушда бедарак йўқолгани учун бизларникида яшарди. Мен у кишини Қаймоқбиби ҳам дердим. Чунки ҳар куни менга пишган сутнинг қаймоғини ялатардилар. У кишининг қаймоғидан ҳам кўра эртақлари ширин. Холи-жонларига қўймасдан туну кун эртақ айттираман. Назаримда Қаймоқбибидан

чиройли кампир оламда йўқ эди: заҳил юзларини бўри-калла қовуннинг тўридек майин ажин қоплаган, пастки жағлари туртиб чиққан, доимо туршак шимиб юрганлари учун «чилп-чилп» овоз чиқаради.

Бир куни Қаймоқбиби ҳисобчининг уйидан узун енгларига икки дона пашмак шафтоли ўраб келдилар. Шафтолини кўриб, ирғишлай бошладим. Бибим шафтолининг биттасини қўллари қалтирай-қалтирай арчиб, менга бердилар. Ҳил-ҳил пишган, оғзимга солиб «фивв!» деганча сувини қулт-қулт ютдим. Шу пайт кампирнинг ҳам шафтоли егиси келиб кетди. Иккинчи шафтолини чалачулпа арчиб оғзига солган эди, «ширқ» этган овоз эшитилиб, бирданига вой-войлаб юборди. Қарасам, бибимнинг жағлари қийшайиб қолибди. Шафтолини эҳтиётсиз тишлаганда жағлари тойиб кетиб, ўрнидан чиққан эди. Ҳамма тўпланиб келди. Биров «жағлари лат ебди», деса, яна биров «йўқ, жин чалган, ўқитиш керак», деди. Далмун қишлоқлик шикастбанд Уста Тўхтани олиб келдилар. У ҳали бибимни кўрмасданоқ икки дона тухум, бир оз танакор топишни ва новвот чой қилиб, беморга ичиришни буюрди. Кассирникига новвот сўраб чиқдим. Хотини тўнғиллай-тўнғиллай ярим пиёла уваланган новвот берди. Қаймоқбибим шўрлик новвот чойнинг ярмини тўкиб-сочиб аранг ичдилар. Шикастбанд у кишини кўрди. Бир нималарни пичирлаб, бибимнинг жағларига қўл чўзар-чўзмас бибим инграб юбордилар. Бўлмади. Шикастбанд: «Мен қўл синса, оёқ синса, тахтакачлаб қўйишим мумкин, лекин бу жуда мушкул,— деди бош чайқаб,— юзни тахтакачлаб бўлмаса. Яхшиси, дўхтирга олиб боринглар... ренгенми, апарасами қилади». Уста Тўхта жўнаб кетди. Бибимни дўхтирга олиб бормоқчи бўлдик. Аввалига рози бўлгандек «Ххай!» дедилар, сўнг «апареса нима?» деб сўраган эдилар, қизиқчи Бозор тоғам:

— Операция унчалик оғир эмас,— деди сохта жиддийлик билан,— оқ халат кийган давангирдай-давангирдай дўхтирлар узун, илдам пичоғи билан бошингизни ке-

сиб олиб, ту누ка қопланган столга қўяди,— кампирнинг митти кўзлари қўрқувдан очилиб кетди.— Кейин мана бу ерингизни тилиб, қўлидаги резинка болға билан уриб жағингизни тўғрилайди. Яна бўлмаса, жағингизни секин рандалайди...

— Йў-йў!— дедилар Қаймоқбим иккала кафтларини барабар кўтариб.— Улсам ҳам шу ерда ўлай...

Оқшом бир азобда ўтди. Қаймоқбим инқиллаб чиқдилар. Ҳеч ким менга эртақ ҳам айтмади. Эртасига бибим бир оз тинчигандек бўлди. Ҳамма иш-ишига жўнаб кетди. Каникул эмасми, зерикканимдан нима қилишни билмай, токчадан эски бир журнал олиб варақлай бошладим. Узимча пиқир-пиқир куламан.

«Нима у?» деб сўрадилар Қаймоқбим. У кишига қарамасдан (чунки кеча қараганда қўрқиб кетган эдим) «Муштум» дедим.

— Уқи-чи, шояд алахсиб, оғриғи бир оз босилса...

Уқишга тутиндим: «Афанди латифалари. Бир киши ифторлик қилибди. Дастурхон шипшийдон бўлгандан кейин уй эгаси домла-имомга тўн кийдирибди. Домла ўлгудек семиз экан, тўн зўрға сиғибди. Бунни кўриб қамишдек озғин сўфи:

— Тақсиримга биқини торлик қилибди,— деди.

— Домла, сиз тўнни сўфига бериб қўяқолинг. Сизга кенгроғини берамиз,— дебди уй эгаси.

Домла бу нася ваъдани эшитиши билан:

— Аузибиллоҳи минашайтони ражим. Вало тўнун биқинатун торун савобун, яъни биқини тор тўн кийилса, савоб бўлғай,— дебди-да, йўлга равона бўлибди».

Охирги жумлани ўқиб бўлар-бўлмасимдан «Иҳ-ҳи-ҳи!» деган овоз эшитилди. Ялт этиб қарадим: Қаймоқбим кулиб турибдилар, қийшайган жағлари аввалгидек жойига тушган эди.

— Бибижон, яхши бўлдийиз!— дея қичқириб юбордим. Бибим қўллари билан энгақларини силадилар, кейин бун-

га ҳам ишонмасдан думалаб туриб, тахмондаги ойнага қараб югурдилар.

— Ургилай сангинадан, бўталоғим,— дедилар бибим кўзларига ёш олиб,— қани, менга бер-чи, «Муштум» дедингми ҳали? Ургилай табибимдан, «Муштум»гинангдан ўргилай! Апареса-ю шикастбанд қилмасдан ҳам тузатеа бўларкан-ку... Их-их-ҳи, ана бу одамни расмига қара... ҳи-ҳи-ҳи, қорин ҳам шундай катта бўларкан-да! Бундайларни қадимда ноғора қорин дердилар... ҳи-ҳи-ҳи...

Шундай қилиб, Қаймоқбибим умрининг охиригача (охири —103!) «Муштум» ўқитиб эшитардилар.

Эҳтимол менинг «Муштум»чи бўлишимга ҳам шу воқеа сабаб бўлгандир.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	3
---------------------------	---

ҲИКОЯЛАР

«Педагогика»	8
Табрикнома	13
Асабий кишилар	20
Тарбиявий соат	26
Васият	31
Нусрат чаман	41
«Оби маҳрам»	48
«Ака, деманг»	55
Фотиҳа	60
Шайтонга ҳай	69
«Думли юлдуз»	80

УСТОЗЛАР ТАБАССУМИ

Чинорлар кўшиғи	86
Устод табассуми	90
Томчидан дарё	98
Самд Аҳмад ёнида	106
Насриддиннинг қайтиши	111

ҲАЖВИЯЛАР

Сўрғич	120
Мандарин пули	125
Қассоб бобонинг ити	128
Жигари тўкилди	131
Мақол одам	134
Шудгордан тутилган балиқ	139
Ақлли хўроз	142
Адабиёт ва қанд касаллиги	145
Аччиқ кекирик	147

«Хўроз»ни чўқиган «макиён»	151
Куйдирги	153
Муштипар монологи	156
Ғийбатулло архивидан	159
Шахсиятимга тегилмасин	161
Шўрлик тулки	163
Топилдиқ	166
Қаймоқбибининг табиби	169

А 59

Аминов Негмат.

Чинорлар қўшиғи. Ҳикоя ва ҳажвиялар. Т., «Еш
гвардия», 1983 176 б.

Аминов Негмат. Песни чинары. Рассказы и юмор.
Уз 2

На узбекском языке

НЕГМАТ АМИНОВ

ПЕСНИ ЧИНАРЫ

Рассказы, юморы

**Редактор А. Обиджонов
Рассом Т. Жамолиддинов**

**Расмлар редактори
Ҳ. Раҳматуллаев
Техн. редактор Л. Буркина
Корректор С. Сайдалимов**

ИБ № 1389

Теришга берилди 8.09.83. Босишга рухсат этилди 27.12.83. Формати $70 \times 108^{1/32}$. Р—18235. 2-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 5,5. Шартли босма листи 7,70. Нашр листи 7,89. Тиражи 30000. Буюртма № 1966. Ваҳоси 50 т. Шартнома № 88—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти, Тошкент,
700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент,
«Правда Востока» кўчаси, 26.